ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Н.КОМИЛОВ,
К.ЖЎРАЕВ

# ДАВЛАТ, ЖАМИЯТ ВА ДИН

## Қайта тайёрлаш факультетлари учун дарслик

Андижон – 2011

# М У Н Д А Р И Ж А


**МУҚАДДИМА**

***Биринчи қисм***
**Биринчи боб**. Давлат ва дин

**Иккинчи боб**. Виждон эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва диний ташкилотлар билан давлат органларининг муносабатлари

**Учинчи боб**. Жамият ва дин

***Иккинчи қисм***
**Биринчи боб**. Диннинг ибтидоий шакллари

**Иккинчи боб**. Миллий динлар

Иудаизм
Конфуций таълимоти

**Учинчи боб**. Зардуштийлик

**Тўртинчи боб**. Жаҳон динлари
Буддавийлик

**Бешинчи боб**. Христианлик

**Олтинчи боб**. Ислом

***Учинчи қисм***
**Биринчи боб**. Динлардаги эзгулик ғоялари

**Иккинчи боб**. Марказий Осиё мутафаккирларининг исломий илмлар ривожига қўшган ҳиссаси

**Учинчи боб**. Ўзбекистонда диний конфессиялар фаолияти ва диний бағрикенглик

**ХУЛОСА**

# МУҚАДДИМА

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда динга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлини танлаган Ўзбекистонда шўролар давридаги динга бўлган салбий муносабат рад этилиб, фуқароларнинг эътиқод эркинлиги қонун йўли билан кафолатланди. Бош қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир киши истаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч бир динга эътиқод қилмаслиги белгилаб қўйилган. Яъни диний эътиқод – ҳар кимнинг хусусий иши. Айни вақтда дин давлатдан ва давлат диндан ажратилган. Бу Ўзбекистонда қурилаётган фуқаролик жамияти ва дунёвий демократик давлат талабларига тўлиқ жавоб берадиган тамойилдир.

Бироқ, давлат диннинг жамиятдаги мавқеи ва тарбиявий роли, руҳий-маънавий тикланишидаги аҳамиятини назардан соқит қилмайди. Зеро Президент ислом Каримов таъкидлаганидек, “Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз”. (Ислом Кармиов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: “Ўзбекистон”, 1997, 44-бет.)

Давлатимизнинг изчил давом этаётган бундай оқилона ва одилона сиёсати мамлакатда диний бағрикенглик, сабр-тоқатлилик муҳитини яратиш, ижтимоий барқарорлик ва осойишталикни таъминлаб, ҳар томонлама тараққиётга йўл очишга сабаб бўлмоқда. Жумладан, “Халқимизнинг минг йиллик маънавий-ахлоқий юксалиш тажрибасини ўзида жамлаган Ислом маданиятини тиклаш” (И.Каримов) умуммиллий маънавий тикланишнинг ажралмас таркибий қисми сифатида узлуксиз давом этмоқда. Бу соҳада улкан ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ислом ғояларини ўзларига қурол қилиб олган экстремистик жангарилар, диний фундаментализм тарафдорларига қарши курашиш даврнинг энг долзарб вазифаси бўлиб турибди. Аҳолига ҳақиқий маърифий ислом билан экстремистларнинг зарарли, бузғунчи ғоялари орасидаги фарқни тушунтириш учун исломнинг ўзини яхши билиш лозим. Раҳбар кадрлар, давлат хизматчилари Ўзбекистон давлатининг дин соҳасидаги сиёсати, унинг қонуний асослари, диннинг маърифий моҳиятини яхши билишлари уларнинг амалий фаолиятида, маънавий-мафкуравий йўналишдаги ишларида ҳаётий зарурат сифатида керак бўлиши табиий.

**Биринчи қисм**

I БОБ

# ДАВЛАТ ВА ДИН

Ўзбекистон қадимдан диний таълимотлар ривожланган мамлакат бўлиб, исломдан аввал зардуштийлик ва бошқа ўнлаб динлар, мазҳаб, оқимлар мавжуд бўлиб келган. Ислом ғалаба қилгандан кейин, у нафақат имон-эътиқодимиз бўлиб қолди, балки миллий маънавиятимиз, миллий одатларимизга ҳам чуқур таъсир этди. Ислом тасаввуф кўринишида Марказий Осиёда маънавий ва ғоявий бирлаштирувчи куч сифатида муҳим аҳамият касб этди. Соҳибқирон Амир Темурнинг сарбадорлар билан бирга муғулларга қарши олиб борган курашида ва ундан кейинги марказий давлат тузиш учун олиб борган қизғин фаолиятида сўфийлар фаол иштирок этган. Тарихдан маълумки, Амир Темур ислом динини ўзига хос равишда, мутаассибликдан холи, эркин эътиқод деб тушунган. Унинг комил эътиқоди бошқа динларни рад этиш ҳисобига бўлмаган ва бу жиҳатдан у нафақат ўз асри, балки ҳозирги замон кишиси учун ҳам ибратлидир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакат аҳолисининг маънавий эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ислом дини равнақига кенг йўл очиб берилди. Шу каби бошқа дин вакиллари ҳам атеистик тарғибот зуғумидан қутулиб, эмин-эркин равишда диний маросимларини ўтказадиган бўлди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов мустақил Ўзбекистон сиёсатини белгилаб берар экан, динга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш лозимлигини қайта–қайта уқтиради. Юртбошимизнинг таъкидлашича, «Дин турмуш тарзимизга ўчмас муҳрини босган. Худога қарши курашганларнинг аҳволи нима кечганини кўрдик. Энди бу хил бесамар ва қуруқ инкор йўли ярамайди. Динга нисбатан ижобий муносабат ташқи сиёсатимизда катта аҳамиятга эга».[1]

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18, 31, 57, 61-моддаларида инсонлар учун бошқа эрк ва ҳуқуқлар қаторида виждон эркинлиги, динга эътиқод қилиш ёки қилмаслик эрки кафолатланган. Давлатимиз дин ва виждон эркинлигига катта эътибор бериб, халқимиз руҳиятига мос келадиган имон-эътиқод, адлу инсоф, диёнат, меҳру оқибат, ор-номус, покиза ахлоқ белгилари бўлган иффат, ҳаё, ҳалоллик, ростгўйлик каби эзгу фазилатларни ривожлантириш, мустаҳкамлашни асосий вазифа қилиб қўйди. Бундан ташқари, Конституциямизда Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқаронинг манфаатлари, ҳуқуқ ва бурчлари қонун асосида белгилаб қўйилган.

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1–жилд. –Т., Ўзбекистон, 79-бет.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан:

**18–модда**. Ўзбекистон Рес–публикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинлик–ларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижти–моий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

**31–модда**. Ҳамма учун виждон эркинлиги кафо–латланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашлар–ни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

Асосий қонунимиз Ўзбекистон фуқаросини миллати, ирқи, жинси ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли деб билади, шунингдек, ўз эътиқодини эркин намоён этиш, ибодат қилиш, урф-одат ва миллий анъаналарини давом эттириш ва уларни ҳурмат қилишни кафолатлайди. Конституцияда белгиланган ушбу қоидалар 1998 йилда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрир) Қонунда яна кенгроқ ифодасини топди.

Ушбу қонуний ҳужжатларда белгиланган қоидалар дунёвий демократик давлатнинг динга муносабатини акс эттиради. Зеро Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилгандан кейин барпо этилган миллий давлат – бу дунёвий характердаги давлатдир. Бунинг маъноси шуки, давлат дин ишларига, дин эса давлат ишларига аралашмайди. Чунки “давлат”, “ҳокимият”, “сиёсат” тушунчалари асл моҳияти билан дунёвий ҳодисадир. Ҳукмронлик, бошқариш ҳам кундалик жараён билан боғлиқ бўлган секуляр[1] характерга эга фаолиятдир. Давлат дунёвий тафаккурга асослансагина, у халқ эҳтиёжига мос келади, демократик характер касб этади ва жамиятни уюштирувчи миллий тараққиётга раҳбарлик этувчи фаол органга айлана олади. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Конституциясининг 7- ва 12-моддаларига яна бир бор эътиборга қаратишга зарурат туғилади.

Унинг 7-моддасида таъкидланишича, «Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир». Бу қоида, биринчидан, ҳокимиятнинг халқ томонидан сайланиши, халқ вакиллари бошқариши (бирор бир подшо ёки сулола эмас), ҳокимиятнинг ҳалққа таяниши ва ҳисоб беришини англатса, иккинчидан, ҳокимият, ҳукм аллақандай осмондан тушадиган, у танлаб олинган, кимгадир абадий туҳфа қилинган («Подшоҳ – Аллоҳнинг ердаги сояси» дегандек) нарса эмас, балки ҳалқнинг иродасидан ҳосил бўладиган ва шу иродани ифодалайдиган нарса эканини ҳам англатади. Демак, ҳукм халқнинг ўзиники,

[1] Секуляр – дунёвий тафаккур тарзини билдирувчи фалсафий атама.

ундан ташқарида эмас. Бу – демократия тамойилларига асосланган дунёвий давлатнинг асосий қоидаси, Ўзбекистон давлати бу қоидага оғишмай амал қилмоқда.

**12-модда.** «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас».

Бу ҳам дунёвий давлат табиатидан келиб чиқадиган талаб. Чунки бирор бир мафкура, у хоҳ сиёсий бўлсин, хоҳ диний бўлсин, давлат мафкурасига айланса, демократия бўғилади, тоталитаризм ғалаба қилади. Диндаги сакрал тафаккур[1] давлат ишлари, жумладан, ҳокимиятни бошқаришда илоҳийликка таянади ва шу боис ҳам жамиятда хилма-хил қарашлар бўлишини, фаол амалиётнинг йўлини тўсади. Сакрал тафаккур ҳокимиятни илоҳийлаштиради. Дунёвий демократик давлатда эса бунга йўл қўйилмайди.

[1] Сакрал – муқаддаслик, илоҳий мутлақлик тафаккури.




**ДУНЁВИЙ ДАВЛАТ ЎЗ ТАБИАТИГА КЎРА:**

- демократик тамойилларга
- секуляр (дунёвий) тафаккурга
- мафкуралар хилма–хиллигига
- халқ иродасига таянади ва ҳеч бир мафкуранинг мутлоқ устунлигига йўл қўймайди

Буларнинг ҳаммаси ривожланаётган ҳозирги дунёда дунёвийлик асосида давлат қуриш энг оқилона ва тўғри йўл эканини исботлайди.

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрир) Қонуннинг 5-моддасида таъкидлашича, «Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларга нисбатан бирон бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди». Ҳеч бир динга имтиёз ёки чеклашлар берилмайди, деганда давлатнинг бирон бир дин тарафида туриб, бошқа динларни таъқиб остига олиш тушунилади. Масалан, Ўзбекистон аҳолисининг кўпчилиги мусулмонлар бўлишига қарамай, Ўзбекистон давлати Исломни қўллаб-қувватлаб, бошқа динларни таҳқирлаётгани йўқ. Агар шундай қилинса, бундай ҳаракат Конституцияга зид, бошқа диндаги фуқаролар ҳуқуқи чекланган бўларди, демократия принциплари бузиларди. Қонунда яна қайд этилади: «Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда даҳрийлик тарғиботига оид фаолиятини маблағ билан таъминламайди».




Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан:

**61-модда**. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди.

Мазкур моддада «давлат ўз ишини қилсин, дин ўз ишини» (И.Каримов) қоидаси мужассам этилган. Агар давлат диний арбоблар ёки диний ташкилотларга бирор бир вазифа юклаб, уни бажаришни талаб қилганда эди, у ҳолда у дин ишларига аралашган бўларди. Аммо давлат диний ташкилотларнинг ўз маблағини, мулкини ҳимоя қилиш, уларнинг ибодатхоналарини (масжид, черков, синагог) қўриқлаш, ибодатларни адо этиш, тартиб-интизомни сақлашда диний ташкилотларга қонун асосда кўмаклашади. Айни вақтда, диндорлар ва улар жамоаларининг қонунга зид фаолияти тақиқланади, шунингдек, динга зўрлаб даъват қилиш, ўзини улуғлаб, бошқаларни камситиш, таҳқирлаш, бошқа дин вакилларига зулм ўтказиш ман қилинади. Бундай ҳолларда давлат ушбу жараёнга аралашишга мажбурдир, зеро у барча фуқаролар ҳаётининг осойишталиги, ҳар бир инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиши шарт. Давлат, шунингдек, тарғибот-ташвиқот ишларига маблағ ажратмайди. Аслини олганда, диний тарғибот ҳам, атеистик тарғибот ҳам ҳаддан ошса, ножоиз ҳаракатдир. Давлат, шу билан бирга, вояга етмаган болаларни ота-оналари ва васийлари ихтиёрисиз диний таълимга жалб этишни ман этадики, бу ҳам тўғри йўлдир. Зеро, дин нафақат қалб, балки фикр билан қабул қилинадиган таълимот. Кишиларни муайян ёшга етиб, саводи чиққандан кейин маърифий маънода диний таълимотдан хабардор этиш ўринли ва фойдалидир.

Шунда ҳам у ихтиёрий бўлиши жоиз. Зўрлаб диний таълим беришга уринишлар фожеали оқибатларга олиб келади. Умуман, диний адабиётларни мутолаа қилиш ҳам ҳар бир кишининг ихтиёрий иши, буни зўрлаб амалга ошириш қонунга ҳам, зид ҳаёт ҳақиқатига ҳам тўғри келмайди.

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркрорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли фундаментал тадқиқотида, жумладан, бундай дейилади:

«Ҳозирги кунда Республикада 16 диний конфессия уюшмалари фаолият юритмоқда. Уларнинг бир қисми Ўзбекистон учун ноанъанавийдир. Давлат улар билан ўзаро муносбатда, ўз дунёвий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги тамойилларга амал қилмоқда:

**Давлатнинг бурчи**

- диндорларнинг диний туйғуларини хурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;

- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;
- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўлларини излаш зарурати;
- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш».

Каримов И.А. Асарлар, 17 томлик, 6-том, 44-бет.

Шу боис Ўзбекистонда эътиқод эркинлиги тўлиқ амал қилмоқда, кишиларнинг диний туйғулари ҳурмат қилиниб, диний ташкилотлар фаолиятига шарт-шароит яратиб беришдан ташқари уларни таъқиб этиш, маросимларни ўтказишга тўсқинлик қилишга йўл қўйилмайди. Қолаверса, бу қонуний кафолатлар фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-моддасига мувофиқ келади. Бу моддада ҳар бир инсоннинг эркин фикрлаш, виждон ва дин эркинлигига бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлаб қўйишдан ташқари, яна бундай дейилади: «Дин ёки эътиқодга сиғиниш эрки фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлигини, тартибини, саломатлиги ва ахлоқини сақлаш учун, шунингдек, бошқа шахсларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳофаза этиш учун зарур бўлган чеклашлар билангина дахл қилиш мумкин».

Маълум бўладики, Ўзбекистонда давлат ва дин ўртасидаги муносабатлар халқаро тамойиллар ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация талабларига тўлиқ мос келади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар ҳам бунга далилдир.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар, тенг ҳуқуқлигини ҳамма ерда: ишга қабул қилиш, ўқишга кириш, имтиёзлардан фойдаланишида тўлиқ риоя қилинади, бирор бир расмий ҳужжатда фуқаронинг динга муносабатини кўрсатишга йўл қўйилмайди. Ҳеч кимнинг ҳуқуқи динга муносабатига қараб чекланмайди. Бу қоида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрир) Қонуннинг 4-моддасида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда бир неча минг масжид, черков ва бошқа диний ибодатгоҳлар фаолият юритмоқда. Ҳар йили бир неча минг киши муқаддас шаҳарлар – Макка ва Мадинага ҳаж сафарига бориб қайтмоқда. Бу сафарларни ташкил этиш, ҳожиларнинг ҳаж амалини адо этиб эсон-омон ватанига қайтишни таъминлаш давлат зиммасидадир.

Мустақиллик қўлга киритилгандан кейин диний байрамлар – Рамазон ва Қурбон ҳайитлари кенг миқёсда мунтазам нишонланиб келмоқда. Давлат қўмаги билан қадимий обидалар, қадамжолар обод қилиниб, зиёратгоҳ жойларга айлантирилди.

Буларнинг ҳаммаси диндан оқилона фойдаланиш, маърифий-маданий ишларда диний қадриятларни истифода этиш, дин фалсафасини чуқур ўрганиб, эзгу хулқ, эзгу сўз ва эзгу амал учун интилиш, ёш авлодга ислом дини ва унинг негизида шаклланган маънавиятни шу тарзда ўзлаштиришни ўргатиш зарурлигини тақозо этади.



## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни белгиловчи асосий тамойиллар нималардан иборат?
2. Давлатнинг дунёвийлиги ва диний эътиқод эркинлигини изоҳлаб беринг?
3. Демократия шароитида диннинг ўрни нимада кўринади?
4. Сакрал ва секуляр тафаккур ўртасидаги зиддият ва фарқни тушунтириб беринг.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддаларида виждон эркинлиги кафолатланган.



## АДАБИЁТЛАР


1. Ўçáåêèñòîí Ðåñïóáëèêàñèíèíã Êîíñòèòóöèÿñè (Àñîñèé қîíóí) âà қîíóíëàð ìàæìóè. –Ò., Àäîëàò, 1998.
2. Ўçáåêèñòîí Ðåñïóáëèêàñèíèíã Қîíóíè. Âèæäîí ýðêèíëèãè âà äèíèé òàøêèëîòëàð òўғðèñèäà. (ßíãè òàҳðèðè). –Ò., Àäîëàò, 1998.
3. Êàðèìîâ È. Áèçäàí îçîä âà îáîä Âàòàí қîëñèí. –Ò., Ўçáåêèñòîí, 1994.
4. Êàðèìîâ È. Àëëîҳ қàëáèìèçäà, þðàãèìèçäà. –Ò., Ўçáåêèñòîí, 1999.
5. Êàðèìîâ È. Ўçáåêèñòîí: èæòèìîèé–èқòèñîäèé ðèâîæëàíòè–ðèøíèíã àñîñèé òàìîéèëëàðè. –Ò., Ўçáåêèñòîí, 1995, 139–153–бетлар.
6. Êàðèìîâ È. Ўçáåêèñòîí ÕÕI àñð áўñàғàñèäà: õàâôñèçëèêêà òàҳäèä, áàðқàðîðëèê øàðòëàðè, òàðàққè¸ò êàôîëàòëàðè. –Ò., Ўçáåêèñòîí, 1997.
7. Êàðèìîâ È. Ҳóø¸ðëèêêà äàúâàò. –Ò., Ўçáåêèñòîí, 1999.
8. Äóíёâèé äàâëàò âà äèí. –Ò., Ўçáåêèñòîí, 1998.


## МУСТАҚИЛ ИШ

«Давлатнинг дунёвийлиги – демократия шартларидан бири» мавзуида реферат ёзиш.

## II БОБ

## “ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ МУНОСАБАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чақириқ бешинчи сессиясида (1998) “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирни қабул қилди. Шу номда қабул қилинган аввалги қонун (1991 ва 1993 й.) Конституция мазмунини тўлиқ акс эттиролмас, республика ҳаётидаги ўзгаришлардан орқада қолган эди. Бундан ташқари, диний ташкилотларнинг фаолиятини қонунга мувофиқлаштириш, давлат органлари билан муносабатларини тартибга келтириш зарурати ҳам пайдо бўлганди. Шу мулоҳазаларга кўра, қонуннинг янги таҳрири анча тўлдирилди, кенгайди ва унинг моддалари батафсил ва тушунарли қилиб баён этилди.

Янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун 23 моддадан иборат бўлиб, уларда виждон эркинлиги ҳуқуқи, динга муносабат ва фуқаролик ҳуқуқларининг тенглиги, давлатнинг диндан ажратилгани, давлат органларининг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг диний ташкилотлар билан муносабати, дин ва таълим, диний ташкилотларнинг таърифи ва ҳуқуқлари, диний ўқув юртлари, диний ташкилотларни рўйхатга олиш тартиби, диний урф-одат ва маросимлар, диний ташкилотларнинг мулки, давлат мол-мулкидан фойдаланиш йўллари нашр ишлари ва диний адабиётларни тарқатиш, диний миссионерлик, муртадлик (прозелитизм) каби масалаларга муносабат ўз ифодасини топган. Ушбу моддалар фақат давлатнинг динга муносабатини англатмайди, балки жамиятнинг динга муносабатини ҳам ифодалайди. Зеро қонун диний ташкилотларнинг эркин фаолият юритиши баробарида, айрим ноқонуний гуруҳлар, чунончи, жамият осойишталигига хавф соладиган, мамлакатимиз миллий манфаатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларни чеклашни ҳам назарда тутади. Ушбу қонунга кўра, конституцион тузумни ағдаришга чоғланган ҳамда жамият тинчлигини хавф остида қолдиришга интилувчи яширин диний ташкилотлар ман этилади, “диндан давлатга ва Конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлар аро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўхтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди”.

Шу каби терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган диний ҳаракатлар ва жамоалар фаолияти тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан:

**57-модда**. Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверентитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқаро–ларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, иркий ва диний адоватни тарјиб қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузи–лиши ва фаолияти тақиқланади.

Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузилиши тақиқланади.

Динга бўлган муносабатлардаги муҳим жиҳатлардан бири миссионерлик ва прозелитизмдир. Миссионерлик (даъватчилик) "қайта қуриш" йиллари ва ўтган асрнинг 90-йиллари бошида авж олган эди. Бир томондан, хорижий Шарқ мамлакатларидан келган ислом даъватчилари фаолияти, ваҳҳобийлик оқими тарафдорлари фаоллашган бўлса, иккинчи томондан, бошқа динларнинг даъватчилари ҳам маҳаллий аҳолининг турли қатламлари орасида ташвиқот ишларини кучайтирган эди. Бу ташвиқотчи-даъватчиларнинг ҳар бири ўз динини мақтаб, ўзга динни ҳақ дин эмас, дейиш орқали тарафдор қидиради. Иккинчидан, хориждан келган мусулмон даъватчилари бизнинг анъанавий диндорлик расм-русумлар, миллий одатларни назар-писанд қилмасдан, ўзларида шаклланган одатлар, мазҳабларни ўрнатишга интиларди. Улар назарида, Марказий Осиёда шўро замонида ёппасига ҳамма "даҳрий", "кофир" бўлиб кетган эмиш. Ҳолбуки, халқ ўша даҳрийлик мафкураси ҳукм сурган шароитда ҳам ўз имон–эътиқодини сақлаб қолган, аждодлари анъаналарини сақлаб келмоқда эди. Шу боис бундай "даъватчилик" ҳаракати аҳолининг ҳақли норозилигига учради ва тезда йўқотилди.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда зикр этилган қонуннинг 5-моддасида бундай деб ёзилади:

"Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади" .

Давлат тизимида ишлайдиган ҳар бир ходим, айниқса раҳбарлик лавозимини эгаллаган шахслар диний ташкилотлар билан муомала қилиш, муносабатга киришганда

албатта Конституцияда белгиланган виждон эркинлигига оид моддалар ҳамда "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунни пухта билиши шарт.

Зеро Қонунда белгиланганидек: "Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Кенгаши, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудларда виждон эркинлигини ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун қонун бўйича жавобгардирлар".

Бунинг маъноси шуки, маҳаллий раҳбарлар виждон эркинлиги тўғрисидаги қонунларнинг амалий жорийлаштиришини таъминлашдан ташқари, бу қонунга кўра хилоф хатти-ҳаракатларнинг ҳам олдини олишга масъулдирлар. Маҳаллий раҳбарлар диний ташкилотлар билан бевосита алоқага киришини назарда тутсак, табиий савол туғилиши мумкин: бу ҳол давлат диндан, дин давлатдан ажратилган, деган асосий тамойилимизга зид келмайдими? Бу саволга "йўқ" деб жавоб берамиз. Чунки маҳаллий раҳбарлар диний ташкилотлар раҳбарларига бирор бир юмуш юкламайди, улар олдига талаблар қўймайди, балки, биринчидан, диний ташкилотлар ўз фаолиятини қонун доирасида давом эттиришлари учун шарт-шароит яратади, иккинчидан, диндорлар ҳам жамиятнинг бир қисми, тенг ҳуқуқли фуқаро бўлганлиги учун уларнинг ҳаёти ҳақида ғамхўрлик қилади, учинчидан, диний ташкилотлар билан давлат органлари орасида мувофиқлаштириш вазифасини ўтайди, тўртинчидан, раҳбарлар жамият осойишталиги учун жавобгар бўлгани боис ҳар хил экстремистик гуруҳлар бузғунчилигининг олдини олиши лозим. Яъни маҳаллий раҳбарлар давлат органлари диний ташкилотлар билан муносабатда Конституцияга ва тегишли қонунларга риоя этади.

Албатта, давлат билан диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштириш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотларда қонун ижросини назорат қилиб туриш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита зиммасига юклатилган. Бу ҳақда ушбу қонуннинг 6-моддасида махсус қайд этилган. Бироқ, Дин ишлари бўйича қўмита маҳаллий давлат органлари билан биргаликда иш олиб боргандагина, самарали натижаларга эришилади. Маҳаллий ҳокимият вакиллари диний ташкилотлар билан доимий алоқада бўлмоғи даркор, чунки турли маърифий-маънавий йиғинлар ўтказиш, ахлоқий тарбия масалалари муҳокамаси, миллий ғояни биргаликда кишилар онгига сингдиришда ҳамкорлик бўлиши фойдалидир.

Диний ташкилотларнинг хорижий мамлакатдаги диндорлар, диний арбоблар ва диний муассасалар билан алоқаси ҳам Дин ишлари бўйича қўмита орқали амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ўнлаб хорижий ташкилотлар билан алоқа ўрнатган. Мусулмон мамлакатларидан келган давлат арбоблари, атоқли дин

уламолари, сайёҳлар Ўзбекистондаги қадамжо ва зиёратгоҳларни (Имом Бухорий ва Қаффол Шоший мажмуилари, Баҳоуддин Нақшбанд мақбараси, Шоҳи зинда ва бошқалар)ни зиёрат қилар экан, албатта диний идора ходимлари улар билан ҳамкорлик қилади. Ўзбекистонга ташриф буюрган меҳмонлар бу ердаги маънавий юксалиш, жумладан, исломий қадриятларнинг эъзозланганини ўз кўзлари билан кўриб, хурсанд бўлмоқда. Нафақат ислом динига оид ташкилотлар, балки бошқа динларга оид ташкилотлар ҳам қонун доирасида бемалол хориждаги диндошлари билан алоқа қилиш имконияти эга бўлмоқда.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, диний ташкилотлар бошқа нодавлат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқарадиган ноҳукумат ташкилотлар билан ҳам ҳамкорлик қилиб келади. Айниқса, маҳаллаларнинг масжидлар билан алоқаси самарали кечмоқда, десак бўлади. Қайд этмоқ жоизки, маҳалладаги аксар оқсоқоллар, кўзга кўринган мўйсафидлар намозхон сифатида масжиднинг қатновчиси, айни вақтда, улар маҳаллаларнинг турли муаммоларни ижобий ҳал қилишда фаол иштирок этади. Маҳаллалардаги хотин-қизлар қўмиталари фаолияти ҳам бундан мустасно эмас. Аҳоли ана шу тарзда ҳам диний ва ҳам дунёвий масалаларни биргаликда ҳал қилиб келмоқда. Бу жамиятимиздаги ижобий ҳодиса, албатта.

Диний муассаса ва ташкилотларга ҳар хил диний жамият ёки жамоалар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, монастирлар, синагоглар ва бошқа шунга ўхшаш ибодатхоналар киради. Қонунга кўра, бу ташкилотлар Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган бўлиши шарт.

Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтмаган диний ташкилот фаолият юритиши мумкин эмас. Диний ташкилот тузиш учун (жумладан янги масжид ёки черков очиш): 1) юз нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Рсепубликаси фуқароси имзолаган ариза; 2) диний ташкилот низоми; 3) таъсис йиғилишининг баённомаси; 4) тузилаётган диний ташкилот жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат; 5) диний ташкилотлар марказий бошқарув органининг низоми; 6) таъсис йиғилиши баённомаси ва бошқа ҳужжатлар тақдим этилиши керак.

Диний ташкилотлар бирлашиб, марказий бошқарув органини тузишга ҳақли. Чунончи, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Ўзбекистондаги жамики исломий ташкилотларнинг марказий бошқарув органи ҳисобланади. Марказий орган раҳбари (раиси) раёсат томонидан сайланади ва унга муфти унвони берилади.

Қонунга кўра, диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, бошқа диний

ташкилотларни рўйхатга олиш эса Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистонда таълим диндан ажратилган. Таълим тизимининг бирор бўғинида диний дарслар мажбуран киритилмайди, аммо диндан хабардор бўлишни хоҳлаган одамлар ихтиёрий равишда ўрганиши, диний ўқув юртларига кириб, билимларини ошириши мумкин. Ўзбекистонда бир неча диний ўқув юртлари (мадраса, маҳад, семинарий) фаолият кўрсатмоқда. Диний ўқув юртига кирувчилар ўрта маълумотга эга бўлиши шарт. Диний ўқув юртларини битирганлар диний ташкилотларда хизмат қилади.

Тошкент ислом маҳадини битирган талабаларнинг дипломи Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилги қарори билан бошқа дунёвий олий ўқув юртларининг бакалавриат мақомига тенглаштирилди. Энди улар ўз билимларини янада ошириш имконига эга бўлди. Бу ҳам ҳукуматимизнинг ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан далолатдир.

Бундан ташқари Юртбошимиз ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тошкент ислом университетининг ташкил этилиши ҳам ёшларга нисбатан ғамхўрликнинг яна бир ёрқин тимсолидир (2000 й.). Мазкур университет бутунлай янги типдаги ўқув масканидир. Унда диний илмлар билан баробар дунёвий илмлар ҳам ўрганилади. Талабалар Қуръон ва Ҳадисларни, калом илми ва тасаввуфни ўрганади. Шу билан бирга бу даргоҳда  фалсафа, иқтисодиёт, тарих, инглиз, араб тиллари, замонавий информатика асосларидан пухта билим олади. Университет қошидаги гимназия ва лицей ҳам шу йўналишда таълим бериб, улуғ аждодларимизнинг ислом илми ривожига қўшган ҳиссасидан бохабар бўлади. Университетда давлат ва жамоат ташкилотлари масъул ходимларининг диннинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, диний экстремизм, фундаментализм ва терроризмга қарши кураш кўникмаларига эга бўлишлари учун малака ошириш курслари йўлга қўйилган. Хуллас, бу университетда таҳсил олган талаба замонавий мутахассис бўлиб етишади ва дин асосларини ўзлаштириб, қадимги манбалардан бемалол фойдалана олади.

Кўриниб турибдики, бу борада Президент Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган изчил ва одилона сиёсат ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

**Биринчидан**, демократик жамият қуриш тамойилларига мос равишда динга нисбатан тўғри муносабат белгилаб олинди. Бу сиёсат бозор иқтисодиётининг ҳаётга

жорий этилиши, ижтимоий, маънавий–маданий тараққиёт ўзанига батамом мос келади ва давлатнинг дунёвийлик хусусиятини тўла-тўкис таъминлайди.

**Иккинчидан**, давлатнинг диндан, диннинг давлатдан ажратилгани виждон эркинлиги тамойилига зид эмас. Аксинча айнан шундай муносабат фуқаролик жамиятига мувофиқ эканини ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда тасдиқламоқда.

**Учинчидан**, диний эътиқодни ҳар кимнинг ўз хусусий иши деб эълон қилган давлат айни вақтда фуқаролар тинчлиги, мамлакат осойишталиги, миллий хавфсизликни таъминлаш учун барча чораларни кўради, жумладан, диндорларни экстремист террористларнинг хуружидан ҳимоя қилади. Бу тамойил диннинг сиёсатлашувига йўл қўймади, сиёсат – дунёвий ҳодиса, дин эса – руҳият тарбияси, маънавий соҳа эканини ажратиб кўрсатади.

Ва ниҳоят, **тўртинчидан**, бундай сиёсат диннинг ўзига ҳам ривожланиш имкониятини яратди, маданий-маърифий диндорлик аҳоли тафаккурида тобора чуқурроқ ўрнашиб боради. Бу яна турли динлар ва мазҳаблар, илмларнинг ўзаро яқинлашуви, улар ўртасида баҳамжиҳатлик муҳитини вужудга келтирадики, бу ҳақда ҳали батафсил сўз юритамиз.



## НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) Қонуннинг долзарблиги, аҳамиятини очиб беринг.
2. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг вазифаси нима?
3. Диний ташкилотлар билан давлат органлари ўртасидаги муносабатларда нималарга эътибор бермоқ лозим?



## АДАБИЁТЛАР


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т,. Адолат, 1998, 19, 24, 33-бетлар.
2. Религия и закон (Сборник международных документов и законодательных актов Республики Узбекистан). – Т., 2002.

3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида (янги таҳрирда). –Т., Адолат, 1998.

4. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда // Асарлар. 17 томлик. 7-том. – Т., Ўзбекистон, 1999. 349-354-б.

5. Каримов И.А. Ҳушёрликка даъват // Асарлар. 17 томлик. 8-том. – Т., Ўзбекистон, 1999. 18-31-б.

6. Ҳусниддинов З. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. –Т. Мовароуннаҳр, 2000.

7. Дунёвий давлат ва дин. – Т., 1998.

8. Абдураҳмонов Н. А. Саодатга элтувчи билим. –Т., Мовароун–нахр, 2003.

## МУСТАҚИЛ ИШ

“Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз” (И.Каримов) Ана шу жумлани шарҳлаб реферат ёзинг.

## III БОБ

## ЖАМИЯТ ВА ДИН

И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобида дин ҳақида тўхталиб, XX аср ажойиб илмий кашфиётлар, инсон томонидан коинот сирларини ўрганиш, ахборот олиш ва улкан техникавий имкониятлар асри бўлганини таъкидлайди. Шу билан бирга, ўтган юз йиллик охири диний қадриятларнинг янгидан тикланиши даври ҳам бўлди. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш лозимки, бугунги кунда ҳар томонлама камол топаётган авлод бошқа илмлар қатори дунё халқлари динлари тўғрисидаги маълумотларга ҳам эга бўлмоғи зарур. Жамиятимизнинг маънавий янгиланиш мақсадлари ҳам шуни тақозо этади.

Жамиятнинг маънавий янгиланиши деганда нимани тушунамиз? Бу – ***мамлакатимиздаги осойишталик, барқарор турмуш, юртимизнинг гуллаб-яшнаши, халқнинг ҳур ва фаровон ҳаётга эришуви, баркамол шахсни тарбиялаш, ижтимоий ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик*** [< ***лотинчада: tolerantia***]. Буларнинг барчаси дин масалаларига янгича ёндашиш ва диннинг жамиятдаги мавқеини белгилаш заруратини келтириб чиқаради.

Шуни эътиборга олиш лозимки, дин давлатдан ажратилгани билан, жамиятдан ажратилган эмас. Аксинча, дин жамиятнинг маънавий-маърифий ривожига таъсир қилиб келган ва шундай бўлиб қолади. Модомики, дин виждон иши экан, демак у одамлар қалби, ботиний олами, руҳияти билан алоқадор ҳодиса. Одамзоднинг ўз-ўзини англаши, ўзининг моҳияти, яратилиши, бу дунёдаги фаолияти, ахлоқий қарашлари кўп ҳолларда дин орқали амалга ошади. Ҳақ дунё, Абадий ва Азалий Парвардигорга ишонч, улуғ пайғамбарларнинг насиҳатлари, Қуръон, Таврот, Инжил ва Авестодаги эзгу ғоялар инсонни улуғлайди, уни руҳан бардам ва бақувват қилади, яхши амалларни адо этишга ундайди.

Иккинчи тарафдан, дин жумладан ислом дини инсонни савоб ишларга ҳидоят этиш, покланиш, руҳий-маънавий камолотга етаклаш баробарида улкан маданиятнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Дин фалсафаси, кўп асрлик илм-фан мевалари, ҳақиқат излаб риёзат чеккан сўфийлар ҳикмати ва ҳ.к. – буларнинг ҳаммаси улуғ маънавий қадрият, халқимиз фикрий кашфиёти, ижодий изланишининг ҳосиласидирки, биз янги демократик жамият қуришда бу бебаҳо хазинадан оқилона фойдаланишимиз, асраб-авайлашимиз ва бойитишимиз зарур. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, ислом дини ва унинг асосида улуғ аждодларимиз яратган маданият миллий мафкурамизнинг

ҳаётбахш негизи сифатида хизмат қилади. Президент Ислом Каримов “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз” асарида бундай деб ёзади: “Биз ҳаммамиз “Алҳамдулиллоҳ мусулмонман” деб эътиқодимизни эътироф этамиз. Аллоҳ барчамизнинг қалбимизда, юрагимизда. Яратганни доимо ёд этамиз, ундан мадад сўраймиз. Бинобарин, ислом дини ҳаётимизнинг туб хамирига сингиб кетган. Бу – инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Шундай экан, миллий истиқлол мафкурасида муқаддас динимизнинг моҳияти, унинг инсонпарварлик ғоялари, динга соғлом муносабат масалалари ҳам ўзининг оқилона вазифасини топиши зарур”[1].

Бу ўринда Юртбошимиз ислом динининг халқимиз ҳаётида нақадар чуқур илдизларга эга эканини баён этган. Ислом биз учун ҳам эътиқод, ҳам қадрият, ҳам маънавиятдир. Шундай экан, у миллий мафкурамизда ўз ўрнига эга бўлиши лозим. Нафақат ислом дини, балки бошқа динлар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш керак, деб таъкидлайди Президент.

Давлатимиз раҳбари ушбу асарида масаланинг яна бир муҳим жиҳати эътиборимизни тортади: ёш авлод жаҳон динлари тарихи моҳиятидан хабардор бўлсин, бунинг учун эса “ижтимоий соҳага оид дарсларда ёшларга дин билан дунёвий ҳаёт масалаларини, бу икки тушунчанинг бир-бирига таъсирини, улар ўртасида мўътадил муносабат бўлиши зарурлигини очиб бериш керак”. Ғоят оқилона ва ҳаёт ҳикматини акс эттирувчи фикр. Зеро динийлик ва дунёвийликни, дин ва дунёни бир-бирига зид қўйиш, бирини иккинчисидан устун қўйиш ёки бу икки соҳа бир-бирини рад этади, деб таълим бериш нотўғри, ғайримантиқий ва хатарлидир. Дин дунёни ўрганишни инкор этмайди, шу каби дунёвий имлар динни чуқурроқ англашга ёрдам беради. Шуни айтиш керакки, дин, аввало, дунё учундир. Яъни одамларнинг ахлоқини тузатишга, баҳамжиҳат ва оқилона яшашга ўргатади, қусурлар, иллатлардан қутулиш йўлини кўрсатади. Демак, охират саодати ҳам дунёда қозонилади. Дунёни обод қилган, қалбларга нур бағишлаган одамнинг охирати ҳам обод бўлади. Шу маънода, “дунёвийлик – даҳрийлик эмас”[2] (И.Каримов), балки қалбда имон билан ҳаёт, дунё ишларини адо этиш, яхшилик қилиш, яратиш ва ҳалол меҳнат орқали юртни яшнатишдир.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти барпо этилмоқда. Аммо демократик тамойиллар асосида шаклланаётган ушбу жамият миллий анъаналар, миллий маданият негизида қад кўтармоқда. Шунинг учун маънавий камолот, миллий ахлоқ меъёрлари

---

[1] И.Каримов. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. –Т., Ўзбекистон, 504-бет.
[2] Ўша асар, ўша жойда.

такомилида ҳам диннинг ўзига хос таъсири бор. Қуръони карим, ҳадиси шарифларда баён этилган инсонпарварлик ғоялари ёшлар онгига сингдирилса ва улар умумбашарий ғоялар билан уйғунлаштириб борилса, албатта, баркамол авлод тарбиясида катта ютуқларга эришамиз.

Дин ва оила, дин ва маҳалла, дин ва шахс масалалари ҳам айни шу фуқаролик жамияти талаблари асосида ривожланаётгани қувонарли ҳол. Инсонлар ўз ҳуқуқларини кўпроқ танигани сари уларнинг ижтимоий фаоллиги ортади. Аммо қонун, ҳуқуқ инсоннинг бутун борлиғи, айниқса, ички оламини тўлиқ белгилай олмайди. Қонунга риоя қилиш – яхши фазилат. Шуниси ҳам борки, ахлоқан етук одамлар кўпроқ қонунга риоя қилади, бунинг акси ўлароқ, қонунбузарлик аксар ахлоқан ноқис, баднафс кишиларда кузатилади. Демак, ахлоқий баркамоллик, маданий-маънавий етуклик бор жойда қонунларнинг амал қилиши ҳам кўнгилдагидек кечади. Шунинг учун бўлса керак, бизнинг улуғ шоир ва мутафаккирларимиз инсон ахлоқига жуда катта эътибор берганлар. Бошқача айтганда, жамиятни яхшилаш учун аввало инсон ахлоқини яхшилаш керак, деган ғоя ва қарашлар устувор бўлиб келган. Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавийлар инсонни бузадиган шайтоний ҳирс, нафсдан қутулишни даъват этгани шундан.

Барча дунёвий динлар ва айниқса, бугунги Ўзбекистон ҳудудида VIII асрдан буён яшаб келаётган ислом динининг тарқалиши, уларнинг инсонлар ҳаётига таъсири, оила ва жамиятнинг камол топиши, маданий ривожланиш ҳамда маънавиятидаги ўрни ҳақидаги билимлар билан ёшларни озиқлантириш умуммиллий тарбиянинг таркибий қисмидир.

Бу фанни ўрганишдан келиб чиқадиган яна бошқа муҳим мақсад – диншуносликни бўлак илмий ижтимоий фанлар қаторида ўрганиш, Ўзбекистон Республикасида мустақиллик ғояларининг амалга оширилиши натижалари, динлар, диндорлар ва диний ташкилотларга нисбатан одилона давлат сиёсатининг амалга оширилиши, фуқароларнинг виждон эркинлиги соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларининг кафолатланганини тушунтириб беришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири ва бошқа ҳужжатларда акс этган инсон ҳуқуқи, турли диний жамоаларнинг бурч ва вазифалари, дин ва қонуннинг ўзаро муносабати ҳақидаги билимларни чуқур эгаллаш республикамизда ҳуқуқий демократик жамият қуриш асосларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, ўқувчи ёшларни қонунни ҳурмат қилишга ўргатади, фақат ўзининг миллий динини эмас, балки республикамизда истиқомат қилаётган 130 миллат вакилларининг диний эътиқодларини

эъзозлашга ундайди. Бундай билимлар эски уйдирма ва бидъатлардан ҳоли бўлган *мустақил ва янгича фикрловчи*, зўровонлик ва тазйиқ ўтказиш йўли билан сингдириладиган ақидалар моҳиятини англовчи шахсларни камол топдириш, ёшларни турли ноқонуний диний гуруҳ ва йўналишларга тортиш учун жон-жаҳди билан уринаётган бузғунчи мафкурачилар таъсирига берилмасликка чақиради.

Шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда дин ва жамият муносабатини тўғри англаш муҳим. Диннинг инсоният тафаккурига таъсирини тадқиқ этар эканмиз, қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз:

– диншунослик асосларини ўрганиш жараёнида илмийлик, тарихийлик ва холислик тамойилларига риоя қилиш;

– тингловчиларга жаҳон динлари тарихи, йўналишлари, динлар ва бошқа илмлар муносабати ҳақида маълумот бериш;

– тингловчиларда муайян хатти-ҳаракатларнинг давлатимиз қонунчилиги ҳамда виждон эркинлиги тамойилларига мос келиш-келмаслигини аниқлай олиш кўникмалари шакллантириш;

– зардуштийлик, буддавийлик, ислом ва бошқа динларнинг мамлакатимиз тарихида тутган ўрни ва аҳамиятини тушунтириш;

– муайян дин асослари оддий, юзаки баён тарзида эмас, муқаддас китоблардаги матнларни аниқ илмий ва амалий таҳлил қилиш асосида ўргатиш;

Ҳар бир фаннинг ўз методологик асоси ва тамойиллари бўлади. Шунингдек, диншунослик ҳам ўз мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқаришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун, Фуқаролик, Жиноят ва Оила кодексларидаги виждон эркинлиги ҳақидаги модда ва кўрсатмалар, республикамиз Президентининг фармонлари ва юқори ташкилотларнинг тавсиялари, миллий мустақиллик ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларига таянади. Бундан ташқари, диншуносликни ўрганишда Авесто, Таврот, Забур (Эски ва Янги Аҳдлар), Конфуций таълимоти, буддавий адабиётлардан намуналар, Қуръони карим ва ҳадиси шарифдан кенг фойдаланилади. Диншунослик фани бошқа ижтимоий гуманитар фанлар билан узвий боғлиқ равишда ўрганилади.

Бу фанни ўрганишдан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалар республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг 2000 йил 6 апрелдаги миллий мустақиллик ғояси концепциясини яратиш бўйича сўзлаган нутқидан озиқ олади. Нутқда таъкидланганидек, биз ўз ҳаётимизни аждодларимиз дини, жумладан, ислом динисиз тасаввур қила олмаймиз [1.8:462]. Бу – исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Президент ўз фикрини ривожлантириб, бундай деб таъкидлайди: *«Агар мендан, нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келяпти, деб сўрашса, бу – аввало, муқаддас динимиз ҳисобидан, деб жавоб берган бўлур эдим.* Шу заминда ўтган неча–неча авлодлар диний эътиқодни юракда сақламаса, ислом фалсафасини ривожлантириб келмаса, биз бебаҳо ва бетакрор маънавий руҳий меросдан маҳрум бўлиб қолардик...[1]

Биз ҳаммамиз «Алҳамдулиллоҳ, мусулмонман», деб эътиқодимизни эътироф этамиз. *Аллоҳ барчамизнинг қалбимизда, юрагимизда. Яратганни доимо ёд этамиз, Ундан мадад сўраймиз. Бинобарин, ислом дини ҳаётимизнинг туб замирига чуқур сингиб кетган. Бу – инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат.* Шундай экан миллий истиқлол мафкурасида муқаддас динимизнинг моҳияти, унинг инсонпарварлик ғоялари, динга соғлом муносабат масалалари ҳам ўзининг оқилона ифодасини топиши зарур.

Токи ҳар бир ватандошимиз, айниқса, ёшлар фақат ислом дини тўғрисида эмас, умуман, дунёдаги мавжуд динлар, уларнинг тарихи, моҳияти тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлсин. Ижтимоий соҳага оид дарсларда ёшларга дин билан дунёвий ҳаёт масалаларини, бу икки тушунчанинг бир-биригатаъсирини, улар ўртасида мўътадил муносабат бўлиши зарурлигини очиб бериш керак» [1.8:503-504].

Авваллари дин ҳақида бирор нарса ёзиш ёки бугунгидек, катта жамоа олдида у ҳақда ваъз айтиш, маъруза қилиш амри маҳол эди. *Мустабид тизим* бунга йўл қўймасди. Динга қарши ёзиш ё уни қоралаб гапириш, аксинча, рағбатлантирилар эди. Бу “фан” *атеизм* деб ном олди. Ўша даврларда барча олий ўқув юртлари талабалари, хоҳ у гуманитар бўлсин, хоҳ тиббиёт ёки техникавий олий даргоҳи бўлсин, *илмий атеизм* деган фандан имтиҳон топширишга мажбур эди. Дарсларда, маърузаларда, асосан диний қарашларнинг пуч сафсата эканги таъкидланар эди.

Динлар тарихи аёвсиз танқидга лойиқ бўлган адашишлар тарихи сифатида талқин қилиниб келинди. Мабодо гап қадимги ёки ўрта аср жамиятлари ҳақида кетадиган бўлса, осонгина ва қулайроқ тарзда динни турли удум, уйдирма, маросим, диний урф-одат ва ривоятлар йиғиндиси деб қараб, юқори табақа манфаатини кўзлаб, меҳнаткаш халқни эзиш қуроли ўрнида фойдаланилган, деб талқин қилишарди.

Мутахассислар – жамиятшунос ўқитувчилар, диний маданиятни ўрганувчилар ва тарғиботчилар ўша даврда ҳукм сурган мафкуравий шароитига мослашишига тўғри келарди. Бу мослашув, энг аввало, *абсентеизм* (масаланинг моҳиятидан четлаб ўтиш)

[1] И.Каримов, ўша асар, 503-бет.

йўлидан борарди. Мутахассислар имкон қадар муаммолардан қочишга мажбур эди. Собиқ Иттифоқнинг барча республикаларида даҳрий таълимот устамонлари – атеистларни хоҳлаганча топса бўларди, улар барча дунёвий динлар тарихини зўр маҳорат билан ағдариб ташлашга устаси фаранг бўлган. Аммо диннинг ҳақиқий моҳиятини чуқур биладиганлар саноқли бўлган (албатта, улар сирасига черков, синагога, мачитлардаги дин арбоблари кирмайди. Кези келганда, айтиб ўтиш лозимки, улар ҳам ваъз жараёнида ўз диний таълимотларини қўрқиброқ гапирар, ошкора фикр баён эта олмас эди). Оқибатда диний масалаларда саводсизлик юзага келди. Динларнинг ҳақиқий тарихини ҳеч ким билмас ва билишни ҳам хоҳламас эди.

Мисолларга мурожаат этайлик.

Ўтган асрнинг 70-йилларида шарқшунос олим, профессор Л.С.Васильев ислом тарихига оид китоб ёзган эди. Одатда, китобни нашр этишдан олдин, у соҳа билимдонларига тақризга берилади. Қизиғи шундаки, ўша пайтларда муаллиф хизмат қилган СССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида китобга малакали тақриз ёзиб беришга журъат этадиган бирорта ҳам исломшунос топилмаган. Бу улкан обрўли илм даргоҳида Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари тарихи, адабиёти ва маданияти бўйича йирик арабшунос ва бошқа забардаст мутахассислар бўлган, лекин ислом дини билан шуғулланадиган ҳақиқий жонкуяр йўқ эди.

Бугун, XXI аср бошида, ҳамма нарса ўзгача тус олди. Ҳатто айтиш мумкинки, баъзан ҳаддан ошиш ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин. Ислом динини нафақат махсус илмий-тадқиқот институтлари, балки сиёсатшуносликка оид илм даргоҳларида ҳам чуқур ўргана бошланди. Бошқа динлар соҳасида ҳам вазият бутунлай ўзгарди. Бундай кўтаринки руҳ ва қизиқиш бутун дунё миқёсида сезиляпти.

Китоб дўконларига кирсангиз ёки кўча бўйларидаги китоб расталарига кўз югуртирсангиз, қайта-қайта чоп этилаётган Инжил, Қуръони карим, Бхавагат–гита, Авесто каби бошқа муқаддас китобларни ёки янги нашрдан чиққан диний рисолалар, тафсирлар ва тадқиқотларни учратасиз. Бу адабиётларнинг барчаси китобхоннинг диний билим савиясини оширишга мўлжалланган. Айни вақтда, ана шу манбалардан тўғри фойдаланиш ҳам муҳим. Бунинг учун эса, яна такрорлаймиз, диннинг ўзини илмий жиҳатдан яхши билиш лозим.

Хўш, диннинг ўзи нима? У қачон ва қандай пайдо бўлган? Унинг асл моҳияти нимада? Бу ижтимоий ҳодиса яшовчининг сири нимада?

Асрлар давомида жаҳон афкор оммаси, бутун инсоният фикрлашнинг бу қадар ноёб, шу билан бирга, мантиқ доирасига сиғмайдиган ва онг билан англаб бўлмайдиган

шаклининг юзага келиш сабабларини асосли, мақсадга мувофиқ тарзда ёритиб беришга интилиб келган. Шу йўсинда диншунослик фани юзага келган.

Дин – инсоният маънавий ҳаётининг ажралмас, таркибий қисми. Бугун бизнинг республикамизда таълим тизимини ислоҳ қилиш билан бир қаторда баркамол авлодни шакллантиришдек муҳим масалалар ҳал қилинаётган даврда диний масалаларни четлаб ўтиб бўлмайди.

Шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон аввал рус чоризми исканжасида, кейинчалик СССР таркибидалигида ғарбий Европа ва Америка диншунослик илми анча илгарилаб кетди. Ижтимоий фанларнинг бу тармоғи бўйича салмоқли монографиялар, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилди. Республикамиз мустақил ривожланиш йўлига ўтиб олгач, ўзбек мутахассислари дин ва диншуносликни янгича, асл маъно–мазмунида, туб моҳияти билан идрок этишни муқаддас бурч деб ҳисоблайди.

Бу ўринда диннинг эътиқод, ҳар бир кишининг шахсий иши эканини ҳам унутмаслик керак. Шундай экан, одамларнинг шахсий диний эътиқодларини ўзгартириб, бошқа йўлга бурмоқчи бўлаётган *даъватчилар* (миссионерлар) ва уларнинг ташкилотлари фаолиятини ҳам эътибордан соқит қилмайлик. Эркин жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзининг динга бўлган муносабатини мустақил, ташқи босимдан ҳоли равишда белгилаб олиши учун унга кўмаклашувчи ҳар томонлама бой, холис илмий–оммабоп ахборот керак бўлади. Бундай ахборотнинг серқирра, самимий, таъсирчан бўлгани маъқул.

Дин ва қонуннинг ўзаро муносабатларини тўғри тушуниш демократик жамият асосини мустаҳкамлайди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрирда) Қонун турли диний жамоалар аъзоларининг ҳуқуқлари ҳақида етарли маълумот беради. Бу муҳим ҳужжатлар ўқувчи-ёшлар билими ва заковат қудратини оширади, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва бурчи нимада эканини белгилаб беради, қонун кучини сезиш, ўзи ва атрофидагиларни ҳурмат қилишга ўргатади, ўз фикрини зўрлик билан бошқаларга сингдиришга уриниш ноқонуний ҳаракат эканини укдиради.

Дин одамларни Тангрининг (яҳудийларда – Яхве, зардуштий-ликда – Ахура-Мазда, ҳиндларда – Брахма, Шива, Вишну, мусулмонларда – Аллоҳ) чексиз қудрати ва беҳад имкониятларига ишонч уйғотувчи таълимот бўлиб, у инсонларга *фақат тўғри, адолатли, ҳақиқат йўлини кўрсатади.* Дин одамларнинг руҳий ҳиссиётлари орқали Эгамизга сиғиниш, дуолар (намоз) ўқиш ва диний ташкилотлар – черков, синагога, мачитлар фаолиятида намоён бўлади. У, даҳрийлар айтганидек, сафсата эмас, дунёнинг яратилиш жараёнини босқичма-босқич, аниқ тасаввур қилишга ўргатадиган онг шакли.

Дин – ҳар томонлама камол топаётган шахсни шакллантиришга хизмат қилувчи маънавий-ахлоқий куч, у «адолат туйғуси, ўз даврининг ҳуқуқий мезонлари асосида яшаш, ўзганинг мол-мулкига кўз олайтирмаслик, ҳаромдан ҳазар қилиш, инсоф ва диёнат, меҳр-оқибат каби халқимизга хос бўлган эзгу тушунчалар бугунги кунда ҳам маънавий ҳаётимиз асосларини ташкил этади» (И.Каримов).

Динга берилаётган таърифлар қанчалик кўп қиррали бўлмасин, энг муҳими, бу эътиқод ҳисси, инсондаги энг ноёб ва энг гўзал эҳтиёждир.

Социология – ижтимоий фалсафа нуқтаи назаридан ёндашилса, дин – жамият учун энг зарур, ижтимоий ҳаётнинг ажралмас қисмидир. Шундан келиб чиққан ҳолда, унинг ижтимоий вазифаларини ҳам қайд этиш мақсадга мувофиқ. Улар қуйидагилар:




Диннинг бу функцияларини қуйидагича тарзда ифодалаш мумкин.

| № | Вазифаси | Таърифи | Мисол |
|---|---|---|---|
| 1. | ***Тикловчилик*** | Диний удум ва маросимлар кишига маълум даражада енгиллик, руҳан озиқ беради; ижтимоий носозликни бартараф қилиш йўсини | Буддавийликда нирвана ва суфизмда таркидунёчилик |
| 2. | ***Бирлашти-рувчилик*** | Ягона дунёқараш, амалдаги қонун-қоидалар, меъёр ва тартибларни муқаддас билиб, одамларни ижтимоий, ғоявий ва сиёсий жиҳатдан бирлаштириш. | Украинлар, яҳудийлар, руслар (динлар) диаспораси |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 3. | ***Бошқарув-нозирлик*** | Мафкуравий назорат ўрнатиш. Бу эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, одиллик ва адолатсизлик каби умуминсоний ахлоқий қадриятлардан озиқ олади. | Ф.М.Достоевский бу ҳақда «Худо йўқ жойда ҳамма нарсага йўл бор», деган |
| 4. | ***Экзистенциал*** | Инсоннинг бу дунёдаги кечган умри, у дунёда уни нима кутаётганлиги, ҳаёт ва ўлим, борлиқ ва йўқлик тўғрисидаги қарашлари | Фалсафа, илоҳиётчилар соҳаси |
| 5. | ***Сиёсий*** | Ҳокимиятни муқаддаслаштириш, давлат бошлиғини, масалан, “подшоҳ – худонинг ердаги сояси” деб илоҳийлаштириш | Форобий, Беруний асарларида |
| 6. | ***Меъёрий*** | Инсонларнинг юриш-туриши, хулқи-атвори, ҳаётга муносабати, қизиқишлари, турмуши ва меҳнатига таъсир кўрсатиш | Барча муқаддас китоблар |

1. ***Руҳий мададкорлик хусусияти***. Эътиқодли инсон дин ва унинг таълимотига ишонар экан, унинг таъсирида ҳаётда учраб турадиган адолатсизлик, ғам-ғусса, ижтимоий носозлик, сиёсий камситилишлардан ҳоли бўлишга интилади. Шу мақсадда турли диний удум ва маросимлар амалга ошириладики, ундан кейин киши маълум даражада енгил тортади, руҳан озиқ олади. *Буддавийлик* ва *суфийлик* таълимотида дарвешлик тарғиб қилинади. Роҳиб (монах) лар ҳам, дарвешу қаландарлар ҳам бу ўткинчи дунё лаззатларини тан олмаганлар. Буддавийликда нирванага, таркидунёчилик, дарвешликда ўз эътиқодининг ҳадди аълосига эришганда улар ўзларини илоҳий роҳат-фароғатда сезишган. *Насронийлар* Исо а-с.нинг яна қайтишига астойдил ишонади ва сабот билан ҳаётдаги тушкунликларни енгишга уринади. *Мусулмонлар* бу дунёда рўёбга чиқмаган моддий ва маънавий эҳтиёжлари у дунёда амалга ошишига ишонади. Шунинг учун ҳам ҳақиқий мусулмон киши у дунё умиди билан яшайди.

2. ***Бирлаштирувчилик хусусияти***. Дин одамларни ягона дунёқараш доирасида бирлаштиради. У амалдаги қонун-қоидалар, меъёр ва тартибларни муқаддас деб билади ва одамларни ижтимоий, ғоявий ва сиёсий жиҳатдан бирлаштиришга ҳаракат қилади. Жамият тараққиётининг дастлабки босқичларида бу саъй-ҳаракат *этноцентризм* ҳодисасида ифодаланган, яъни ягона эътиқод, удум, одат, маросимлар тизимига амал қилувчи ҳар қандай этник жамоа фақат ўз турмуш тарзини тан олган ва ундан чиқиш ёки воз кечиш қаттиқ гуноҳ ҳисобланган. Масалан, яҳудий дини ўз диндошларини ягона мафкура атрофида жипслаштириб туриш учун ўзларини яхлит миллатга мансуб, эътиқоди, дунёқараши бир, муқаддас илоҳ Яхвенинг суюкли бандалари эканини таъкидлайди. Насронийлик дини эътиқод қилувчиларнинг сафини янада мустаҳкамлаш мақсадида

диний меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа ва санъатнинг бошқа турларидан кенг фойдаланади. Дунёда бирқанча махсус иконанавислик санъати мактаблари мавжуд. Диний ёки этник жиҳатдан майда халқ узоқ муддат мутлақо бегона муҳитда яшаганида диннинг бирлаштирувчилик вазифаси муҳим ўрин тутади. Шундай вазиятда, одатга кўра, масалан, Хитой, АҚШ, Буюк Британиядаги мусулмонлар, Ливандаги насронийлар, Тошкентдаги украинлар, Бухородаги яҳудийлар, Андижондаги руслар диаспораси каби барқарор этноконфессионал, яъни диндош жамоалар вужудга келади.

3. ***Экзистенциал хусусияти.*** Диннинг бу вазифаси фалсафа соҳасига тегишли бўлиб, дин назариячилари томонидан илгари сурилган инсоннинг бу дунёдаги кечган умри, у дунёда уни нима кутаётганлиги, шу билан бирга, ҳаёт ва ўлим, борлиқ ва йўқлик тўғрисидаги қарашларни ўрганади.

4. Ўрта асрларда диннинг ***сиёсий хусусияти*** ҳам намоён бўлиб, бу амалдаги ҳокимиятни муқаддаслаштириш, давлат бошлиғини, масалан, «подшоҳ – худонинг ердаги сояси» деб илоҳийлаштиришда, унинг доҳиёна махсус ҳуқуқларга эгалигини белгилашда намоён бўлган. Яна бир мисол: буддавий бурят лама (руҳоний)лари рус подшоҳларини – *аватара*, яъни маъбуда Цаган–Дараэхэнинг ердаги тимсоли деб эълон қилган. Ҳозирги пайтда демократик давлат ва фуқаролик жамияти қурилаётган (ёки қурилган) мамлакатларда диннинг бу хусусияти йўқолди. Чунки диннинг сиёсатга аралаштириш, сиёсийлаштириш салбий оқибатларга олиб келмоқда.

5. ***Меъёрий хусусият*** диндорларнинг муайян диннинг жамиятдаги ўрни ҳақида шаклланган қарашлар тизими бўлиб, кишиларнинг эътиқоди, олий мақсадлари, эзгу ниятларини ифодалайди. Бу вазифа диннинг ахлоқий, ҳаётий ва мафкуравий масалаларидан келиб чиқади. Унинг амалий аҳамияти инсонларнинг юриш-туриши, хулқи-атвори, ҳаётга муносабати, қизиқишлари, турмуши ва меҳнатига таъсир кўрсатишда билинади. Ахлоқ ва ҳуқуқ ёки қонун сингари дин кишилар ҳаёти ва фаолиятининг барча томонларига таъсир этади.

Диннинг пайдо бўлиши ҳақидаги масала икки хил талқин этилади: табиий-илмий таълимотга кўра, инсоният маълум давргача диннинг нималигини билмаган, у фақат палеолит даврида, бундан 20-40 минг йил муқаддам вужудга келган. Иккинчи нуқтаи назарга кўра, диннинг пайдо бўлиши одамнинг яратилиши билан боғлиқ.

Диндорларнинг сони, миқёси, у ёки бу бу миллат ё элатга мансублигидан қатъи назар, динлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

***Дин гуруҳлари***

| № | Номи | Фаолияти | Ҳудуди |
|---|---|---|---|
| 1. | ***Уруғ-қабилавий*** | Бутпарастлик, анимизм, сеҳргрлик, шомонлик, қабила бошлиғига сиғиниш | Австралия, Жанубий Америка ва Африкада |
| 2. | ***Миллий*** | Аниқ бир миллатга хослик | Яхудо, ҳиндуийлик, конфуцийчилик (Хитой), синтоизм (Япония). |
| 3. | ***Дунёвий*** | Энг оммавий, кенг тарқалган динлар: буддавийлик, христианлик, ислом | Бутун дунё. |
| 4. | *Яккахудолик* | Иудаизм, христианлик, ислом | Бутун дунё |
| 5. | *Кўпхудолик* | Ҳиндуийлик | Ҳиндистон |
| 6. | *Худосиз* | Будда ва Конфуций таълимоти | Непал, Хитой |



## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасида маънавий янгиланишидан мақсад нима?
2. Диншунослик фанининг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Диннинг фуқаролик жамиятидаги ўрнини қандай белги–лайсиз?
4. Мустабид тизим даврида динга муносабат қандай бўлган?
5. Диннинг қандай вазифаларини биласиз?
6. Қандай динларни биласиз?



## АДАБИЁТЛАР


1. Ўçáåêèñòîí Ðåñïóáëèêàñèíèíã Êîíñòèòóöèÿñè (Àñîñèé қîíóí) âà қîí Àäîëàò, 1998.
2. Ўçáåêèñòîí Ðåñïóáëèêàñèíèíã Қîíóíè. Âèæäîí ýðêèíëèãè âà äèíèé òàøêèëîòëàð òўғðèñèäà. (ßíãè òàҳðèðè). –Ò., Àäîëàò, 1998.
3. Êàðèìîâ È.А. Áèçäàí îçîä âà îáîä Âàòàí қîëñèí. –Ò., Ўçáåêèñòîí, 1994.
4. Êàðèìîâ È.А. Àëëîҳ қàëáèìèçäà, þðàãèìèçäà. –Ò., Ўçáåêèñòîí, 1999.
5. Êàðèìîâ È.А. Ўçáåêèñòîí: èæòèìîèé–èқòèñîäèé ðèâîæëàíòè–ðèøíèíã àñîñèé òàìîéèëëàðè. –Ò., Ўçáåêèñòîí, 1995. 139–153–бетлар.

6. Êàðèìîâ È.À. Ўçáåêèñòîí ÕÕI àñð áўñàғàñèäà: õàâôñèçëèêêà òàҳäèä, áàðқàðîðëèê øàðòëàðè, òàðàққè¸ò êàôîëàòëàðè. –Ò.,Ўçáåêèñòîí, 1997.
7. Êàðèìîâ È.À. Ҳóø¸ðëèêêà äàúâàò. –Ò., Ўçáåêèñòîí, 1999.
8. Äóíëâèé äàâëàò âà äèí. –Ò.,  Ўçáåêèñòîí, 1998.
9. Каримов И.А. Тўплам. 17 томлик –Т., Ўзбекистон, 1995–2009.
10. Радугин А.А. Введение в религиоведение. –М., 1996.
11. Васильев Л.С. История религий Востока. – Ростов–на–Дону, Феникс, 1999.
12. Йўлдашхўжаев Ҳ. ва б.  Диншунослик: Маърузалар матни. –Т.,  2000.

## МУСТАҚИЛ ИШ

«Ўзингга раво кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрма. Ана шунда давлатда ҳам, оилада ҳам ўзингга нисбатан ёмонлик сезмайсан» [Конфуций] мавзусида иншо ёзиб келинг.

## Иккинчи қисм

## I БОБ

## ДИННИНГ ИБТИДОИЙ ШАКЛЛАРИ

Қадимги аждодларимизнинг дастлабки диний тушунчалари маънавий ҳаёт ибтидоий шаклларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бу 40 минг йил аввал юз берган *сапиентация* жараёни тугаллангач, яъни онгли, фикрлай оладиган, маълум даражада таҳлил қиладиган, аниқ (мавҳум эмас) вазиятни идрок этадиган, амалий тажрибага эга кишилар ўзларининг анча қолоқ аждодларини сиқиб чиқариб, ер юзида тарқала бошлаган даврга тегишли. Биринчи сапиент (онгли) одамнинг жисмоний, физиологик хусусиятлари, асаб, эндокрин ва бошқа тизим олдинги аждодлариникига қараганда анча ривожланган эди. Бу фарқлар онгли одам ҳаётий фаолиятидагина эмас, унинг фикрлаш даражаси, мавҳум воқеа–ҳодисаларни идрок этиш қобилияти, кучли ҳис–ҳаяжон, ҳаёлотга берилишида ҳам намоён бўлган.

Билим захираларининг бениҳоя камлиги, фавқулодда нарсалардан қўрқиш, табиат кучлари олдидаги заифлик сапиент – онгли одамнинг оламга таъсир ўтказаётган ғайритабиий кучлар, хомий руҳлар, хоҳлаган нарса билан борлиқ ўртасидаги сирли ришталар ҳақидаги дастлабки тасаввурлари пайдо бўлган. Бу ришталар бора–бора бутпарастлик, руҳларга сиғиниш, сеҳргарлик, фетишизм – жонсиз нарсаларга топиниш тарзидаги диний тушунчаларни келтириб чиқарган.

***Тотемизм*** – уруғ жамоалари сиғинадиган тотем (белги) – ҳайвон, ўсимлик, тош ва шу кабилар уларнинг тасаввурида яқин қариндошлари деб қараладиган дин шакли. Қондош жамоа аъзолари инсонлар ва уларнинг тотемлари – ярми одам–ярми ҳайвон, ярми одам–ярми ўсимлик, турли ҳаёлий жонзодларнинг хусусиятларига эга бўлган аждодларидан тарқалганига ишонган. Ҳар бир қондош гуруҳ ёки жамоа одатда ўз белгисининг номи билан аталган ва уни муқаддас ҳисоблаган.

Ҳар бир тотем бир гуруҳ ёки жамоани иккинчисидан фарқлаш, ажратишга хизмат қилган. Бу жамоалар асрлар давомида амал қилиб келинган урф-одат, тартиб–қоидаларга эга бўлиб, ўша одату қоидалар фақат шу маълум жамоа аъзоларигагина мансуб бўлган.

Тотемизм билан бирга тақиқ (табу) одати ҳам мавжуд эди. Масалан, жинс ва ёшга хос тақиқ жамоани қатъий белгилаб қўйилган никоҳ табақаларига ажратиб қўйган. У билан яқин қариндошлар ўртасида жинсий алоқа ўрнатиш ёки никоҳ қилиш тақиқлаб қўйилган. Қабила бошлиғи, жангчилар, аёллар, болалар истеъмол қиладиган овқатлар ҳам

тақиқловчи ҳисобланган. Баъзи тақиқлар хонадон ёки оиланинг даҳлсизлигини ифодаласа, баъзилари ўликни кўмиш қоидалари, айрим жамоа аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берган. Ҳар бир тақиқ ниҳоятда қатъий бўлган ва унга амал қилмаслик жиноят ҳисобланган. Қабила бошлиғига тегишли баъзи нарсалар, жумладан, у ейдиган овқат бошқалар учун тақиқланган. Тақиқда белгилаб қўйилган нарсаларни одамлар муқаддас билган, уни бузганлар ўлимга маҳкум этилган. Яқинда қизиқ бир маълумотга кўзим тушиб қолди: Янги Зеландияда қабила бошлиқларидан бири овқатланиб бўлгач, қабила аъзоларидан бири билмасдан ўша овқат қолдиқларини еб қўяди. Бу овқатнинг қабила бошлиғи учунгина мўлжаллангани ва бошқалар учун тақиқланганлигини билгач, унинг қорнига чидаб бўлмас даражада қаттиқ оғриқ киради, томирлари тортишади ва оғир қийноқлардан сўнг жон беради. Биргина тақиқ аломати унинг иродасини букиб қўйган, танасининг яшовчанлигини сусайтирган, қаршилик кўрсатиш имкониятини йўққа чиқарган, ўлимни дилига солган.

Тотемизмда инсон ва табиат ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ифодаланган. Қадимги одамлар ўзини табиатсиз тасаввур қила олмаганлар, уни ўзларига ўхшаган жонли мавжудот сифатида кўрганлар. Тотемни ифодалаган жонли-жонсиз мавжудотлар ҳам инсонлардай ҳамдардлик, раҳм-шафқат, дўстлик, севги-муҳаббат каби ҳиссиётларга эга саналади.

М.Шоҳонов Чингиз Айтматов билан ёзган диалог-китобида ҳикоя қилганидек, бир вақтлар ТВ орқали Жума Жумаев деган киши билан суҳбат кўрсатилган. Жумавойни болалигида бўрилар олиб қочишган. У ўша бўрилар ичида уларнинг болалари билан яшаб, улғайган ва бўрилардай ёввойилашиб кетган. Овчилар тасодифан уни кўриб қоладилар. Узоқ унинг орқасидан кузатишиб, ёввойи йигитчани ҳеч қўлга туширишнинг иложини топиша олмадилар ва ниҳоят уни тутиб, темир қафасга беркитадилар.

– Мен қафасдалигимда, дейди Жумавой, – менинг онам (яъни бўри) ҳаётини таҳликага қўйиб, мени қутқариш учун иложи борича уринди, панжара симларини тишлаб узмоқчи ва менинг олдимга кирмоқчи бўлди. Аммо, бахтга қарши, овчилар уни отиб ташлашди. Мен бўрилар орасида яшаб улардан заррача ёмонлик кўрмадим. Улар жуда адолатли зотлар. Одамлар орасида уларчалик яхши муносабат ва ўзаро ёрдам ҳиссини деярли кўрмадим.

“Ҳозирги туркий халқларнинг тотеми битта – бу бўри”, – деб суҳбатни давом ээтиради Ч.Айтматов. – Шунинг учун қадим замонларда байроқларда бўри калласи акс эттирилган. Қадимги ривоятларда айтилишича, турклар хони бўрилар авлодидан бўлган, бўрининг ўғли бўлган. Қирғинбарот жанглардан бирида барча *хуннлар.* Уларнинг

подшоҳи ва ўғиллари ҳалок бўладилар. Фақат энг кенжасигина омон қолади. Душман қабила одамлари унинг  оёқ ва қўлларини чопиб, бечора болани ботқоққа ташлайдилар. Она бўри болани топиб, очлик ва ўлим азобидан қутқаради ва вояга етказади. Йигитча улғайиб бўрига уйланади. Уларнинг ўнта ўғли бўлади. Энг кичигига  Ашина деб ном беришади. Ашина турк хоқонлари сулоласини бошлаб берди. Бошқа ўғилларини Қипчоқ, Қирғиз, Татар ва бошва туркий халқлар этнонимлари билан атадилар.

Боқий шаҳар Римнинг асосчилари Ромул ва Ремни қутқариб катта қилган она-бўри ҳақидаги ривоят жуда таъсирчан.

Қадимги Троя уруш оқибатида куйиб кул бўлади. Шаҳар ҳимоячиларидан айримларигина қутилиб қолишга муваффақ бўладилар.Энг тажрибали ва доно Эней раҳнамолигида улар кемада қочиб қоладилар. Кўп азод-укубатлар чекиб, Италия қирғоқларига келиб қоладилар. Ўнлаб йиллар ўтгач, Эней авлодидан бўлган очиқ кўнгил, меҳрибон ва хушахлоқ Нумитор мамлакатга подшоҳлик қилади. Унинг ичи қора, ҳасадгўй, қора ниятли кичик укаси Амулий акасининг подшоҳлигига ғараз билан қарайди ва жиноятга қўл уради: у аксини ўлдириб, тахтни эгаллади. Шоҳликни қўлга киритгач, энди Нумиторнинг барча авлодлари, жумладан, унинг ўғиллари Ромул ва Ремни ҳам қириб ташламоқчи бўлади. Шаҳзодалар тарбияси билан шуғулланаётган кишининг раҳми келиб, болаларни ўлдиришга қўли бормайди ва уларни бўрилар уясига элтиб ташлайди. Бўрилар болаларни ўз сути билан боқиб катта қилади. Болалар улғайгач, кўп қаҳрамонликлар кўрсатишади, охирида ҳокимиятни ҳам қўлга киритадилар. Булар рим шаҳрининг асосчилари ака-ука Ромул ва Ремлар эди. (Айтматов Ч., Шаханов М. Плач охотника над пропастью. – Алматы: Рауан. – 1996. С.248-249).

Қадимги одам дарахт кесаётганда, дарахт унга йиғлаётгандай, оҳ-воҳ тортиб, шикоят қилаётгандай туйилади, шунда дарахт кесувчи уни бунга нима мажбур қилганлигини тушунтириб, дарахт билан гаплашар, ундан узр сўрарди (Боғбон Раҳматуллоҳ Қори ҳикояси). Г.Лонгфеллонинг «Гайавата ҳақида қўшиқ» достонидаги «Гайавата қайиғи» бобидаги тасвирлар бунга ёрқин мисол бўла олади. Тотемизмом билан боғлиқ равишда *тақиқ одати* пайдо бўлди. Бунда темир, ўткир нарсалар, қон, бош, олинган соч, тирноқ, тугун кабиларга алоҳида аҳамият берилган. Танқид қилмаслик, танқиддан ўзини тийиш, қўрқитмаслик ёки дўқ-пўписа қилмаслик, ноўрин маслаҳат бермаслик, маош, оилавий ҳолати, динга мансублик, ёши ҳақида сўрамаслик каби коммуникатив тақиқлар мавжуд. Масалан, Жанубий Африка Республикасидаги кафр элатида аёллар нотаниш одамлар орасида эрининг исмини айтишни қаттиқ гуноҳ санаганлар. Нафақат эри ва қариндошларининг исмини, балки исмдаги бирор бўғинни айтишни ҳам лозим топмаганлар. Шу одат ҳозиргача Қозоғистонда ҳам бор. М.Шоҳонов юқорида айтилган китобда шундай

бўлган воқеани келтиради: “дарёнинг нариги қирғоғида, қамишзорда, бўри қўзичоқни бўғизлаб қўйди. Сувга келган ёш келинчак бўрини ҳайдаб юбориб, ёнидан пичоғини чиқариб, чақмоқ тошда чархлаб, жон талвасисадиги қўзичоқни азобдар қутқарай деб, уни сўйиб юборади. Уйга қайтгач, бўлган воқеани уйдагиларга айтай деса, қайноғаларининг исмини эслаб ўйланиб қолади. Уларнинг бирини Ўзанбой (яъни дарё ўзани), яна бирини *Қамисбой* (яъни *қамиш*), *Қойшибой* (яъни *қўй* сўзидан), *Қасқирбой* (яъни *қашқир* сўзидан), *Кездикбой* (*кесмоқ* сўзидан), *Қайрақбой* (*қайроқ* сўзидан) деб аталарди. Қандай атасам экан деб боши қотди. Ўйлаб-ўйлаб шундай қарорга кеди: “Шовқинлининг нариги қирғоғида, шитирловчи томонида, улигучи баъловчига ташланди, мен кесадиганимни олиб, ўткирловчига суртдим ва унинг калласини узиб ташладим” (Айтматов Ч., Шаханов М. Плач охотника над пропастью. – Алматы: Рауан. – 1996. С. 11)

Шундай қилиб, кишилик жамияти шаклланишининг дастлабки босқичларида тотемизм диннинг юқорида санаб ўтилган асосий вазифалари – тикловчи, бошқарув, меъёрий, назорат вазифаларини ўтаган.

***Анимизм*** – руҳларнинг борлигига ишониш, табиат кучлари, ҳайвонлар, ўсимликлар ва жонсиз нарсаларни жонли деб тасаввур қилиш. Аждодларимиз уларни ақлли, ҳар қандай ишга қодир ва ғайритабиий қудратга эга деб билган. Диннинг бу ибтидоий тури узоқ ўтмишда, қабила жамоалари ҳали шаклланмаган даврларда пайдо бўлган.

Ибтидоий одамлар уларнинг ҳаёт–мамоти билан боғлиқ бўлган осмон ва ер, қуёш ва ой, ёмғир ва шамол, момақалдироқ ва чақмоқ каби табиатнинг қудратли кучларинигина эмас, ер сатҳининг айрим бўлаклари – тоғ ва дарёлар, қир–адирлар ва ўрмонларни ҳам илоҳийлаштирган. Чунки улар руҳларнинг худди ўша ерларда яшашига ишонган ва уларнинг кўнглини овлаб, ўзларига оғдириб олмоқчи бўлган. Ҳатто айрим кўримсиз дарахт, катта тош бўлаги ёки кичик бир ҳовузча ҳам ибтидоий аждодларимиз назарида жонли, «ақл»ли бўлган, ҳиссиётли ва ҳар қандай ишга лаёқатли, фойдали ёки зарарли бўлган. Шунинг учун ҳам уларнинг барчасига қурбонликлар келтирилган, улар шаънига турли урф-одатлар, маросимлар, байрамлар ўтказилган.

Шундай қилиб, анимистик ва тотемистик эътиқод ва улар билан боғлиқ маросимлар ибтидоий жамоа амалиётида бир бутун, ажралмас, яхлит қарашлар мажмуини ташкил қилган.

***Сеҳргарлик.*** Бу ҳам моддий натижага эришиш мақсадида ғайритабиий кучларга таъсир ўтказишни кўзлайдиган таомил, урф-одатлар йиғиндиси. Одатда сеҳргарлик билан махсус одамлар – кўпинча аёл афсунгарлар ва шомонлар шуғулланган. Кўп ҳолларда улар

асабий, тажанг, жазавали бўлиб, руҳлар билан муомалага кириша олишига, уларга жамоанинг хоҳиш-истакларини етказишга самимий ишонган. Мулоқот жараёнида шомон бир нарсаларни ўзича ғўнғирлаб куйлайди, рақсга тушади, сакрайди, ноғора чалади, қўнғироқларни жингирлатиб, жазага тушади. Агар бу маросим кўпчилик ўртасида бажарилса, унинг хатти-ҳаракатларини кузатиб турган томошабинлар ҳам жазавага тушган (Кашпировский, Шоҳсанам ва бошқа экстрасенслар сеансларини эслаш мумкин). Шундан кейин шомон кўпинча ҳушдан кетади, ҳеч нарса кўрмайди ва эшитмайди. Худди шу онда улар руҳлар билан мулоқотга киришаётган ҳисобланади.

Умуман олганда, сеҳргарлик ҳам диний маросим бўлиб, у жамият эҳтиёжлари туфайли юзага келади ва кишилар онгида мантиқий фикрлашни мустаҳкамлаш ва диний онгни шакллан–тиришда муҳим ўрин тутади.

***Фетишизм*** – нарсаларни муқаддаслаштириб, шу орқали воқеа–ҳодисалар ривожига таъсир эта олиш, айрим нарсаларнинг сеҳр қувватига ишониш. Ибтидоий халқлар тушкунликка тушган ҳолатларда жонсиз нарсаларни худо ўрнида кўриб, ғайритабиий хусусиятга эга эканига ишонган ва уларга топинган.

Фетишизм – бутпарастликнинг ўзгинаси. Одамлар мақсадларига эришиш учун ёғоч, лой ва бошқа нарсалардан ясалган бут <идол> ларга сиғинган, тумор тақиб юрган (бу ҳолни ҳозир ҳам кузатиш мумкин). Уларнинг назарида, бутлар аждодлар руҳий оламига хос ғайритабиий қудратга эга. Бу ерда ҳам асосий «ижрочи» сеҳргар-шомонлар бўлган.

Бутпарастлик ибтидоий халқ диний тасаввурини шакллантириш жараёнидаги энг сўнгги босқич бўлган. Унинг асл моҳияти шундан иборат эдики, улкан имкониятлар, мутлақо эркин ҳаракатлар ва сеҳрли қудратга эга ғайритабиийлик олами ҳақиқий (реал) қадимги одам ҳаётининг ажралмас ва асосий қисми ҳисобланган. Худди шу қудрат табиат ва жамият қонунларини бошқариб туради, шунинг учун уларга эътибор тўғри турмуш кечирай, озиқ–овқатим етарли бўлсин, доим кимнингдир ҳимоясида турай деган жамоанинг муқаддас бурчи бўлган.

Ибтидоий одамнинг оғир, муаммоларга тўла ҳаёти, диний урф-одат ва тасаввурлари оғзаки ижод намуналари бўлган ***қадимий ривоятларда*** акс этган.

Ривоят ва афсоналардан иборат оғзаки бадиий ижод ҳамма замонларда халқларнинг маънавий ҳаёти ва диний тасаввурлари билан боғлиқ бўлган. Ваҳоланки, ибтидоий одам маънавий ҳаётининг асоси унинг тотем (белги), ўлиб кетган яқинларининг руҳини эъзозлаш, оламни руҳий тасаввур этиш, тумор ва бутларни сеҳрли кучга қодир деб билиш экан, мифологияда (*афсона, ривоятлар тўплами ва улар ҳақидаги фан*) ҳар қандай

муъжиза ярата оладиган илоҳийлаштирилган қаҳрамонлар ва зооантропоморф (*одамга хос психик хусусиятларни, нарсалар, жониворлар ва табиат ҳодисаларига ҳам хос деб билиш, уларни одамга ўхшатиш*) аждодлар марказий ўринни эгаллайди.

Ибтидоий мифологияда космогоник сюжетлар, яъни ер ва осмон, қуёш ва ой, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳамда одамнинг яратилиши ҳақидаги ривоятлар катта ўрин олган. Борлиқ ва йўқлик, ҳаёт ва ўлим, табиат ва маданият ўртасидаги алоқалар мифологияда ёрқин ифодасини топган.

Асосий мифологик тасвирлар, диний маросим ва улар билан боғлиқ ривоятларни таҳлил қилиш инсоният тарихининг энг қадимги босқичларини тиклаш, ибтидоий одам ҳаёти ва турмушидаги қонуниятларни ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ислом динига эътиқод қилувчи халқлар орасида тарқалган олам, табиат ва инсон ҳаёти тўғрисидаги фантастик тасаввурлар ислом мифологиясида акс этган. У буддизм, зардуштийлик, иудаизм, христианлик, монийлик мифология тизимидан кейин вужудга келган ва қадимий ёзувга, бой маданиятга эга бўлган халқларнинг мифологик тасаввурлари, образлари, сюжетлари асосида шаклланган ва ривожланган. Мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръон, пайғамбарнинг ҳаёти, хатти-ҳаракатлари, сўзларини акс эттирган сунна ва ҳадислар ислом мифологиясининг асоси ҳисобланади. Абадий ва қудратли, ягона яратувчи Аллоҳ унинг асосий персонажидир.

Ислом мифологиясида одам ўлгандан кейин жон Аллоҳнинг ихтиёрида бўлади. Ривоятларда келтирилишича, ҳар бир одамнинг қилмишлари тарозида ўлчангандан сўнг Аллоҳ унинг тақдирини узил-кесил ҳал қилади: тақводорлар жаннатга, гуноҳкорлар дўзахга юборилган. Жаннатга соч толасидан ҳам ингичка, қиличдан ҳам ўткир сирот кўприги олиб боради. Кўприкнинг таги дўзах бўлиб, солиҳлар кўприкдан бемалол ўтиб кетар, гуноҳкорлар жаҳаннам гирдобига қулайди.

Яна бир ривоятда айтилишича, Муҳаммад с.а.в. туғилмасдан олдин унинг онасига Аллоҳ томонидан ҳомиладор экани ҳақида хушхабар келган.

Исломий мифологияда ҳаммаси бўлиб 124 минг пайғамбар бўлган, шундан 313 таси расул – Аллоҳнинг олий вакили бўлган дейилади. Халқ орасида Муҳаммад с.а.в., ҳазрат Али, Искандар Зулқарнайн, Ўрта Осиёлик саҳоба Сад Ваққос ва бошқалар ҳақидаги ривоятлар кенг тарқалган.



**НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Дастлабки диний тасаввурлар манбалари нимада?
2. Сапиентация жараёни қандай тавсифланади?

3. Онгли (сапиент) одам хоҳиш билан борлиқ ўртасидаги алоқаларни қандай тушунган?
4. Тотемизм, анимизм, сеҳргарлик ва бутпарастликнинг асл моҳияти нимада?
5. Диннинг ибтидоий шакллари қандай вазифани бажарган?
6. Қадимги ривоятлар қандай шаклланган?



## АДАБИЁТЛАР


1. Мень А. История религии. –М., 1994.
2. Мифы народов мира. В 2–х томах. –М., 1973.
3. Радугин А.А. Введение в религиоведение. –М., 1996.
4. Васильев А.С. История религий Востока. – Ростов–на–Дону, Феникс, 1999.
5. Ремпель Л.И. Цепь времен: Вековые образы и бродячие сюжеты в традиционном искусстве Средней Азии. – Ташкент, Изд. лит. и иск–ва имени Г.Гуляма, 1987.
6. Ислом. Справочник. – Тошкент, 1989.


## МУСТАҚИЛ ИШ

«Ўтмишга ўқ отган келажагини ўлдиради» мавзусида иншо ёзинг.

# II БОБ

# МИЛЛИЙ ДИНЛАР

## § 1. ИУДАИЗМ



Жаҳон маданияти тарихида машҳур бўлган ва яккахудолиликка асосланган (*монотеистик*) учта диний тизим (иудаизм, христианлик, ислом) бир-бир и билан узвий боғланган, бири иккинчисини тўлдиради ва учаласи ҳам Яқин Шарқ ҳудудида пайдо бўлган.

Уларнинг дастлабкиси – қадимги яҳудийлар дини *иудаизмдир.* Бу дин тўғрисида жилд-жилд китоблар ва сон–саноқсиз мақолалар ёзилган. Таълимоти ва урф-одатлари, бой тарихий-маданий анъаналари билан муқаддас матнларда аксини топган ушбу дин тадқиқотчилар томонидан изчил ўрганилган.

Қадимги яҳудийлар тарихи ва динининг шаклланиш жараёни асосан Тавротда (Тора), яна ҳам аниқроғи – қадимий Аҳднинг беш китоби: Борлиқ, Чиқиш, Ловий, Сонлар, Иккинчи қонунда тўлиқ акс этган. Иудаизмнинг талқинига кўра, худо Тавротни пайғамбар Мусо а-с.га ваҳий қилган. Шунинг учун у кўпинча «Мусо қонунлари» деб ҳам юритилади. Унинг таркибига кирган муқаддас ёзувлар оғзаки тарзда милоддан аввалги 11–6 асрларда вужудга келган. Инжил матнлари ва умуман қадимги Аҳд анъаналарига кўра, мил.ав.II минг йилликда яҳудийлар Арабистон ва Фаластиндаги уларга яқин бўлган кўп семит қабилалари каби кўпхудоликни (*политеистик*) тарғиб қилган, яъни улар турли худо ва руҳларга сиғинган. Ҳар бир йирик этник жамоанинг ўз худоси бўлган ва унга ёрдам сўраб мурожаат қилганлар. Ана шу худолардан бири Яхве эди. У яҳудий қабилаларидан бирининг ҳомийси ва илоҳий аждоди ҳисобланган.

Кейинроқ Яхвега сиғиниш оммавий тус олиб, у биринчи ўринга чиқади. Яҳудийларнинг афсонавий аждоди Авраам (исломда Иброҳим), унинг ўғли Исаак (Исҳоқ), унинг ўғли Иаков (Ёқуб), унинг 12 та ўғли (улардан 12 та яҳудий авлоди ажралиб чиқади. Улардан бири Иосиф Прекрасний (исломда Юсуф) – тўғри йўлдан борувчи тақводор) ҳақидаги ривоятлар кейинчалик яккахудолик моҳият касб этади: уларнинг ҳаммаси ягона худо Яхвенинг кўрсатмаларига амал қилади. Пайғамбар ва биринчи яҳудий қонунчиси Моисей (Мусо а-с) Яхвенинг кўрсатмаси бўйича ўз халқини Мисрдан олиб чиқади. Муъжизавий ҳаракатлар билан денгиз сувини қочириб, унинг тубидан йўл очиб беради. Худди шу Моисей Яхвенинг буйруғи билан 10 машҳур васиятини қолдирган:

1. *Мен сенинг Эгангман. Сенинг Парвардигорингман. Менинг олдимда сен бошқа худоларга талпинма.*
2. *Мендан бошқа илоҳга сажда қилма.*
3. *Бекордан Тангрингнинг номи билан қасам ичма.*
4. *Шанбани ёдингда тут, уни муқаддас бил.*
5. *Эгамиз умрингни зиёда қилсин десанг, ота-онангни ҳурмат қил.*
6. *Ўлдирма.*
7. *Зиногарлик қилма.*
8. *Ўғирлик қилма.*
9. *Ёлғон гувоҳлик берлма.*

*10. Яқинларингнинг уйига кўз олайтирма; яқинларингнинг хотини, ё қули, ё ҳўкизи, ё эшаги – ҳеч нарсасига эгалик қилишни хоҳлама.*

Инжил ва унинг дастлабки – Аҳд қисмида яҳудо динининг қадимги яҳудийлар ҳаёти ва тақдири билан чамбарчас боғланган тарихи ва назарияси тўлалигича акс этган.

***Яҳудийларнинг урф-одат ва байрамлари.*** Бу халқ одатда уйда ва синагогада ибодат қилади. Синагоганинг шарқ томонида сандиқ туради. Шкафда эса – Таврот. Унинг ёнида раввиннинг ваъз айтадиган минбари. Синагогада аёллар алоҳида ибодат қилади. Дуоларни ҳамма биргаликда, баланд овоз чиқариб ўқийди.

Яҳудийлар чўчқа, қуён, қўштуёқли ва яхлит туёқли ҳайвонлар, туя ва ўлимтикхўр қушлар гўштини истеъмол қилмайди.

Уларнинг энг оммавий байрами Пасха. У Миср қуллигидан халос бўлган кун сифатида нишонланади. Яҳудийлар бу байрамдан кейинги 7 кун давомида *мацу* – хамиртуруш ва тузсиз нон ейди. Бу яҳудийларга Моисей бошлиқ аждодларининг қандай қийинчиликларни бошдан кечирганини эслатиб туради. Пасха ҳар йили апрель ойининг ўрталарида нишонланади.

Бундан ташқари яна бир қанча байрамлар бор.

Пасха тугагандан 50 кун кейин деҳқонларнинг *Шабуот* байрами нишонланади. Сентябрьнинг охири – октябрьнинг бошида *Рош-Ашона* – Янги йил, 9 сентябрьда – *Йом-Кипур* – тозариш поклаш байрами нишонланади.

Инжилда баён этилган тарихий воқеалар, ҳикоялар, диний ва ҳаётий мазмундаги ҳикматларни бефарқ ўқиб бўлмайди. Улар нафақат юксак бадиий савияси, балки қимматли, маълумотлари таъсирчанлиги ва тарбиявий аҳамияти билан ҳам ажралиб туради. Масалан, Довуд а-с.га ваҳий қилинган “Забур”нинг 14-саносида Худовандга маъқул одам ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз:

Эй Худованд, Сенинг чодирингга ким қўнар?
Ким маскан топар муқаддас тоғингда?
Кимки покдил бўлиб, ҳалол ишласа,
Чин қалбдан ҳақиқатни сўзласа,
Кимки тилига бўҳтон олмаса,
Биродарига ёмонлик қилмаса,
Хеш-ақрабосини шарманда қилмаса,
Кимки манфур кишидан нафрат этса,
Худованддан қўрққанларни ҳурмат қилса,

Ўз зарарига бўлса ҳам сўзидан қайтмаса,

Пулини қарзга бериб, судхўрлик қилмаса,

Бегуноҳни қоралаш учун пора емаса –

Кимда-ким буларга эътибор берса,

У тоабад тебранмас.

Бу ва бошқа муқаддас ёзувларни ўқиганингизда ҳайратланмай қолмайсиз. Узоқ қадимдан бизгача сақланиб келган ҳикматларда инсон ва жамият ҳаётининг ҳамма жиҳатлари акс этган: *яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва ғазаб, ҳаёт ва ўлим, меҳнаткашлик ва ялқовлик, ватан ва хориж, қувонч ва ғам-алам, бахт ва бахтсизлик, яхши кунларга умид, жисмоний ва маънавий гўзаллик ва ҳоказо.*

Эзгулик фариштасининг авлиё Товит ва унинг ўғли Товийга қилган насиҳати – «Яхшилик қилинг, шунда ёмонлик сизга таъсир қилмайди» – ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Сулаймон а-с.нинг машҳур «Ҳикматлар китоби»даги доҳиёна ҳаётий кузатишлар бугунги камолот сари интилаётган ёшлар учун ҳам дастуриламал бўла олади. Бу туганмас донишмандлик манбаи илоҳий нур каби, одамларга тўғри йўл кўрсатади. Эътибор қилинг-а: *«Ўғлим, сўзларимни унутма, амрларимни юрагингда сақла. Улар умрингга умр қўшади, ҳаётинг тинч бўлади, Отанг насиҳатларига қулоқ сол, онанг ўгитларини рад этма, чунки улар бошингга гўзал гулчамбар, бўйнингга маржондайдир».*

Сулаймон Пайғамбарнинг доно сўзларини ўқийвергинг келади. Унинг мана бу ҳикматлари сиз билан бизни, “меҳнатнинг таги роҳат” дегандек, тиришқоқликка чорлайди, дангасалик, ялқовликнинг ёмон оқибатлари ҳақида огоҳлантиради. Сулаймон а-с. насиҳат қилади:

Эй танбал, чумолиларга бир қара,
Уларнинг хатти-ҳаракатларини кўриб доно бўл.

Уларнинг на раҳбари,
На назоратчиси, на ҳукмдори бор.

Лекин улар ёзда озиқ тўплайди,
Ўрим пайтида эса дон-дун йиғишади.

Сен-чи, танбал, қачонгача ухлайсан?
Қачон ўрнингдан турасан?

«Бироз ухлай, бир мизғиб олай,
Ёнбошлаб бирпас дам олай», – дейсан.

Шунинг учун қашшоқлик йўлтўсардек,

Муҳтожлик эса қароқчидек устингга келади...

Олти нарса Эгамизга нафратли,
Етти нарса жирканчдир. Булар:

Манманлик нигоҳи, ёлғончи тил,
Бегуноҳ қонни тўкувчи қўллар,

Ёмон ниятли юрак,
Ёвузликка югурадиган оёқлар.

Ёлғон гапирадиган сохта гувоҳ,
Ака-укалар орасига нифоқ солувчилардир.

31 бобдан иборат шу кичик рисолада 900 дан ортиқ ҳикмат дурдоналари жамланган. Улар инсонни меҳнатни севиш, ялқовликдан ҳазар қилиш, виждони ва ўз обрўсини эҳтиёт қилишга чорлайди. Ёлғончи ва иккиюзлама бўлма, дейди Пайғамбар. Билимли ва саводхон бўлиш, ҳалим, юмшоқ кўнгил, тартиб-интизомли, камтар, адолатли, доно, самимий, инсонпарвар бўлишга ундайди. Дангасалик, худбинлик, рашк, хасислик, қўрқоқлик, бетайинлик, мағрурлик, бағритошлик, мақтанчоқлик, айёрлик ва ҳоказо хусусиятлар аёвсиз фош этилади.

## § 2. КОНФУЦИЙ ТАЪЛИМОТИ




Буюк хитой файласуфи ва педагоги Кун-цзи Конфуцийнинг (551–479) нинг диний таълимоти асосан одоб-ахлоқ дини сифатида шаклланди. Конфуций *инсонийлик* тушунчасини кенг маънода талқин қилиб, унга *камтарлик, адолатпешалик, оғир-босиқлик, обрў-эътиборлилик, очиқ кўнгиллилик* ва бошқа хусусиятларни киритади. Инсонпарвар кишида масъулият ҳисси (яъни «И») юқори бўлади. Масъулият ёки бурч, Кун–цзининг таъкидлашича, инсонпарвар кишининг ўз бўйнига эзгу ният ва амалларни бажариш бўйича олган ахлоқий мажбуриятидир. Масъулият ҳисси деганда манфаат кўриш эмас, билим ва олий аҳлоқ қоидалари тушунилади. Шунинг учун у: «Олижаноб киши бурч ва масъулият тўғрисида ўйлайди, пасткашлар манфаат кўриш ҳақида қайғуради», деб таълим беради. «И» тушунчасига файласуф билим олишга интилиш, ўқиш-ўрганиш масъулияти, қадимги аждодларимиз донишмандлигига эришишни киритади. Конфуций *садоқат ва самимийлик, одоб-ахлоқ чегарасидан чиқмаслик, урф-одатлар ва маросимларга риоя қилиш* каби тушунчаларни юқоридагилар қаторига қўшади.

Бу қоидаларга амал қилиш олижаноб инсоннинг бурчи. Конфуцийнинг «Луньюй» деб аталган ҳикматлар тўпламида олижаноб инсонни *диёнатли ва самимий, қалби пок, очиқ кўнгил ва довюрак, зийрак ва идрокли, сўзлари бамаъни, саъй-ҳаракатларида эҳтиёткор киши* деб таърифлайди. Бундай одам иккиланганда шошилмайди, ғазаби келганда ўйлаб иш қилади, фойда келтирувчи ишга қўл урса виждонли бўлишни ўйлайди; у ёшлик, навқиронлик пайтида – ҳасадгўй, етуклик даврида – жанжалкаш, қариган чоғида қурумсоқ, хасис бўлмаслиги лозим. Юксак ахлоқли одам бутун борлиғини олий мақсад йўлида, инсонга хизмат қилишга ва ҳақиқатни топишга бахшида этади.

Конфуций аждодлар: ўликлар ва тириклар ҳурматини жойига қўйиш тарафдори (Инжилдаги *«чти отца и матерь свою»* оятини эсланг). Фарзандларнинг ота-оналарига нисбатан мурувватли бўлиш ҳақидаги таълимотни Конфуций инсонийликнинг асоси деб

белгилайди. Унингча, барча, айниқса, саводли, маълумотли, одамий, олийҳиммат бўлишга интилаётган кишилар обрў-эътиборли фарзандлардир.

Инсонийликнинг моҳияти, Конфуций яратган муқаддас китобларда талқин қилинишича, қоидадагидек ота-онасига хизмат қилиш, қоидадагидек уларни охирги манзилига элтиш, қоидадагидек қурбонликлар қилишдан иборат. Бу қоидаларга кўра, одобли фарзанд умр бўйи ота-онаси хизматида бўлади, уларга ғамхўрлик қилади, кўнглини топишга интилади, парвариш қилади, уларнинг саломатлиги ва манфаати йўлида ҳамма нарсага тайёр туради, ҳар қандай шароитда уларнинг ҳурматини жойига қўяди. Ҳатто улар ярамас, жиноятчи, ўғри ёки қотил бўлганида ҳам одобли фарзанд мулойимлик билан, ялиниб-ёлвориб бўлса ҳам уларни яхшилик йўлига қайтишга ундайди.

Фарзандларнинг ота-онасига иззат-икром кўрсатиши Хитой давлатининг ҳамма ерида қонундек тан олинди, ҳаётий қоидага айланди, инсонийлик намуналари эса таҳсину тақлидларга лойиқ деб топилди.

Қуйидаги мисоллар бу фикрларнинг тўлиқ тасдиқлайди.

***Очликдан жон таслим қилаётган онасини боқиш мақсадида ўғлини сотган камбағал томорқасида олтинга тўла хумча топиб олибди. Унда «Сендаги сяо (одамийлик) учун» деган ёзув бор экан;***

***саккиз яшар бола ёз кечалари унга хархаша қилаётган пашшаларни ҳам ҳайдамайди – майли, чақса чақаверсин, ҳайдасам, қочиб ота-онамга қўнади ва уларни безовта қилади, дейди;***

***қаҳатчилик йили одобли ўғил танасидан бир парча этни кесиб, оғир касал ётган отасига қайнатма пишириб берди;***

***олижаноб Хань императори Вэнь-ди уч йилдан буён касал ётган онасининг бошида бўлди, ўзи унга овқат пишириб берди, онаси ичадиган дориларни аввал ўзи тотиб кўрарди.***

Бу каби ҳикоялар болаликдан аждодлар, ота-оналарни деб ўзини қурбон қилишгача тайёр одобли фарзандларни тарбиялашга хизмат қилади.

Айтиш жоизки, Конфуцийнинг «Шуцзин», «Шицзин» ҳамда «Луньюй» китобларидаги ҳикматлар оғзаки тарзда ҳамма ёққа тарқалиб кетади. Уларни саводлилар ҳам, саводсизлар ҳам, болалар ҳам, кексалар ҳам билган. Конфуцийнинг тарафдорлари (шогирдлари) ҳикматларни тушунарли талқин қилиб берар ва улар ҳикматли сўз тарзида оммавий тус олиб кетар эди.

Конфуций таълимоти моҳиятан дин бўлмаса ҳам, диний ақидалардек маъно касб этарди. У ҳам сиёсат, ҳам маъмурият тизими, ҳам иқтисодий-ижтимоий жараёнларнинг муҳим калити, хитой ҳаёт тарзининг асоси, хитой жамиятининг ташкилий тамойилидир.

2500 йил давомида бу таълимот хитойликларнинг ақли, онги, ҳиссиётини шакллантириб, уларнинг эътиқоди, руҳияти, хулқи, фикрлаши, нутқи, тафаккури, турмуш ва ҳаёт тарзига таъсир этиб келмоқда. Шу маънода, бу таълимот дунёвий динларнинг баъзи томонларидан устун бўлса бўлса бўладики, асло қолишмайди.

**Буюк Муаллим** – файласуф ва дин ислоҳотчиси, Хитойдаги ахлоқий-сиёсий таълимот асосчиси Конфуцийни қадимги Хитой ва бутун дунёда шундай деб атайдилар.

«Ўзингга раво кўрмаган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрма. Ана шунда давлатда ҳам, оилада ҳам ўзингга нисбатан ёмонлик сезмайсан». Бу сўзлар бир умр Конфуцийнинг шиори ва ҳаётий қонуни бўлиб келган. Ушбу ҳикматда буюк инсонпарвар олимнинг «одамларни севиш», «очиқ кўнгиллилик ва раҳмдиллик» бош ғоялари ётади. Кўриб турибмизки, бу ҳикмат милоддан милодга, асрдан асрга авлоддан авлодга деярли ўзгаришсиз ўтиб келяпти. Ундаги ғоя ва фикрни келгуси авлодларга ҳам етказиш уларда ҳам муқобил ўзгаришлар юз беришига олиб келади.

Тўғри, ҳар бир жамиятда илғор кучлар билан бирга жаҳолатпарастлар ҳам бўлади. «Бошқалар учун сочимнинг бир толасини ҳам юлмайман» дейишади ўша жоҳиллар. Ёмонлик қилиш инсон табиатида бор нарса, деб таъкидлайди конфуцийчилар. Одам ўз устида муттасил ишласагина у эзгулик сари юз тутади. *Қоидалар ва мусиқа* – инсон табиатидаги ёмонликни енгиш ёки йўқотиш воситаси, инсоннинг бутун фаолиятини бошқариш ва унда маънавий муштаракликни тарбиялаш қуроли.

Буюк Муаллимнинг олтин қоидаларига риоя қилиш ҳамма вақт жамиятга фақат фойда келтирган. Бугун ахлоқсизликни ташвиқ қилаётган порнографик фильм ва расмлар, ўта бақироқ ва шиддаткор рок-мусиқа анъанавий мумтоз санъат намуналарини сиқиб чиқаришга уринаётган пайтда, айрим мухолиф тарафлар ёшларни тўғри йўлдан урмоқчи бўлаётганида ***Конфуций қоидалари***ни эслаш жуда ўринли. Улар:

Қоидага кирмаса қарама!
Қоидага сиғмаса эшитма!
Қоидада бўлмаса гапирма!
Қоидадан четга чиқма!

Бу қоидалар одамлар хулқи, хатти-ҳаракати, жамиятдаги бурчи, масъулиятини бошқариб туради. Шу билан бирга, улар давлат бошқарувининг қонуни ҳамдир. Улар шунчаки ўйлаб чиқарилган, кашф этилган уйдирма эмас. Бу – ҳаёт тақозо этган ҳақиқатдир.

Конфуций қоидаларининг туб моҳияти нимада? Бугун, XXI асрда, қоидалар ғояси қандай аҳамиятга эга? Мана, ўзингиз баҳо беринг.

- Ёшлар ота-оналарига нисбатан иззат-ҳурматда, оға-иниларига садоқатли, меҳрибон, камтар ва ростгўй бўлса, одамларни севса – бу билан у ўзидаги инсонийликка яқинлашади.
- Одамда унинг феъл-атвори, эҳтирос кучлилик қилса – ёввойилик бўлади; билимлилик ва маданиятлилик баланд келса – олимлик юз беради.
- Одамнинг табиий хусусиятлари ва маданиятлилиги бирикса – олий даражадаги инсон юзага келади.
- Ўқисаю ўйламаса – жоҳиллик, ўйласаю ўқимаса – ҳавф.
- Гапириш керак бўлганда гапирмаса – одамларни йўқотади. Гапириш керак бўлмаганда гапирса – сўзларни йўқотади. Донишманд одамларни йўқотмайди, у сўзларни йўқотади.
- Энг бемаза овқат ейиш, фақат сув ичиш, қўлингни бошинг остига қўйиб ухлашинг мумкин – шунда ҳам қувонч бўлиши мумкин. Аммо ўзингни қоидадагидек тутмасан, бойлигинг ҳам, машҳурлигинг ҳам – бамисоли ўткинчи булут.

Қандай қилиб давлатни тўғри бошқариш мумкин деган саволга Конфуций бундай жавоб беради:

- ❖ Бешта ажойиб нарсани ёдда тутиш ва тўртта ёмонликдан кечиш керак, яъни:
- Марҳаматли бўлиш ва ҳаддан ошмаслик;
- Ишлашга мажбур қилиш, аммо норози қилмаслик;
- Хоҳлаш, аммо қизғанмаслик;
- Руҳияти кенг бўлиш, аммо мағрурланмаслик;
- Кучли бўлиш, аммо бераҳм бўлмаслик
- ❖ Тўртта ёмонлик қайси?
- Йўл–йўриқ кўрсатмай ўлдириш – бағритошлик;
- Огоҳлантирмай туриб натижага кўра ҳукм чиқариш – қонунсизлик;
- Кўрсатма бермай муддатга улгуртириш – юлғучлик;
- Одамларга бера туриб хасислик қилиш – ҳокимият одамлари шундай.

Конфуцийнинг ҳукм чиқариш ва давлатни бошқариш санъати тўғрисидаги ибратли сўзлари ҳозиргача долзарблигини йўқотмаган. Масалан, унинг уқтиришича, «Ҳар ким ўз вазифасини сидқи дилдан бажарсин. Ҳукмдор – давлатни бошқарсин, ҳунарманд ўз ҳунари билан шуғуллансин, ота оталик бурчини адо этсин, ўғил – ўғиллигини. Агар бу оддий ҳаёт қонуни издан чиқса, давлат ичидан чирий бошлайди. Тартибсизлик бошланади, ўзаро ҳурмат йўқолади. Мамлакатда душманлик, уруш-жанжал, фитна авж олади. Кичкина чақмоқтошдан чиққан учқундан катта ёнғин юз беради».

Барча ёмонликларнинг ибтидосини Конфуций инсон шахсининг камол топмаганлигида кўради. Уни камолотга эриштириш учун, буюк мутафаккирнинг фикрича, билим бериш, маълумотли, заковатли, ахлоқий маданиятли қилиш зарур. Буларга эса изчил саъй-ҳаракатлар, ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантириш жараёнида фаол иштирок этиш орқали эришилади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ



1. Қандай миллий динларни биласиз?
2. Қандай диний тизимлар монотеистик динлар дейилади?
3. Иудаизм қачон ва қаерда пайдо бўлган?
4. Яҳудийлар динида қандай урф-одат ва байрамлар бор?
5. Конфуций ким ва нима учун уни Буюк муаллим дейишади?
6. Конфуцийнинг Фарзанд одоби тўғрисидаги таълимотининг мазмун–моҳияти ҳақида сўзлаб беринг?
7. Конфуций қоидаларининг моҳияти нимада?



## АДАБИЁТЛАР


1. Жўраев У., Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. – Т., Шарқ, 1998.
2. Васильев Л.С. История религий Востока. –М., Феникс, 1999.
3. Йўлдашхўжаев Ҳ. ва б. Диншунослик. –Т., 2000.
4. Инжил.


## МУСТАҚИЛ ИШ

Моисейнинг 10 та васияти асосида эркин иншо ёзинг.

## III БОБ

## ЗАРДУШТИЙЛИК



*Матнда уч*
*Ахура мазда – яхшилик худоси;*
*Зардушт (лот. Заратуштра. 589–512.) – файласуф, шоир, пайғамбар;*
*Дагду – Зардуштнинг онаси;*
*Пурушаспу – Зардуштнинг отаси;*
*Фарохим – Зардуштнинг бобоси;*
*Сипанд Майню – эзгулик фариштаси;*
*Ашавани – ҳақиқат, адолат, диёнат ҳомийси.*

Зардуштийлик дини – ҳозирги Марказий Осиё, Жанубий-ғарбий Эрон ва Ҳиндистоннинг ғарбий қирғоқларида яшаётган этномаданий жамоанинг қадимий дини. Зардуштийларнинг майда-майда гуруҳлари ҳозир ҳам бор, улар ушбу мамлакатларнинг баъзи вилоятларида, Сингапур, Гонконгда ҳам истиқомат қилади. Буддавийлик, христианлик, исломга ўхшаб жаҳон дини мақомига эга бўлмаса-да, мақсад ва вазифаларига кўра ҳамда узоқ вақт давомида уларга чуқур ва сезиларли таъсир кўрсатгани боис у барча дунёвий динлар билан бир қаторда турди.

Бугун зардуштийларнинг умумий сонини аниқ айтиш мумкин. 1976 йил ҳисобига кўра, Ҳиндистонда 82 минг, Эронда 25 минг, Покистонда 5 мингдан ортиқ шу динга ишонувчилар бор, экан.

Зардуштийлик динининг асосий муқаддас китоби «Авесто» бўлиб, бугун уни ўрганиш ва тадқиқ қилиш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессияси йиғилишида Республикамиз Президенти И.А.Каримов 2000-Халқаро жаҳон маданияти йилида Хоразмда яратилган зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»нинг 2700 йиллик юбилейини нишонлаш тадбирлари ҳақида гапирди.




«Авесто» – инсониятга маълум барча муқаддас китоблар ичидаги энг қадимги, нодир ва ноёб асардир. Уч минг йилдан буён бу ёдгорлик ҳамма учун эзгулик мадҳияси сифатида зардуштийликнинг уч муқаддас қоидаси ***Эзгу фикр, Эзгу сўз, Эзгу амалларни*** ейишдек ахлоқий вазифани бажариб келмоқда.

Бу қадимий ёдгорликнинг ёзилиш тарихи, унинг таркиби ва асл моҳияти бутун дунёда кенг ўрганилган. *Авестошунослик* деган илмий йўналиш пайдо бўлди. Бу соҳада Ж.Дармстетер, А.В.Жексон, И.Маркварт, Г.Нюберг, Э.Бенвенист, С.П.Толстов, В.Гейгер, В.Бартольд, И.Брагинский, Ф.Шпигель, Э.Херцфельд, Л.Бойс, В.Хеннинг, Д.Гершевич, В.Вольф каби таниқли олимлар илмий асарлари эълон қилинган.

Ўзбек олимларидан Ҳ.Ҳомидов, Т.Маҳмудов, М.Исҳоқов, Ф.Сулаймонова, Т.Каримовлар талай тадқиқотлар яратдилар. Шоир Асқар Маҳкам «Авесто»ни илк бор ўзбек тилига таржима қилди.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида «Авесто» бўйича 1000 жилддан зиёд китоблар: қомуслар, луғатлар, маълумотномалар, илмий рисолалар, турли анжуманларда қилинган маърузалар ва мақолалар тўпламлари нашр қилинган. Диссертациялар ҳимоя қилинаётир. Чикаго ва Торонто шаҳарларида ҳар йили анъанавий *зардуштийлик симпозиуми* ўтказиб турилади.

Буларнинг барчаси зардуштийлик ва унинг муқаддас китобининг аҳамияти тобора ортиб бораётганидан дарак беради. Аммо унинг айрим, хусусан, маърифий-дидактик жиҳатлари етарлича ёритилмай қолаётганга ўхшайди. Шу мақсадда бугунги китобхону талабаларга масалани оммавий тарзда етказишни ният қилдик.

Аввало зардуштийликнинг асосчиси тўғрисида икки оғиз сўз айтсак.

Абу Райҳон Берунийга кўра, Зардушт Озарбайжонда таваллуд топган бўлиб, Эрон ва Ўрта Осиёда яшаган. Ҳиндистон ва Цейлонда ҳам бўлган. Табарийнинг Зардуштни «Зардушт бин Юнон» дейди, аммо зардушт юнонлик эмас, бу хато фикр. Шажаравий тарихга эътибор қилинса, унинг Эрон шоҳи Манучеҳр оиласига мансублигини қайд этиш мумкин. Беруний Зардуштнинг қаламига мансуб «Таржимаи ҳоли»га қараб, унинг Илёс ва Азиз пайғамбарларнинг шогирди бўлганлиги, кейинчалик Ҳиндистон ва Бобилга кетиб қолганини таъкидлайди. Цейлонда у узоқ муддат ғорда яшайди ва ўша ерда «Авесто»ни яратади. Берунийнинг маълумотига кўра, Доро шоҳ хазинасида сақланган асар қўл ёзмаси олтин ҳарфлар билан 12 минг мол терисига битилган. Искандар Мақдунийнинг буйруғи билан асарнинг ярмига яқини куйдириб ташланган.

Зардушт, юқорида айтиб ўтганимиздек, тарихий шахс, шоир, файласуф, давлат арбоби, қонуншунос ва пайғамбар бўлган. Буюк одамлар ҳаётида бўлганидек, унинг ҳақида ҳам турли ривояту афсоналар тўқилган. Улардан бирида, масалан, шундай дейилади.

Қадим ўтган замонда, Эрон деган томонда бир зодагонлар оиласи яшаган. Оила бошлиғи Фароҳим яккаю ягона қизи Дагдуни Пурушаспу деган йигитга турмушга берган. Кунларнинг бирида уларнинг уйи юлдузларнинг илоҳий нури билан нурафшон бўлади. Бу катта бахт, улуғворлик ва фаровон ҳаётдан нишона эди. Илоҳий нур Дагдунинг қалбига чўғ солади: энди бу бахтиёр аёл фарзанд кўради. Шундай ҳам бўлди. Вақти-соати етгач, у ўғил туғади (бундан 2000 йил кейин Биби Марьям Аллоҳнинг руҳидан Исо а-с.ни туққанидан хабардорсиз). Болага Зардушт деб ном қўйилади. Чунки у самовий нурдай заррин, тилларанг эди. Қадимги юнон тарихчиларининг ёзишича, бутун ёруғ жаҳон, сув усти ва сув ости олами, инсоният, набобот ва наботот дунёси бу мўъжизавий боланинг туғилгани ҳақидаги хабарни зўр хурсандлик билан кутиб олади. Гўдакнинг очиқ ёруғ юзи, чеҳрасидаги ёқимли кулги унинг, улғайгач, яхшилик келтириши, хурсандлик ва қувончдан нишона эди, уни ҳамма нарсани билувчи, эзгулик худоси Ахура Мазда билан боғлаб турарди.

Яхшилик фариштаалари, жумладан, Сипанд Майню бутун оламга Зардуштнинг туғилгани ҳақида хабар тарқатади. «Хуш келибсиз бизнинг сафимизга, – деб қаршилайди Зардуштни фаришталар. – Мана, яна бир ҳалоскор бизга қўшилди. Бу – Зардушт. Энди Мазда дини яхшилик дини сифатида ҳамма ёқда, етти осмонда кучга киради. Бундан буён ўтлоқлар ва яйловлар ҳомийси – Меҳр мамлакатлар султонларига куч-қувват беради, уруш ва қирғинларга чек қўяди. Мана энди биз ҳақиқат, адолат, диёнат ҳомийси – Ашавани шарафига, Зардуштнинг овозини биринчи бўлиб эшитган Мадюмах шаънига қўшиқлар айтамиз».

Бола улғайган сайин атрофидагиларни ўзининг зукколиги ва ўткир ақл-идроки билан ҳайратга соларди. У доим яхшилик ҳақида ўйлар, ёмонлик илдизларини қандай қилиб йўқотиш тўғрисида қайғурарди. Ўзининг фақат эзгу ишлар қилиш учун дунёга келганлигини сезар эди. Замонасининг дини ва диний тасаввурларини ўргана бориб, одамларни мураккаб қонун-қоидалар, чигал урф-одат ва маросимлар асоратидан қутқаришга бел боғлайди. Шундай қилиб, янги динга асос солинади.

Академик В.В.Струве, К.В.Трувер ва С.П.Толстовларнинг таъбирича, зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китоби «Авесто» Марказий Осиёда, аниқроғи, Хоразмда пайдо бўлган ва кейинчалик Ғарб, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига ёйилган.

Бу нуқтаи назар ҳозирги ўзбек олимларининг бир қанча илмий тадқиқотларида ҳам ўз тасдиғини топди.

Зардуштийликнинг асосий манбаси бўлган «Авесто» илоҳий маънавий нур каби одамлар қалбини эзгулик, инсонийлик, ҳақиқат ва диёнат нури билан ёритиб келмоқда. Аммо шуни ҳам қайд этиш лозимки, ҳеч бир муқаддас китоб «Авесто»чалик қаршиликлару шафқатсизликларга дучор бўлмаган. Асрлар, мингйилликлар давомида бир неча марта душманлар хуружига дош берди, уни ўқиш ва ўрганишни тақиқлаб қўйишди, ўтга ташлашди, аммо афсонавий қуш – феникс (қақнус) сингари ёниб, кулдан яна пайдо бўлар, абадий янгиланиб тураверарди. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, қуёш нурини ҳам тўса олмаймиз. «Авесто» ҳам шундай барҳаёт. Уни ёд билган кишилар оғиздан-оғизга, авлоддан-аждодга узатар, у қайта–қайта китоб ҳолида чоп эттириларди.

Машҳур авестошунос Лоуренз Миллз «Зардушт мадҳлари» (Лейпциг, 1895) китобида ёзишича, Зардуштнинг ҳар бир сўзи чуқур маъно билан йўғрилган. Мазмуни ва соддалиги жиҳатидан дунёдаги ҳеч бир китоб у билан тенглаша олмайди. Бу 3000 йил аввал яратилган бизнинг бугунги кундалик ҳаётимиз дастури. Ҳозир ҳам унинг сўзлари яхши нишона беряпти. Агар биз атайин, қасддан бу дастуриламални сезмасликка уринсак ёки одамлар нигоҳидан яширмоқчи бўлсак – бу бизнинг яхшиликка ёмонлик билан жавобимиз, бефарқлигимиз, эътиборсизлигимиз ва кўрнамаклигимиздан бошқа нарса бўлмайди».

Кўпгина авестошунослар муқаддас китобнинг тили ва услуби ҳақида тўхталиб, унинг Шарқ маданиятининг адабий анъаналарига мос эканлигини эътироф этади. Асарнинг паҳлавий тилидаги транскрипцияси ва унинг русча матнига қараганда, китобдаги насрий бўлаклар шеърий парчалар билан алмашиниб туради (ҳозирги ўзбек халқ эпик достонларида ҳам шундай). Ҳикмат ва насиҳатлар Инжилдаги доно фикрлар каби антитеза – қарама қарши қўйиш асосига қурилган, яъни яхшилик ва ёмонлик, гўзаллик ва ҳунуклик, туғилиш ва ўлиш, қувонч ва ғам-алам, очлик ва тўқлик, бахтлилик ва бахт ва хоказо.

Ўқувчининг эътиборини тортадиган нарса баённинг соддалиги ва маърифий-дидактик мазмунининг оддийлиги ва равонлигидир. Матннинг бадиий жиҳатлари ҳам Шарқ мумтоз адабиёти анъаналари билан оҳангдош: бир хил сўз ва ибораларнинг радиф тарзида қайтарилиб туриши, омоним ва антонимлар, аллитерация ва ассонанс, ички қофия, риторик сўроқлар, ҳамоҳанг синтактик қурилмалар ва бошқалар муқаддас китоб тилининг ифодалилиги ва таъсирчанлигини оширишга хизмат қилади.

«Авесто» китобларини – у 30 та бўлим, 1000 та боб, 345 минг 700 та сўздан ташкил топган 21 китобдан иборат (қиёсланг: Пушкин асарлари луғатида 20 мингта сўз қайд этилган) – *одобнома* сифатида ўрганиш мумкин. Унда акс этган одамлар ўртасидаги ўзаро муносабат, кундалик турмуш фалсафаси, жиноят ва жазо муаммолари худди бугунгидек. Китобда виждонли бўлиш, ростгўйлик, тақводорлик ва тақводор одамлар куйланади. Зардушт ва унинг издошлари (саҳобалари) айтган ҳикматлар ва дуолар, зардуштийлик қонунлари ва қасамлар, намоз пайтида Ахура Мазда шаънига айтилган мадҳлар бугунги китобхон ва ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Китобни ўқиган ҳар бир киши ундан жисмоний ва маънавий поклик, тўғрилик, инсофлиликдан сабоқ олади. Унда қонунчилик тартиб-қоидалари, одамларнинг шахсий ва ижтимоий ҳуқуқлари баён этилган. Одамларнинг жамиятдаги ўрни, ахлоқ нормалари, хулқи, руҳ ва танни чиниқтириш, ўзини ёмонликдан ва ножоиз фикрлардан асрашга оид панд-насиҳатлар ёрқин ва таъсирчан ифодаланган. «Авесто» – жамият ва одамларнинг яшаш тарзи, тили, адабиёти тўғрисидаги бебаҳо манба ва муқаддас ҳужжат, маданият, тиббиёт ва кўпгина бошқа фанларга оид ёдгорлик.

Олимлар «Авесто»ни *ахлоқ кодекси* дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай. Биргина мисол. Зардуштийлар **Эзгу фикр, Эзгу сўз, Эзгу амални** муқаддас руҳ дея илоҳийлаштирган. Уларнинг бири юлдузлар олами, иккинчиси қуёш, учинчиси Ой доираси билан боғлиқ тарзда талқин қилинади. «Маҳраспанднинг ўғли Адурбаднинг насиҳатлари» бобида айтилишича, *фикрлар, сўзлар ва амаллар ичида энг муҳими амаллардир.* Шундан келиб чиққан ҳолда бошқа одамларга нисбатан дўстона, миннатдор, камтар бўлиш керак, ҳожатманд кишиларга бошпана бериш зарур, ғазабланмаслик ва қасоскор бўлмаслик лозимлиги хақидаги фикр таъкидланади.

Авестодаги Махраспанднинг ўғли Адурбадга Тангри фарзанд ато этмади. Адурбад худоларга илтижо қилиб, унга ўғил беришларини сўрайди. Вақти-соати етиб, у ўғил кўради. Спитама уруғидаги тақводор Зардушт шарафига у ҳам ўғлига шундай ном беради. Энди Адурбад ҳам ўғлига шундай насиҳат қилади:

“Ўғлим! Эзгу ишлар ҳақида ўйла, гуноҳ ҳисобланадиган нарсалар тўғрисида ўйлама, чунки одамнинг умри қисқа, маънавий майл-истаклар муҳимроқ. Ўтган ишга салавот, ниятингга етмаган бўлсанг, қайғурма, ҳадеб куяверма. Ҳукмдор ва бошлиқ олдида қайсар ва ўзбилармон бўлма.

Ўзинг ёмон кўрган нарсани бошқаларга раво кўрма. Юртбошинг ва дўстларингга садоқатли бўл. Ўз тақдирингни ҳеч кимга ишониб топширма. Бировга қул бўлма. Сенга нафрат билан қараб, ёмонликни раво кўрадиганлардан узоқроқ бўл. Ҳамма вақт ва ҳар

доим худодангина умидвор бўл. Сенга фойдаси тегадиган одам билан дўстлаш. Худо йўлида ва махраспандлар хизматида ғайратли ва садоқатли бўл.

Аёлларга сирингни айтма (чунки улар юраги йўқ в иродаси суст бўлганлигидан ишонган сирингни қудратлироқ одамга айтса, сен нафратга қоласан). Нимани эшитсанг ҳам, диққат билан эшит, номаъқул гап айтма, *бемаъни сўзларни гапирма*. Оғир қайғуга ботмай ва кейин пушаймон бўлмай десанг, аёлинг ва фарзандларингга таълим бер, саводли қил.

Ноўрин кулма. Жавоб бераётганингда ва сўраганингда меъёрни бил. Ҳеч кимнинг устидан кулма. Бефаросат одамга сир айтма. Баджаҳл ва ёвузларга ҳамроҳ бўлма, Нодон билан маслаҳатлашма. Бойлар билан ҳамтовоқ бўлма. Маст одам билан ичкилик қилма. Ярамас, пасткаш одамлардан қарз ҳам олма, қарзга ҳам берма, чунки катта фоиз беришингга тўғри келади, у доим фоиз ундириш илинжида ўзи келиб ёки чопар юбориб, ҳиқилдоғингдан олади, бу эса сенинг нафсониятингга тегади. Ҳасадгўй кишини ёрдамчи қилма. Бойлигингни ҳасад аҳлига кўрсатма.

***Нобакор жиноятчи, каззоб, ёлғончининг гапларини эшитма***. Гапларинг аниқ бўлсин. Ўйламасдан гапирма. Сўзларинг мўлжалга тегадиган бўлсин, чунки сўз – бу яхшигина нутқ ҳамдир, бироқ сукут ҳам керак, токи сукут нутқдан афзал. Ишонч қозонай десанг, тўғри сўз бўл. Дўстим кўп бўлсин десанг, доно бўл. Тақводор бўлай десанг, яқинларингга фойдали бўл ва эътиқодингни кучли қил. Жаннати бўлиш учун қалбингни покла. Яхшиликни билмайдиган, кўрнамак ва пасткаш кимсаларни қўллама, чунки улар ҳеч қачон миннатдор бўлмайдилар. Ғазабдан ва ўч олай деб жонингни қийнама. Бирор нарса қилиш ёки айтиш ниятинг бўлса, ҳурмат билан таъзим бажо келтир, чунки таъзимдан белинг синиб, мулойим сўзингдан оғзинг қийшайиб қолмайди. Мажлисга борганингда, нодону жоҳиллар билан ўтирма: сени ҳам ўшандайлардан деб ўйлашади. Байрам дастурхонига таклиф қилишса, тўрига чиқиб кетма: сендан улуғроқ одам келса, бу ўринни бўшатиб, пойгакка тушиб қолишингга тўғри келади. Ёруғ дунё неъматлари кетидан қувма, чунки улар шохдан шохга қўниб, бирортасида ҳам муқим турмайдиган қушга ўхшайди.

***Отанг ва онанг билан хушмуомала, мўмин-қобил, тавозели, итоаткор бўл,*** чунки одам отаси ва онаси ҳаётлигида ўрмонда ҳеч кимдан қўрқмайдиган шеърга ўхшайди; ота-онаси йўқ одам эса, ҳаммадан дакки эшитаётган, камситилаётган, туртки еяётган, аммо ҳеч кимга арзи-додини айтаолмайдиган бева хотинга ўхшайди. Қизингни бамаъни ва ўйлаб иш қиладиган одамга бер, чунки бамаъни ва ақлли одам ҳосилдор ерга

ўхшайди: бу ерга уруғ эксанг, йирик донадор бошоқ оласан. Қалбинг доим пок бўлсин. Шон-шуҳрат кетидан қувиб, бурчингни унутма.

***Юриш-туришинг, саъй-ҳаракатларинг, барча амалларинг қоидадагидай бўлсин.*** Қўлингни ўғирликдан, оёғингни номуссизлик сари юришдан, ақлингни тубан истак-хоҳишлардан тий, чунки эзгу амаллар соҳибига мукофот – жаннат, гуноҳкорга жазо – дўзах бор” [“Изведать дороги и пути праведных”: 77-82]

Қадимги Мовароуннахр заминида яратилган буюк маданий ёдгорлик – зардуштийлик дини ва унинг муқаддас китобида юқоридаги каби насиҳат ва ҳикматларни йиғиш, улар билан яқиндан танишиш, ўрганиш, ўзига сингдириш ва амал қилиш бугунги кундаги баркамол авлодни шакллантириш ва тарбиялашда катта аҳамият касб этади.



## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Зардуштийликнинг асл моҳияти нимадан иборат?
2. Зардушт қачон ва қандай оилада дунёга келган?
3. Авестошуносларнинг зардуштийликка муносабати қандай бўлган?
4. Лоуренз Миллз Зардушт мадҳларни қандай баҳолаган?
5. Нима учун «Авесто» ахлоқ кодекси дейилади?
6. Ҳикматларнинг маъно ва шакл жиҳатидан муштаракли–гининг сабаблари нимада?



## АДАБИЁТЛАР


1. Каримов И.А. Тўплам. 17 жилдлик. – Тошкент, Ўзбекистон, 1995–2009.
2. Радугин А.А. Введение в религиоведение. – М., 1996.
3. Васильев Л.С. История религий Востока. – Ростов–на–Дону, Феникс, 1999.
4. Пехлевийские тексты древних рукописей. – М., Наука, 1980.
5. Авесто. – Тошкент, 2002.


## МУСТАҚИЛ ИШ

«Менинг эзгу фикрим, эзгу сўзим ва эзгу амалим» мавзусида эркин иншо ёзинг.

# IV БОБ

# ЖАҲОН ДИНЛАРИ

# БУДДАВИЙЛИК



Буддавийлик – дунёдаги йирик динларнинг энг қадимий–ларидан бири, милоддан аввалгиVI-V асрларда Ҳиндистонда вужудга келган. Бу динга эътиқод қилувчилар, асосан, Жанубий, Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё мамлакатлари: Шри Ланка, Ҳиндистон, Непал, Бутан, Хитой, Сингапур, Малайзия, Индонезия, Монголия, Корея, Вьетнам, Япония, Комбоджа, Бирма, Таиланд, Лаосда ва қисман Европа ва Америка қитъаларида, Россия Федерациясининг Тува, Бурятия, Қалмоқ республикаларида истиқомат қилади.

Ҳозирги кунда эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан буддавийлик христианлик, ислом ва ҳиндуизмдан сўнг тўртинчи ўринни эгаллайди. Буддистларнинг сони тахминан 800-900 млн. атрофида бўлиб, улардан 1 млн. га яқини роҳиблардир.

Буддавийлик диний-фалсафий таълимот сифатида бундан 2500 йилдан аввал Ҳиндистонда вужудга келиб, унда кўплаб диний манбалар ва диний йўналишлар мавжуд.

Буддавийлик турли миллий ва диний анъаналар билан келишувчанлиги сабабли кўп миллатлар томонидан кенг қабул қилинган, у ҳаётнинг барча соҳалари: диний, маданий, сиёсий ва иқтисодий қатламларига кириб борганди.

Буддавийликни дин ёки фалсафа, мафкура ёки маданият қоидалари тўплами ёхуд ҳаёт тарзи деб баҳолаш мумкин.

Ҳозирги вақтда бу динга эътиқод қилиб келаётган Шарқ мамлакатларидаги буддавийлик таълимотини ўрганиш, у ердаги сиёсий–иқтисодий, маънавий маданиятни тушунишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бу давлатларда ушбу динга эътиқод қилувчилар назарида буддавийликнинг қоида ва анъаналари марказий ҳукумат қонунларидан кўра устунроқ экани унинг салоҳияти ва имкониятларидан дарак беради.

**Буддавийлик асосчисининг шахси.** Буддавийлик тарихи тадқиқотчилари мавжуд манбалар асосида бу оқим асосчиси реал тарихий шахс бўлганини таъкидлайди. Бу таълимотга оид адабиётларда у Сиддхартха, Гаутама (Готама), Шакямуни, Будда, Тадхагата, Джина, Бхагаван каби исмлар билан зикр этилади. Бу исмлар маънолари қуйидагича: Сиддхартха – шахсий исм, Гаутама – уруғ номи, Шакямуни – «Шакя қабиласидан чиққан донишманд», Будда – «нурланган», Тадхагата – «шундай келиб, шундай кетган», Джина – «ғолиб», Бхагаван – «тантана қилувчи». Улар ичида энг машҳури «Будда» бўлгани боис ушбу динга буддавийлик номи берилган.

Бизгача Будданинг бир неча биографиялари етиб келган: «Махавосту» – милоднинг II асрида ёзилган, «Лалитавистара» – милоднинг II–III асрларида юзага келган, «Буддхачарита» – буддавий файласуфлардан бири Ашвагхоша томонидан милоднинг I – II асрларида яратилган, «Ниданакатха» – милоднинг I асрида ёзилган ва «Абнихишкрамансутра».

Мазкур биографияларда Будданинг қайси йилларда яшагани турлича берилган. Уларда милоддан аввалгиIX–III асрлар оралиғидаги ҳар хил муддатлар кўрсатилади. Расмий ҳисобга кўра, Гаутама – Будда милоддан аввалги623 йилда туғилиб, 544 йилда вафот этган. Бироқ кўпчилик тадқиқотчилар у милоддан аввалги564 йилда таваллуд топиб, 483 йилда вафот этган деб ҳисоблайди. Баъзи манбаларда 560 ва 480 саналари ҳам келтириладилар. Айтиш жоизки, юқорида зикр қилинган биографияларда Будданинг ҳақиқий ҳаёти билан унинг ҳақидаги афсоналар ўзаро қоришиб кетган.

Сиддхартха Шакя қабиласининг подшоҳларидан бири –Шуддходананинг ўғли эди. Унинг саройи Ҳимолай тоғлари этагида Капилавасти деган шаҳарда жойлашган (ҳозирги Непал ҳудудида). Онаси – малика Майя. Подшоҳ ўғлини орзу-ҳаваслар оғушида тарбиялаб, уни ҳеч бир камчиликсиз вояга етказади. Сиддхартха улғайиб, қўшни ҳукмдорлардан бирининг қизи – Яшадхарага уйланади ва ўғил кўриб, унга Рахула деб исм қўяди.

Ҳеч бир қийинчилик ва камчилик кўрмай ўсган Сиддхартха бир куни иттифоқо бир кекса чол, бир бемор ҳамда оғир машаққат тортаётган роҳибни учратади, бир кишининг эса вафотига гувоҳ бўлади. Бундан қаттиқ таъсирланган шаҳзода инсониятни қийинчилик ва азобдан қутқариш йўлларини излаш учун саройни тарк этади. Бу вақтда у 30 ёшда эди. У бешта роҳиб билан қишлоқма–қишлоқ кезиб юради. Аммо бир нарсага – бу йўл уни ўз олдига қўйган мақсад, яъни инсониятни азоб-уқубатдан қутқариш сари олиб бормаслигига амин бўлган Сиддхартха роҳиблар жамоасидан ажралади.

Бирмунча вақт чангалзор ўрмонларда кезиб ҳориб чарчагач, бир дарахтнинг тагида дам олиш учун ўтиради, ва ўзича, то ҳақиқатни топмагунча шу ердан турмасликка аҳд қилади.

Бу ўтиришнинг 49 куни унинг қалбидан «Сен ҳақиқатни топдинг» деган садо келади. Шу пайтда унинг кўз ўнгида бутун борлиқ намоён бўлади. У ҳамма жойда шошилиш, қаёққадир интилишни кўради: ҳеч бир жойда осудалик йўқ эди. Ҳаёт ниҳоясиз узоқликни кўзлаб ўтиб кетаётган эди. Инсон ақли етмас бир куч. *Тришна* – яшаш, мавжуд бўлиш умиди барчанинг тинчини бузар, ҳалок қилар ва яна қайта яратар эди. Худди шу онда Будда кимга қарши курашиш кераклигини англаб етади. Шу-шу, у Будда – *нурланган,* у тагида ўтирган дарахт эса – нурланган дарахт (*ботха*) деб атала бошлайди.

Будда ўзининг биринчи даъватини Варанаси яқинидаги Ришипатана боғида ўзининг беш роҳиб дўстларига қилади ва улар Будданинг биринчи шогирдлари бўлади.

Шу кундан бошлаб Будда ўз шогирдлари билан қишлоқма-қишлоқ юриб, янги-янги издошлар орттиради. Будда 40 йил мобайнида Ҳиндистоннинг турли жойларида бўлади, одамларга ўз ғояларини етказади, сингдиради ва 80 ёшида Куштнагара деган жойда дунёдан ўтади. Унинг жасади, ҳинд удумига кўра, куйдирилиб, хоки 8 та буддавийлар жамоасига бўлиб юборилади ва ҳар бир жамоа уни дафн этган жойида ибодатхона (*ступа*) барпо этади.

Будданинг ҳаёти ҳақида турли асотирлар пайдо бўлади. Уларда айтилишича, Будда кўп йиллар давомида ер юзидаги турли мавжудотлар қиёфасида қайта туғилган: 84 марта руҳоний, 58 марта шоҳ, 24 марта роҳиб, 13 марта савдогар, 18 марта маймун, 12 марта товук, 8 марта ғоз, 6 марта фил, шунингдек, балиқ, қурбақа, каламуш, қуён қиёфаларида қайта туғилган. Жами 550 марта қайта туғилган. У доимо қаерда, қай қиёфада туғилишини ўзига ўзи белгилаган.

Сўнгги марта инсониятни тўғри йўлга бошлаши учун худолар уни инсон қиёфасида яратган экан. Бу афсоналарнинг баъзиларида ер юзида Гаутамага қадар 6 та будда ўтгани ҳақида ҳикоя қилинади. Шунинг учун буддавийликнинг баъзи муқаддас жойларида 7 та ибодатхона барпо этилган. 7 та Бодха дарахти ўтказилган. Баъзи афсоналар 24 та Будда авлоди ўтган деса, баъзилари минглаб буддалар ўтган деб даъво қилади.

**Таълимоти.** Буддавийлик қадимий ҳинд диний-фалсафий таълимотлари асосида вужудга келган, ўзига хос назарий ва амалий ғоя ва қарашларга йўғрилган диний тизимдир. Будда янги диний қонун-қоидалар, расм-русумлар ишлаб чиқмаган, балки ҳар бир инсон туғилиш ва ўлим машаққатларидан қутулиши учун амал қилиши лозим бўлган

бир неча кўрсатмаларни ишлаб чиққан, холос. Унинг таълимоти инсоннинг хаёлида, ишларида ва ўзини тутишида самимий олийжаноблик ғоясини илгари суради. У ведалардаги гуноҳсизлик таълимотини инкор қилади, ҳайвонларни ваҳшиёна қурбон қилишни қоралайди, *варна* (каста) тизимини ва ундаги руҳонийларнинг бошқалардан устунлигини инкор этади.

Будда «Яратувчи олий куч»нинг борлигига шубҳа ва ишончсизлик билдирган. Унинг фикрича, энг муҳими инсоннинг шахсий камолоти ва эзгу турмуш тарзидир.

Будда таълимотининг асосида «ҳаёт – бу азоб-укубат» ва «нажот йўли мавжуд» деган ғоялар ётади. Буддавийлик таълимотига кўра, инсон ўзига хос мавжудот бўлиб туғилади, ўзини-ўзи ҳалок қилади ёки қутқаради. Бу ғоялар Будданинг илк даъватида таъбир этилган тўрт ҳақиқатда ўз ифодасини топган.

*Биринчи ҳақиқат* – “азоб-укубатнинг мавжудлиги”. Ҳар бир тирик жон уни бошдан кечиради, шунинг учун ҳар қандай дунёвий ҳаёт – қийноқ, азоб-укубатдир.

Туғилиш – қийноқ, касаллик – азоб, ўлим – кулфат, қийинчиликка дуч келиш – машаққат, айрилиқ – эзилиш, орзу-ҳавасга етолмаслик – укубат. Дунё тузилишининг асосий қонуни бир-бирига боғлиқлик. Ҳеч бир нарса бесабаб яралмайди. Лекин ҳар бир ҳодиса ёки ҳаракатнинг бирламчи сабабини аниқлаш мумкин эмас. Шунинг учун буддавийлик дунёни шу ҳолича қабул қилишга чақиради.

Буддавийлик таълимотига кўра, ҳар қандай нарса ёки ҳодиса, у хоҳ моддий, хоҳ маънавий бўлсин, *дҳарма*лардан (элемент) ташкил топган. Улар, ўз хусусиятига кўра, ҳаракатсиз бўлиб, дҳармаларни қўзғатувчи куч инсоннинг хаёллари ва сўзларидир. Объектив ҳақиқат бу доимий равишда ўзгариб турувчи дҳармалар оқимидир. Ҳаракатдаги дҳармалар ўз мавжудлигининг беш шакли – тана, сезги, ҳис-туйғу, ҳаракат, англашни яратади. Мазкур беш шакл инсоннинг мазмун-моҳияти намоён бўлади. Инсон улар ёрдамида яшайди, борлиқ билан алоқада бўлади, яхши ёки ёмон ишларни бажаради. Беш элементнинг ўзаро мавжудлиги инсоннинг ўлими билан барҳам топади. Инсонни ташкил қилувчи беш шакл (*скандх*), ўз навбатида, яна қайта туғилади. Янги тананинг хусусиятлари асос бўлувчи беш натижани беради: фаолият, гумроҳлик, хоҳиш, истак ва меъёр. Бу жараён «Ҳаёт ғилдираги»ни ташкил қилади. «ҳаёт ғилдираги»да доимий равишда айланиб, инсон абадий қийноққа дучор бўлади.

*Иккинчи ҳақиқат* – «қийноқларнинг сабаблари мавжуддир». Инсон моддий нарсалар ёки маънавий қадриятлардан фойдаланиб, уларни ҳақиқий ва доимий деб ҳисоблайди ҳамда доимо уларга эга бўлишга интилади. Бу интилиш ҳаёт давомийлигига олиб боради. Яхши ёки ёмон ниятлардан тузилган ҳаёт дарёси орзулар ва интилишлар

сабабли келажак ҳаёт учун *карма* ҳозирлайди. Демак, қайта туғилиш, қайтадан қийноқларга дучор бўлиш давом этади. Аксарият буддавийлар фикрича, Буддадан кейин ҳеч ким *нирвана* ҳолатига эриша олмаган.

*Учинчи ҳақиқат* – «қийноқларни тугатиш мумкин». Яхши ёки ёмон ниятлардан, интилишлардан бутунлай узилиш *нирвана* ҳолатига олиб боради. Бу ҳолатда инсон қайта туғилишдан тўхтайди. Буддавийлар фикрича, *нирвана* ҳолати «ҳаёт ғилдираги»дан ташқарига чиқиш, «мен» деган фикрдан ажралиб, инсоннинг ҳиссий туйғуларининг тўлиқ тугатиш демакдир.

*Тўртинчи ҳақиқат* – «қийноқлардан қутулиш йўли мавжуддир». Бу йўл саккизта нарсага амал қилиш, тўғри тушуниш, тўғри ҳаракат қилиш, тўғри муомалада бўлиш, фикрни тўғри жамлашдир. Бу йўлдан борган инсон Будда йўлини тутади.

Буддавийлик таълимоти, асосан, уч қисмдан иборат: 1) ахлоқ; 2) медитация; 3) донинмандлик.

1. **Ахлоқ нормалари – «Панча шила» (Будданинг беш насиҳати):**
   1) қотилликдан сақланиш;
   2) ўғриликдан сақланиш;
   3) гумроҳликдан сақланиш;
   4) ёлғон, қалбаки нарсалардан сақланиш;
   5) маст қилувчи нарсалардан сақланиш.
2. **Медитация ёки ҳалоскорликнинг 8 йўли.**
   1) тўғри тушуниш (тўғри эътиқод қилиш) – Будданинг биринчи даъватида сўз юритилган тўрт ҳақиқатни билиш ва унга ишониш;
   2) тўғри ният қилиш – дунёвий лаззат-ҳаловатлардан халос бўлишга, кераксиз фикрлар ва бошқаларга зарар етказиб қўйишдан сақланишга интилиш;
   3) ўзини тўғри тутиш – ўзиники бўлмаган нарсага кўз олайтирмаслик, ортиқча ҳиссиётга берилмаслик;
   4) тўғри англаш – ўз танаси ва руҳига ўзини йўқотиб қўймайдиган даражада назоратда бўлиш ҳамда бунда эҳтирослар ва изтиробларга чек қўйиш;
   5) тўғри ҳаракат қилиш – ўзидаги ёмон туйғуларни жиловлаш ҳамда эзгу туйғулар ва ҳаракатларни ривожлантириш;
   6) тўғри ҳаёт кечириш – номаъқул ҳаёт тарзидан сақланиш;
   7) тўғри фикр юритиш – камолотнинг тўрт босқичини кетма–кет босиб ўтиш;
   8) тўғри гапириш – ёлғондан, туҳматдан, ҳақоратдан ва бефойда гаплардан сақланиш.

**3. Донишмандлик** – бу буддавийликнинг асосий мақсади бўлиб, нарсалар табиатини тўғри тушунишдан иборат.

Юқорида кўрсатилган уч амалиёт босқичини ўтаган инсон охир-оқибат олий саодатга, яъни *нирвана* ҳолатига эришади. *Нирвана* сўзининг луғавий маъноси – «ўчиш, сўниш». Унда ҳаётнинг ҳар қандай кўринишига интилиш йўқолади.

**Тарқалиши.** Ушбу таълимотнинг ёйилишида буддавийлар жамоаларининг (*сангха*) роли катта бўлган. Улар йилнинг об-ҳавоси яхши бўлган тўққиз ойида шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб, аҳолини бу динга даъват қилиб юрганлар. Фақатгина *муссон* ёмғирлари тинмай қуйган уч ойдагина ўз ибодатхоналарида медитация билан шуғулланган.

Милоддан аввалги273-232 йилларда ҳукмронлик қилган император Ашока даврида буддавийлик кенг ҳудудларга жадал тарқалади. У буддист монахларга (роҳиблар), уларнинг Ҳиндистон билан чегарадош давлатларга қилган миссионерлик ҳаракатларига хайрихоҳлик билдиради. Буддавийлик миссионерлари ўз эътиқодида маҳкам туриб, юмшоқлик ва келишувчанлик билан ҳаракат қилади.

Буддавийлик жамоалари бегона дин, маданият ва урф-одатлар устун бўлган шароитларда асрлар мобайнида ўзларини сақлаб қолиш, фурсат келганда, уларга ўз таъсирларини ўтказиш қобилиятига эгадирлар. Уларнинг бу хусусиятлари Ҳиндистонда мусулмон ҳукмдорлари даврида, Шри Ланкада португаллар, голландлар ва инглизлар мустамлакаси даврида, Хитой ва Япония конфуцийчилари даврида мазкур ҳудудларга буддавийликнинг ёйилишида яққол намоён бўлади.

Буддавийлик милоднинг I асрида Хитой, IV асрда – Корея, VI асрда – Япония, VII асрда – Тибет, XIII-XVI асрларда – Монголия, XVII-XVIII асрларда – Бурятия ва Тува, XIX-XX асрларда эса Америка ва Европа қитъаларига кириб борган.

Буддавийлик бошқа худоларга сиғинишни тақиқламайди. Будда ибодат қилиш инсонга вақтинча тасалли бериши мумкин, бироқ улар *нирвана* ҳолатига олиб бормайди, деб таълим берган. Шу сабабли буддавийлик таълимоти турли жойларда ёйилиши билан улар ибодат қилиб келган илоҳлар ёки улуғланган шахслар тимсоли ибодатхоналарни эгаллаган.

Масалан, Ҳиндистоннинг буддавийликга мансуб илоҳлари дунёни яратувчи Брахма, чақмоқ ва момақалдироқ худоси Индра, ҳунармандчилар ҳомийси Хатиману, Тибетда қаҳрамон Басер тимсоли, Монголияда Чингизхон каби миллий қаҳрамонлар буддавийликнинг илоҳий тимсолига айланди. Бироқ, улар *нирвана* ҳолатига олиб

бормайди. Фақатгина Будда *нирванага* бошлай олади ва шу йўсинда инсонни азоблардан халос этади.

**Манбалари.** Буддавийлик таълимоти бир қатор китоблар шаклига келтирилган тўпламларда баён қилинган. Улардан энг асосийси – Трипитака (ёки Типитака – «уч сават» маъносини англатади). У уч қисмдан иборат бўлгани учун шундай деб аталган. Бу манбанинг қўлёзма нусхаси Шри Ланкада сақланиб қолган. У милоднинг бошларида китоб шаклига келтирилган. Унда Будда тарғиботининг ҳақиқий баёни ҳисобланган *сутра* матнлари – Сутра–питака, роҳиблик ахлоқи, хонақоҳлар низомларига бағишланган *виная* матнлари – Виная-питака, буддавийликнинг фалсафий ва психологик муаммоларини баён қилиб беришга бағишланган *абхидхарма* матнлари – Абхидхарма-питака ўрин олган. Кейинчалик шаклланган санскрит, хитой, тибет, кхмер ва япон тилларидаги буддавийликка оид адабиётлар анча кенг тарқалган, аммо уларнинг илк буддавийлик тарихи учун аҳамияти озроқ. Будда ҳаётига тегишли ривоятларнинг асосийси Трипитакада жамланган.

**Хитойга кириб келиши.** Буддавийликнинг Махаяна йўналиши Хитойга I асрда кириб келган. III-VI асрларда буддавийлик Хитой ҳудудида кенг тарқалди. Бу вақтда пойтахт яқинидаги Лояна ҳамда Чанани каби шаҳарларда 180 га яқин буддавийлик ибодатхоналари ҳамда диний марказлари фаолият юритган.

Махаянанинг шаклланишида Кушон давлати ҳам муҳим аҳамият касб этган. Айнан Кушон давлатидан, айниқса, Канишканинг тўрт қурултойидан сўнг буддавийликнинг Махаяна йўналиши Марказий Осиё давлат ва шаҳарларига тарқала бошлаган. Буюк Ипак Йўли орқали илк буддавий тарғиботчилар милоддан аввалгиII асрдаёқ Хитойга келган эди. Буддавийликнинг Хитойга кириб келиши ҳақида кейинчалик кўплаб ривоят ва асотирлар пайдо бўлди. Бироқ хитой манбаларида ҳам, диний ривоятларда ҳам Хитойдаги биринчи буддавийлар ҳақида бирор бир аниқ маълумот мавжуд эмас. Илк даврга тааллуқли маълумотлардан бири – император Мин-Дининг туши ҳақидаги ривоят ҳисобланади. Унга кўра, Мин-Ди тушида олтиндан ясалган бир бут кўрган. У Будданинг тимсоли эканини маслаҳатчиси Фуидан сўраб билгач, милоднинг 60-йилларида буддавийлик асосчиси ва унинг таълимоти бўйича диний матнлар келтириш учун Ҳиндистонга элчилар юборган. Шундан сўнг Хитойга Ҳиндистондан бир неча буддавийлик тарғиботчилари келиб, улар учун махсус қурилган «Баймаси»га («Оқ от ибодатхонаси») жойлашган.

Буддавийликнинг хитойлашуви ва тарқалиш жараёнини ўрганиш қийин ва мураккаб илмий масаладир. Чунки буддавийлик Хитой ҳудудида ёйилиши жараёнида

ўзига хос янги шакл касб этган. IV-V асрларда буддавийлик катта муваффақиятга эриша бошлади. Ушбу таълимот ўлканинг жанубий вилоятларига янада кенгроқ ёйилади. IV асрнинг ўрталарига келиб Хитойда аёллар ибодатхоналари, аёл монахлар ва тингловчилар пайдо бўлган. Шу асрнинг охирига бориб, подшоҳлар буддавийлик ибодатхоналарига доимий равишда катта миқдорда хайриялар берадиган бўлган. Бу даврда Шарқий Цзин давлатининг ўзидагина 1786 та *сангха*, 24 минг монах мавжуд бўлган. Хусусан, император Сияоу-Ди 381 йили биринчи бўлиб ўзини *буддавий* деб эълон қилади. У саройида ибодатхона қурдириб, унга монах келтиришни буюради. Ляо сулоласидан бўлган У-Ди ҳокимлиги даврида (502–549) буддавийлик мамлакат жанубида расмий дин сифатида тан олинади.

Буддавийлик милоддан аввалги. биринчи минг йиллик охирларида Марказий Осиёни ўз ичига олган Кушон империясига кириб келади. Бизнинг диёримизда олиб борилган археологик қазилмалар асносида Ўратепа, Далварзинтепа, Қува, Зартепа, Қоровултепа, Айритом мавзеларидан топилган Шакямуни санамлари, ҳайвон ҳайкалчалари, рамзий ғилдираклар ва *кели* қолдиқларидан Кушон империясида буддавийликка катта аҳамият берилганини англаш мумкин.

**Оқимлари. Хинаяна** буддавийликнинг асосий йўналишларидан биридир. Хинаяна «*кичик арава*» маъносини англатиб, у диний йўналиш сифатида милоддан аввалги I асрда шаклланган. Бироқ унинг асосий қоидалари анча аввал, жумладан, Трипитакада баён қилинган.

Хинаяна таълимотига кўра, *дҳарма*лар табиатини ўрганишга ва *нирвана*га маънавий йўл билан эришилади. Бу йўл жуда оғир, шу сабабли монахларгина *нирвана* ҳолатига етиши мумкин. Кейинчалик Хинаянада мураккаб ва дабдабали ибодатлар (масалан, «Будда тишига сиғиниш»), буддавийликнинг муқаддас жойларига оммавий зиёратлар жорий қилинган. Бу йўналиш Шарқий Ҳиндистонда, Шри Ланка, ҳинди-хитой давлатларида тарқалган.

**Махаяна** Хинаяна билан бир қаторда буддавийликдаги иккинчи асосий йўналиш бўлиб, у руҳий камолот аҳдига риоя этувчи, худога илтижо қилувчи роҳибларга инъомлар бериб ёрдам кўрсатувчи ҳар қандай оддий диндор нажот топиши мумкин, деган таълимотга асосланади. Унга кўра, Будда танаси жонзотларни азобдан қутқариш учун турли махлуқотлар шаклига кириши ва ҳаёт занжирининг барча вакиллари уни ўрганиши, англаши мумкин. Бу нарса чексиз Будда *рамз*ларининг, худоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Худоларга ишониш бу йўли барча учун мумкин бўлгани сабабли у «*катта арава*» номини олган.

**Цзинту** йўналиши Хитойда вужудга келган ва кейинчалик Японияга тарқалган. Унга Хуэй-Юань асос солган. V-VII асрларда унинг шогирдлари бу йўналишни ривожлантирганлар. Шунингдек, ушбу йўналиш Хитой буддавийлигида сезиларли мавқега эга бўлган ва расман эътироф этилган.

Хитойшунос олимларнинг таъкидлашича, Цзинту йўналиши даосизм, ҳатто қадимги Хитой «синизм»и таъсирида шаклланган.

**Тяньтай** ёки **Тендай** йўналиши**.** Бу ном шундай деб аталган ибодатхона номи билан боғлиқ. Мазкур йўналишнинг илк ва кўзга кўринган вакилларидан бири монах Чжи-И бўлган. Чжи-И таълимотига кўра, бу дунёдаги ҳамма нарса ҳақиқий эмас, улар фақат бўшлиқдан иборат бўлиб, вақтинчалик мавжуддир. Мана шу асосга биноан у хулоса қиладики, оламдаги барча нарса ёлғиз мазмундадир. Будда ҳатто майда қум заррачаларида ҳам мавжуд бўлиши ва охирида эса ҳар бир инсоннинг ҳаёти Будда ҳаётининг бир қисми бўлиши мумкин.

Ушбу таълимотни Чжань-Жань (711–782) мактабининг 9-патриархи ривожлантириб, шундай хулосага келди: Будда ҳамма жойда, ҳамма нарсада, ҳаттоки жонсиз нарсаларда ҳам мавжуд бўлиб, уларда Будда-табиатнинг бир бўлаги мавжуд.

Тяньтай йўналиши ўз тарафдорлари орасида катта обрўга эга бўлган ва XIV асрга қадар мавжуд бўлган. Хитойда, юқоридагилардан ташқари, кўплаб майда секталар ҳам вужудга келган. Улар орасида мамлакат тарихида муҳим аҳамият касб этган «Чань» ва «Тантризм» йўналишларини алоҳида қайд этиш ўринли.

**Тантризм** Ҳиндистонда биринчи минг йиллик ўрталарида вужудга келиб, кейинчалик Хитойга ҳам тарқалган. Буддавийликнинг ушбу йўналиши VIII асрга келиб жуда тараққий топади. Бунга мазкур йўналишнинг уч машҳур намояндаси Ҳиндистондан келиб фаолият олиб боргани сабаб бўлади. Аммо Тантризм мустақил ҳамда таъсирчан йўналиш сифатида Хитойда узоқ вақт сақланиб қолмади.

**Чань-буддавийлик.** Мазкур йўналишнинг номи санскрит тилидаги «*дхиана*» (*медитация, фикрни жамлаш*) сўзидан келиб чиққан. Ҳиндистонда вужудга келган *дхиана* буддавийлик мактаби тарафдорлари вақти-вақти билан ташқи оламдан узилиб, ҳаётнинг абадий ташвишлардан четланиш ва фикрни бир нуқтага жамлаш таълимотини илгари сурганлар. Бунда, *транс* ҳолатига тушиш орқали ҳақиқатга эришиш *дхиана*нинг олий мақсади ҳисобланади.

*Дхиана* таълимотининг Хитойдаги илк намояндалари Дао-Ань ҳамда Хуэй-Юаньлар бўлган. Улар *дхиана сутралари*ни хитой тилига таржима қилиб, медитацияни амалиётга жорий қилган. Медитация амалиёти энг шуҳрат қозонган даврига Хитойда

бирмунча кечроқ эришилди. Бу ҳол «Чань» сектасининг муваффақиятлари билан боғлиқ. Бироқ шуни айтиш керакки, Чань медитацияси ҳинд *дхиана*сидаги медитациянинг оддий такрори, айнан ривожланган шакли эмас. Олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, мазкур таълимот ҳинд буддавийлигига қарама-қарши таълимот сифатида вужудга келган. Дарҳақиқат, Чань йўналиши Хитой буддавийлигининг бошқа оқимларига қараганда кўпроқ Хитойга хосроқ. Унинг асосий ғояси қуйидагича: киши туманли, хира *нирванага* интилиши зарур эмас, келажак ҳақида қайғуриш қачонлардир Бодхисатва ёки Буддага айланиши учунгина ўзини ҳамма нарсадан маҳрум қилиши бефойда. Инсон айни вақтда, шу онда яшамоғи, ҳаёт бериши мумкин бўлган нарсалардан имкон қадар кўпроқ баҳраманд бўлмоғи лозим.

***Ламаизм*** – буддавийликнинг асосий йўналишларидан бири. У тибет тилида «*лама*» – «энг улуғ» деган маънони англатади. Мазкур диний йўналиш раҳбари шу ном билан – *лама* деб аталади.

Ламаизм Тибетда VII-XIV асрларда тибетликларнинг қадимий дини Бон–По (шаманизмнинг бир тури) унсурларини қабул қилган Махаяна ва Тантризм асосида вужудга келиб, ҳозирги вақтда тибетликларнинг асосий дини ҳисобланади. У бир неча фирқа ва мазҳабларга бўлинади. Ламаизм XVI аср охиридан мўғуллар, XVI аср бошларидан Россия ҳудудида яшовчи бурятлар, тувалиknown ва қалмиқлар орасида ҳам тарқалади. Буддавийликнинг барча ақидаларини қабул қилган ламаизмда инсон фақат *ламалар* ёрдамида нажот топади. *Ламаларсиз нирвана*га етишиш у ёқда турсин, киши бу дунёга қайтиб келишда ҳам ҳеч нарсага эриша олмайди, деб таъкидланади.

Ламаизмнинг анъанавий қонунлашган асоси «Кангъюр» ёки «Канжур» (108 жилдли) ва «Тагъюр» ёки «Танжур» (225 жилдли) номли муқаддас китобларда баён қилинган. Бу динда дабдабали ибодатлар, театрлаштирилган муқаддас томошалар – *мистериялар*, кўпгина маиший расм-русумлар, худоларнинг ғазабини, ёвуз руҳлар зиёнини қайтариш учун қилинадиган хатти-ҳаракатлар, дуо ва афсунлар бор. Ламаизмга кўра, *лама*ларга ва дунёвий ҳокимларга сўзсиз бўйсуниш асосий фазилат саналади. Масалан, бурят ламалари рус подшоҳларини – *аватара*, яъни маъбуда Цаган-Дараэхэнинг ердаги тимсоли деб эълон қилган.

Ламаизм таълимотига кўра, *одам ўлдириш, ўғирлик, ёлғончилик, туҳмат, ғийбат, бекорчи сўзлаш, очкўзлик, кек сақлаш, зино қилиш – ўта «оғир гуноҳ» саналади.* Гуноҳ қилишдан ўзини тийиш инсоннинг *туғилишига* яхши имконият яратади.

Ламаизм йўналишининг олий диний раҳнамоси Далай-Лама саналади. У туғилган мавжудотларнинг энг улуғи, *бодхисатва* Авалакитешваранинг ердаги кўриниши, *тирик*

*худо* ҳисобланади. *Далай* – тибет тилида «денгиз» маъносини англатади. Далай–Лама «денгиздек улуғ лама» деганидир. Бу унвон 1391 йилда жорий қилинган. Биринчи Далай-Лама Биндуидуб (1391 – 1475) бўлган. ҳозирги кунда Далай-Лама XIV Лозондантзенжанцо-Игвант ҳисобланади. У 1935 йилда туғилган. Унинг ўлими билан ерда янги Далай-Лама пайдо бўлади. Олий *лама*лардан ташкил қилинган ҳайъат унинг ўлимидан сўнг бир йил мобайнида янги туғилган гўдаклар орасидан янги Далай-Ламани қидириб топади. Шундан сўнг гўдак монастирда тарбияланади. У вояга етгунга қадар унинг вазифасини регент – муваққат вакил бажариб туради.

Ламаизм диний ҳаётининг марказини монастирь ташкил қилади. У ерда Далай-Лама, Ламалар диний уюшмаси, роҳиблар, талабалар фаолият олиб боради.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ



1. Гаутаманинг мўъжизавийлиги ҳақида нималар биласиз?
2. Шаҳзоданинг ҳақни билиши қандай юз беради?
3. Буддавийлик дининиг асл моҳияти нимада?
4. Будда таълимотига кўра, қандай қилиб азоб–уқубатдан қутилиш мумкин? Будда кашф этган «ҳалоскорликнинг ажойиб саккиз йўли» ни таърифланг.
5. «Панча шила» нима?



## АДАБИЁТЛАР


1. Каримов И.А. Тўплам. 17 жилдлик . – Т., Ўзбекистон, 1995-2009.
2. Кочетов А.Н. Буддизм. – М., ИПЛ, 1968.
3. Чудакова Н.В. Я познаю мир. – М., АСТ, 1998.
4. История мировой культуры. – М., КФМЦ, 1997.
5. Интернет хабарлари.


## МУСТАҚИЛ ИШ

“Ҳалоскорликнинг ажойиб саккиз йўли”га менинг муносабатим» мавзусида мустақил иншо ёзинг.

# V БОБ[1]

# ХРИСТИАНЛИК




***Пайдо бўлиши.*** Хрис ари қаторида жаҳонда кенг тарқалган динлардан бири ҳисобланади. Ушбу дин тарафдорларининг миқдори бошқа динларга қараганда энг кўп бўлиб, бу кўрсаткич дунё аҳолисининг деярли учдан бирини (тақрибан 28 фоизи) ташкил этади.

Христианлик, асосан, Европа, Америка, Австралия ҳамда қисман Африка ва Осиё қитъаларида тарқалган.

Христианлик милоднинг бошида Рим империясининг шарқий қисмида жойлашган Фаластин ерларида вужудга келган. Исо Масиҳ (Иисус Христос), Библияда келтирилишича, христианлик таълимотининг асосчиси бўлиб, у Рим империяси ташкил топганининг 747 йили Фаластиннинг Назарет қишлоғида бокира қиз Марямдан Худонинг амри билан дунёга келади. Бу тўғрида Қуръони каримнинг “Марям” сурасида батафсил ҳикоя қилинган. Янги эранинг бошланиши ҳам Исо Масиҳнинг дунёга келиши билан боғлиқ.

Милоднинг бошларида яҳудийлар ҳокимиятнинг уч табақаси билан боғлиқ оғир тушкунликни бошдан кечирар эди. Бир томондан, Рим императори ва унинг жойлардаги ноиблари, иккинчи томондан, Фаластин подшоҳи Ирод Антипа, учинчи томондан эса руҳонийлар халқни турли солиқлар ва мажбуриятлар билан кўмиб ташлаган эди. Худди шу даврда яҳудийлар ўртасида кутилаётган халоскорнинг келиши яқинлашиб қолгани ҳақида хабар тарқатувчилар пайдо бўлади. Улар халқни кутилаётган халоскор келишига тайёрлаш учун чиққан эди. Шунда Исо Масиҳ яҳудийликни ислоҳ қилиш ва уни турли

[1] Ушбу боб Абдуҳаким Орипов билан ҳамкорликда ёзилган.

хурофотлардан тозалаш ғояси билан чиқиб, христиан динига асос солади. Яҳудийлар Исо ва унинг издошларини Фаластиндан қувғин қилади. Исо 33 ёшида фитначиликда айбланиб, қатл этишга ҳукм қилинади.

Исонинг тарихи хусусида диний ва диний бўлмаган манбалар орасида ихтилоф мавжуд: христиан манбаларида Исонинг ўзи худо бўла туриб, инсониятнинг гуноҳларини ўзига олиш учун одам қиёфасида туғилгани, унинг ҳаёт тарзи, инсонлар билан мулоқоти ҳақидаги маълумотлар қайд этилса, диний бўлмаган манбаларда Исо номи учрамаганини назарда тутиб, у тарихий эмас, балки афсонавий шахс деб ҳисобловчилар ҳам бор.

Исо номига қўшиб айтиладиган "Масиҳ" ибораси қадимий яҳудий тили – *иврит*даги *мешиах* сўзидан олинган бўлиб, «силанган» ёки «сийланган» маъноларини беради. Юнон тилида бу сўз «христос» шаклига эга. Бу диннинг «христианлик» ёки «масиҳийлик» деб аталиши ҳам шу сўзлар билан боғлиқ. Бундан ташқари, христианликни Исо Масиҳнинг туғилган қишлоғи – Назарет билан боғлаб, *назрония* деб ҳам атаганлар. Кейинчалик бу ном *насрония* шаклини олган.

Исо Масиҳ ўз таълимотини 12 ўқувчиси – апостоллар – ҳаворийларга ўргатади. Улар Исонинг вафотидан кейин устозининг таълимотини ҳар бири алоҳида-алоҳида тарзда китоб шаклига келтиради. Бу китоблар Инжилнинг «Янги Аҳд» қисмини ташкил этади.

**Христианлик таълимоти.** Манбаларнинг хабар беришича, христианлик яҳудий муҳитида юзага келган. Шу боис христианликнинг шаклланишида яхудийликнинг таъсири салмоқли бўлгани шубҳасиз. Христианликнинг асосий ғояси – Исонинг одамзоднинг халоскори – «мессия» (масиҳ) экани яҳудийликда мавжуд бўлиб, охиратга яқин келиши кутилаётган халоскор ҳақидаги таълимотдан келиб чиққан.

Кейинчалик бу таълимот Худонинг мужассамланиши ёки Исонинг икки хил – одам ва худо моҳияти ҳақида «гуноҳни ювиш», яъни Исонинг ўзини ихтиёрий тарзда қурбон қилиши ҳақидаги таълимот билан мустаҳкамланади. Христианлик Ота-Худо, ўғил-Худо ва Муқаддас Руҳ – Уч юзлик Худо (Trinity) тўғрисидаги таълимотни, жаннат ва дўзах, охират, Исонинг қайтиши ҳақидаги ва бошқа ақидаларни ўз ичига олади.

Христиан жамоасининг шаклланиши, ақидаларининг тартибга солиниши, черков муносабатларининг ишлаб чиқилиши, диний табақалар тизимининг вужудга келиши милоднинг IV аср бошларида, яьни 324 йили христианлик Рим империясида давлат дини деб эълон қилинганидан сўнг амалга оширилади.

325 йили тарихда биринчи марта Рим императори Лициния империя ҳудудидаги христиан жамоаларини ўзаро келиштириш ва тартибга солиш мақсадида Никея шаҳрида I

Бутун Олам Христиан Соборини (ўтказилган 21 собордан биринчиси) чақиради. Бу соборда «эътиқод тимсоли»нинг (Credo) дастлабки таҳрири қабул қилинган, *Пасха*ни байрам қилиш вақти белгиланган, *арийчилик* қораланган (Арий Александрия шаҳридан чиққан руҳоний; 318 йилда ўғил-Худо ва Ота-Худонинг ягона моҳияти ҳақидаги черков таълимотига қарши чиқиб, Исони илоҳий хусусиятлари ва шон-шуҳрати жиҳатидан Ота-Худодан кейин туради, чунки Ота-Худо азалий ва абадий, Исони у яратган деб тарғиб қилган). 20 та канон, жумладан, Александрия, Рим, Антиохия, Қуддус митрополитларининг имтиёзлари тўғрисидаги қоидани ишлаб чиққан. 381 йили Константинополда II Бутун Олам Христиан Собори бўлиб ўтади. Бу соборда Никеяда қабул қилинган «эътиқод тимсоли»га аниқлик киритиш, арийчилар, евномийчилар, фотинианлар, савелианлар каби адашган фирқалар билан курашиш масалалари кўрилган. II Жаҳон собори *троица* (Trinity) ҳақидаги қоидани ишлаб чиққан ва «эътиқод тимсоли»ни қонунлаштирган. Константинополь патриархи Рим патриархи каби барча бошқа епископларга нисбатан имтиёзларга эга деган қоидани киритган. Бу соборда қабул қилинган «эътиқод тимсоли» 12 қисмда ифодаланди:

### ЭЪТИҚОД ТИМСОЛИ

- оламни яратган Худо;
- насронийликда Иисус Христосга имон келтириш;
- илоҳий мужассамлашув, унга кўра, Исонинг туғилиши;
- Исонинг азоб-уқубатлари ва ўлими;
- Исонинг хочга михланиши ва қайта тирилиши;
- Исонинг меърожи;
- Исонинг нузули (иккинчи маротаба ерга қайтиши);
- Муқаддас Руҳга имон келтирмоқ борасида;
- черковга муносабат;
- чўқинтиришнинг гуноҳлардан фориғ қилиши;
- ўлганларнинг оммавий тирилиши;
- абадий ҳаёт ҳақида сўз юритилади.

Христианликнинг бундан кейинги фалсафий ва назарий ривожида авлиё Августиннинг таълимоти катта аҳамият касб этган. V аср бўсағасида у диннинг билимдан афзал эканини

тарғиб қила бошлади. Унинг таълимотига кўра, борлиқ инсон ақли билишга ожизлик қиладиган ҳодисадир, чунки унинг ортида улуғ ва қудратли Яратувчининг иродаси яширинган.

Августиннинг тақдир ҳақидаги таълимотида айтилишича, Худога имон келтирган ҳар бир киши нажот топганлар сафидан ўрин эгаллаши мумкин, чунки имон тақдир тақозосидир.

***Христианликдаги оқимлар.***

Христиан черковининг Католик ва Православ (ортодокс) черковларига ажралиб кетиши Рим папаси ва Истамбул патриархининг христиан оламида етакчилик учун олиб борган рақобати оқибатида вужудга келди. Ажралиш жараёни Рим империясининг ғарбий ва шарқий тафовутлари ўсиб чуқурлашиб бораётган асрлардаёқ бошланган эди. 867 йиллар орасида папа Николай ва Истамбул патриархи Фетий орасида узил-кесил ажралиш рўй берди ва бу ажралиш 1054 йили расман тан олинди.

XVI аср бошларида католицизмдан бир неча Европа черковлари ажралиб чиқиши натижасида христианликда протестантлик ҳаракати вужудга келади, унинг доирасида лютеранлик, баптизм, англиканлик ва кальвинизм черковлари шаклланади. Булар бир черковнинг асосий маросимлари жиҳатидан ўзига хос жиҳатларга эга бўлиши билан бир қаторда, бир неча йўналишлар, мазҳаблар ва оқимларга бўлинади.

***Православ (ортодокс) оқими.*** Православ оқими христианликнинг уч асосий йўналишидан бири ўлароқ, тарихан унинг шарқий шохобчаси сифатида шаклланади. Бу оқим, асосан, Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Болқон мамлакатларида тарқалган. «Православ» атамаси юнонча «ортодоксия» сўзидан олинган бўлиб, илк давр христиан ёзувчилари асарларида учрайди. Православиянинг ёзма манбалари Византияда шаклланади, чунки бу йўналиш у ердаги ҳукмрон дин эди.

Муқаддас китоб бўлмиш Инжил ва муқаддас ўгитлар, IV–VIII асрлардаги етти бутхона соборларининг қарорлари, шунингдек, Афанасий Александрийский, Василий Великий, Григорий Богослов, Иоанн Дамаскин, Иоанн Златоуст каби йирик черков руҳонийларининг асарлари ушбу оқим таълимотининг асоси деб тан олинган.

Христианликнинг шарқий тармоғи бўлмиш православиянинг ривожланиши жараёнида 16 мустақил (автокефал) черков: Константинополь, Александрия, Антиохия, Қуддус, Грузин, Серб, Румин, Болгар, Кипр, Эллада, Албан, Поляк, Чехия, Словакия, Рус ва Америка черковлари вужудга келган. Бу черковлардан энг каттаси Рус православ черкови (РПЧ, бошқа расмий номи Москва патриархати) бўлиб, унга 19 минг черков ва

127 епархия бирлашган. Улардан 150 дан ортиқ черков ва 5 епархия чет элда фаолият олиб боради.

Православ оқимида сирли расм-русумлар муҳим ўрин эгаллайди. Черков таълимотига кўра, бундай пайтларда Худо томонидан диндорларга алоҳида савоблар нозил бўлади.

**Чўқинтириш сирли ҳодисаси** *(таинство)*. Бунда диндор ўз танасини уч марта сувга ботириши, Худо-Отани, ўғилни ва Муқаддас Руҳни чақириши билан руҳан туғилади, покланади.

**Баданга миро суркаш** ҳам сирли бўлиб, бунда диндорга Муқаддас Руҳнинг руҳий ҳаётга қайтарувчи ва чиниқтирувчи эҳсонлари улашилади.

**Покланиш сири**. Унда диндор нон ва вино кўринишида ўз баданида Исо қонини абадий ҳаётга тайёрлайди.

**Надомат сири** шундаки, диндор ўз гуноҳларини дин пешвоси олдида тан олади, дин пешвоси эса унинг гуноҳларини Исо номидан кечиради.

**Руҳонийлик сири** муайян шахсни руҳоний даражасига кўтариш учун епископ қўлини ўша шахс баданига тегизиши (ёки елкасига қўйиши) орқали амалга оширилади.

**Никоҳ сири**. Бунда келин-куёв турмуш қуриш, фарзанд кўриш ва уни тарбиялашга оқ фотиҳа олади.

**Баданни елей билан ишқалаш сирида** Худонинг руҳий ва жисмоний заифликларни тузатувчи лутфу марҳаматидан умид қилинади.

Православ черкови байрамлар ва диний маросимларга алоҳида аҳамият беради. Пасхадан сўнг православ динининг ўн икки кунлик ўн икки муҳим байрами бошланади. Улар:

1. Биби Марямнинг туғилиши (*Рождество Божьей матери*);
2. Исонинг хочини тиклаш (*Воздвижение креста Господня*);
3. Биби Марямнинг ибодатхонага кириши (Введение во храм Пресвятой Богородицы);
4. Исонинг туғилиши (Рождество Христово);
5. Исони чўқинтириш (Крещение Господня);
6. Олқишлаш (Сретение);
7. Хушхабарнинг нозил бўлиши (Благовещание);
8. Исонинг Қуддусга кириши (Вход Господня в Иерусалим) – пасха постидан 6 ҳафта кейинги якшанба;

9. Исонинг қайта тирилиши (Воскресенье Христово) – Пасха, баҳорги кеча ва кундуз тенглиги ва ой тўлишган биринчи якшанба;

10. Исонинг осмонга кўтарилиши (Вознесение Иисуса) – Пасхадан 39 кун кейин;

11. Муқаддас Руҳнинг тушиши (Сошествие Святого духа – Троицин День);

12. Исо қиёфасининг ўзгариши (Преображение) – 6 августда.

Черков йили эски ҳисобга мувофиқ, 1 сентябрдан бошланади. 8 сентябрь куни «Рождество Божьей матери» байрами ўтказилади. 12 сентябрь куни «Воздвижение креста Господня» байрами нишонланади. Бу байрам император Ираклий даврида Исо крестининг форслар тутқунидан қайтариб олиб келинишига бағишланади. 21 ноябрь куни «Введение во храм Пресвятой Богородицы» байрами ўтказилади. Бу байрам уч ёшли Марямнинг биринчи руҳоний томонидан Қадимий Аҳд ибодатхонасига олиб кирилганига бағишланади. Ибодатхонага кириш байрамидан бир ҳафта олдин, яъни 15 ноябрда Рождество пости бошланади. Ва ниҳоят, 20 декабрьда Рождество байрами киради ва 31 январгача давом этади.

Исонинг чўқинтирилиши (Крещение Господня) байрами 6 январда нишонланади. Бу байрам Исонинг Яҳё томонидан чўқинтирилишига бағишланади.

Навбатдаги яна бир йирик байрам Сретение (олқишлаш, кутиб олиш) байрамидир. Бу байрам Исо туғилгач, авлиё Симеон томонидан унинг кутиб олинишига бағишланади.

Буюк байрамлар ичида Пасха биринчи ўринда туради. Пасха – Исонинг ўлганидан сўнг қайта тирилганини нишонлаб ўтказиладиган байрам. Пасханинг тарихи яҳудийликдаги пейсах байрами билан боғлиқ бўлиб, у яҳудийларнинг Мисрдан қочиб чиқиши ва озодликка эришишининг нишонланишидир. Христианлик яҳудийликдан тўлиқ ажралиб чиққач, Пасха янгича тус олган.

Юқорида санаб ўтилган байрамлар олдидан уларга тайёргарлик сифатида турли муддатли постлар (рўза) ўтказилади. Постнинг моҳияти инсон руҳини тозалаш ва янгилаш, диний ҳаётнинг муҳим воқеаларига тайёргарликдан иборат.

Рус Православинининг кўп кунлик постлари (рўзалари) бўлиб, улар тўртта: Пасха олдидан, Пётр ва Павел куни олдидан, Богородица уйқусидан олдин ва Исо туғилган кундан олдин бўладиган постлар. Пасха олдидан бўладиган «Великий пост» 40 кунга чўзилади. Ушбу пост даврида – эски ҳисоб бўйича 25 мартда «Благовещение» байрами ўтказилади. Насронийча рўзадан олти ҳафта ўтгач, якшанба куни христианликнинг ўн иккинчи байрами ёки 8-байрам «Худонинг Қуддусга кириши» нишонланади.



***Библия.*** Библия яҳудийлик ва христианлик динлари таълимотига кўра, Худо томонидан нозил қилинган, асосий диний ақида ва ахлоқ қонунларини ўзида жамлаган муқаддас китоблар мажмуасидир.

У икки қисмдан иборат: «Қадимий Аҳд» (Old Testament) ва «Янги Аҳд» (New Testament).

Яҳудий ва христиан Инжиллари (Bible) бир-бирига мос келмайди. Яҳудийларнинг муқаддас китоби қадимий Исроил ва қадимий яҳудийларнинг диний таълимот ва урф-одатлари асосида милоддан аввалги XIII асрда ёзилган бўлса, христианларнинг китоби милоднинг бошларида вужудга келган. Яҳудийлар христианларнинг китобини муқаддас китоб сифатида тан олмайди. Христианлар эса яҳудийларнинг китобини муқаддас китоб сифатида тан олади.

«Библия» сўзи юнон тилида biblia – "китоб", "ўрам" маъносини англатади. Ҳозирги Библия католик нашрларида 72, протестант нашрларида 66 китобдан иборат. Яҳудийларнинг яна бир диний манбаи Талмуднинг хабар беришича, Қадимий Аҳдда 24 та китоб бўлиши керак. Қадимий яҳудий тарихчиси Иосиф Флавийнинг айтишича, 22 та китоб бўлиши керак. Протестантлар ва яҳудийлар, Тридент Соборидан кейин (1545 – 1563) католиклар ҳам Қадимий Аҳд таркибига 45 та китобни киритади. Бу сон билан юқорида келтирилган сон ўртасидаги тафовутни кейинчалик баъзи китобларнинг бир неча мустақил китобларга бўлиниб кетгани билан изоҳлаш мумкин. Масалан, «Мусонинг беш китоби» аввал бир бутун бўлиб, кейинчалик бешта мустақил китобга, «Кичик пайғамбарлар китоби» 12 китобга ажратиб юборилган.

Христианлар Қадимий Аҳдни «Ривоятлар китоблари», «Таълимотлар китоблари», «Пайғамбар китоблари»га бўлади. Улар Янги Аҳднинг 27 китобини шундай тасниф қилади: «Ривоятлар китоблари»га «Инжил» ва «Ҳаворийлар фаолияти» киради. «Таълимотлар»га «Ҳаворийлар мактублари» киради, «Пайғамбарлар китоблари»га «Ваҳий» китоби киради.

Инжил китоблари бобларга, боблар эса сураларга бўлинади. Унинг ҳозирги қабул қилинган бўлиниши Кентерберия епископи Стефан Лангтон (ваф. 1228 й.) томонидан киритилган. У 1214 йили лотин тилидаги матнни бобларга бўлиб чиқади ва бу нарса кейинчалик яҳудий ва юнон тилларидаги матнларга ҳам жорий қилинади. Суралар аввал Сантес Панино (ваф. 1541 й.), кейинчалик 1555 йилларда Роберт Этьенлар томонидан рақамланган.

***Инжил.*** «Инжил» сўзи юнонча «эвангелион» иборасиидан келиб чиққан бўлиб, “хушхабар” маъносини англатади. Унда одамзодни қутқарувчи ягона Нажоткор ҳисобланмиш Исо Масиҳнинг ер юзига юборилгани ҳақида ҳикоя қилинади.




Инжил милоднинг биринчи асрида ёзилган, 27 бўлимдан иборат. Инжил Исо Масиҳни кўриб, уни яқиндан билган, таълимотини синчиклаб ўрганган муаллифлар томонидан ёзилган. Христианликда бу муаллифлар худонинг руҳидан илҳомланиб, айнан худонинг буюрганини Инжилда ёзиб қолдирганлар деб ҳисобланади. Инжилнинг матни ёзиб тугатилгандан кейин ундан кўп нусха кўчирилиб, дунёнинг ҳар тарафига тарқатилган.

Христианликда Янги Аҳд таркибига кирган Инжил 4 қисмга бўлинади:

Инжилнинг дастлабки 4 китобчаси Исо Масиҳнинг ҳаёти ва таълимотига бағишланган, улар Матто (Матфей), Марко, Луқо, Юҳанно (Иоанн) баён этган Муқаддас хушхабар (Евангелие) деб аталади. Бу 4 китоб муаллифининг ҳар бири Исо Масиҳ шахсияти ва фаолиятининг алоҳида хусусиятларини тасвирлайди, тўртала китоб ҳам Исонинг йўли ва қайта тирилиши билан якунланади. Бу Инжил хушхабарининг марказий нуқтаси ҳисобланади. Бу китобларда одоб-ахлоққа оид фикр дурдоналарини ўқишимиз мумкин. Масалан, авлиё Луқо ваъзларига қулоқ тутамиз:

«Душманларингизни севинглар, сиздан нафратланганга яхшилик қилинглар. Сизга қарғиш ёғдирганга дуолар ўқинг. Сизга озор берганлар учун ибодат қилинглар. Бир чаккангга урганга иккинчисини ҳам тут. Тўнингни олгандан кўйлагингни ҳам аямагил. Сендан сўраган ҳар кимсага бер, сеникини олгандан қайтариб беришни талаб қилма. Одамлар сизларга қандай муомала қилишларини истасангизлар, сиз ҳам уларга шундай муомалада бўлинг... Душманларингизни севинг, яхшилик қилинг, ҳеч нарса тама қилмай қарз беринг. Шунда буюк мукофот олиб, Таолонинг ўғиллари бўласизлар. Чунки унинг ўзи ҳам ношукурлар билан ёмон ниятлиларга нисбатан меҳрибон-ку. Шундай қилиб, Отангиз [худо] раҳмдил бўлгани каби, сизлар ҳам раҳмдил бўлинглар [Луқо, 6:27–36].

Севги ҳақида:

“Севгингиз риёсиз бўлсин. Ёмонликдан нафрат қилиб, яхшиликка чирмашиб олинглар. Бир-бирингизни биродарларча, самимий муҳаббат билан севинглар. Бир-бирингизни иззат-ҳурмат қилишга ўзишгандай ҳаракат қилинглар [Римл. : 12:9-10].

Ҳокимиятга бўйсуниш ҳақида:

“Ҳар бир одам ҳукмрон ҳокимиятга бўйсунсин. Чунки Худо буюрмаган ҳокимият йўқ. Мавжуд ҳокимиятларнинг ҳаммасини ҳам Худо тайин этган. Шунинг учун ҳокимиятга қаршилик кўрсатган Худонинг амрига қарши чиққан бўлади. Қаршилик қилувчилар эса ўз-ўзларини ҳукмга дучор қиладилар. Яхшилик қилганлар эмас, ёмонлик қилганлар бошлиқлардан қўрқишлари керак. Ҳокимиятдан қўрқмасликни истайсанми? Унда яхши иш қилиб юр, шунда бошлиқнинг мақтовига сазовор бўласан. Чунки бошлик сенинг манфаатин учун Худонинг хизматкоридир” [Римл. : 13:1-4].

Тўғрилик ҳақида:

Ёлғонни рад этиб, ҳар бирингиз ўз биродарингиз билан ҳақиқатни гаплашинглар. Чунки биз бир-биримизга тананинг аъзоларидаймиз. Ғазабланиб, гуноҳ қилманглар. ҚУёш ботгунча, ғазабдан қайтинглар. Иблисга фурсат берманглар... Оғзингиздан ҳеч қандай ярамас сўз чиқмасин. Лекин эҳтиёжга кўра, тингловчиларнинг жонига оро кирадиган яхши сўзлар гапиринглар... Ҳар қандай ёмон ният ва гина-кудурат, ҳар қандай қаҳру жаҳл, нолиш ва ғийбатчиликни ўзингиздан соқит қилинглар. Бир-бирингизга кўнгилчан ва меҳр-шафқатли бўлинглар” [Эфесл.4:25-32].

Оилавий муносабатлар:

“Эй фарзандлар, ота-онангизга итоат қилинглар, чунки бу Раббимизга маъқулдир... Ота-онангни ҳурмат қил, токи барака топиб, ер юзида узоқ умр кўргайсан. Сиз, оталар, фарзандларингизнинг жаҳлини чиқарманглар. Уларни Раббимизнинг таълим-тарбияси билан ўстиринглар[Эфесл.6:1-4].

«Азиз ҳаворийларнинг фаолияти» («Деяния святых апостолов») номли китобчада Исо Масиҳнинг алоҳида танлаган шогирдлари – ҳаворийларнинг насронийлик динини тарқатиш йўлида қилган ишлари, нутқлари, қувилишлари, христиан жамоаларининг вужудга келиши ҳақида ҳикоя қилинади.

Павел, Иаков, Петр, Иоанн, Иуда номли ҳаворийларнинг турли мамлакат ва подшоҳларга христианлик динининг ақидаларини баён қилиб йўллаган мактублари ҳам Инжилда жамланган.

«Ваҳий» («Откровение») деб номланган китоб худо томонидан авлиё Иоаннга юборилган башорат ҳисобланади. охирзамонда юз берадиган мусибатлар, Исо Масиҳнинг

дунёга қайтиши, Яъжуж-Маъжуж, Дажжол, қиёмат, жаннат ва жаҳаннам тасвирланади. Унда Арши аъло қуйидагича гавдаланади:

“Осмонда ланг очиқ бир эшикни кўрдим. Илгари мен билан гаплашган карнай садосига ўхшаш ўша овоз яна эшитилди: “Бу ёққа чиқ, бундан кейин нима юз беришини сенга кўрсатаман”.

Шу пайт мен Илоҳий Руҳнинг таъсирида қолдим. Бир қарасам, осмонда бир тахт – Арши аъло турар, унда бир Сиймо ўтирар эди. Ўтирган Сиймо олмос ва лаълга ўхшаш ялтироқ эди. Арши аъло атрофида зумраднамо камалак бор эди. Теваракда яна йигирма тўртта тахт турар, бу тахтларда бошларида олтин тож ва оқф кийим кийган йигирма тўрт нафар оқсоқол ўтирар эди. Арши аълодан чақмоқ чақиб, момақалдироқнинг гулдираган овози келарди. Арши аълоолдида Худонинг етти Руҳи бўлган еттита машъал ёниб турварди. Арши аълонинг олд қисмида ойнага ўхшаган, биллурдай денгиз бор эди.

Арши аълонинг ўрта қисми ва атрофларида тўртта жондор турар эди, уларнинг олди ва орқаси кўзлар билан қопланган эди. Биринчи жондор арслонга, иккинчиси бузоққа ўхшар эди, учинчи жондорнинг юзи одамсимон, тўртинчиси эса учаётган бургутга ўхшар эди. Бу тўрт жондорнинг ҳар бирининг олтита қаноти бор эди. Улар ичин-ташин, ҳар тарафлама кўзлар билан қопланган эди. Кечасию кундузи улар тинмай шу сўзларни такрорлайди:

“Азалдан бор бўлган, ҳозир бор,
Келажакда ҳам бор бўлғуси
Сарвари коинот, Тангри Таоло
Муқаддас, муқаддас, муқаддасдир!”

Жондорлар Арши аълода ўтирган, то абад барҳаёт Сиймога иззат-икром ва шукроналар қилиши билан, йигирма тўрт нафар оқсоқол тахтдаги то абад барҳаёт Сиймо олдида ерга ясланиб, сажда қилиб, тожларини тахт олдига ташлаб, шундай дейдилар:

“Ё Раббимиз, ё Худойимиз!
Сен шон-шуҳрат, иззат-икром,
Куч-қудратни эгаллашга лойиқсан.
Зеро сен бутун борлиқни яратдинг,
Ҳамма нарса Сенинг ироданг ила вужудга келди” [Ваҳий, 4:1-11].



**НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Христианлик дини қачон ва қаерда пайдо бўлган?

2. Қайси белгиларига кўра христианлик дунёвий динлар гуруҳига киради?

3. Христианлик динидаги синкретизм ҳодисаси нимада кўринади?

4. Нима учун одамлар сотқинларни Иуда дейди?

5. Христианликнинг асосий ғояси нимада?

6. Христианликнинг ахлоқий моҳиятини қандай таърифлайсиз?

7. Христианлик динининг жаҳон адабиётига таъсири бўлганми?

8. Далилланган эссе, семинар, суҳбатлар ва амалий фаолиятда Инжил қиссаю ҳикматларидан фойдаланинг.



## АДАБИЁТЛАР


1. Жўраев У., Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. –Т., Шарқ, 1998.
2. Васильев Л.С. История религий Востока. –М., Феникс, 1999.
3. Йўлдашхўжаев ҳ. ва б. Диншунослик. –Т., 2000.
4. Инжил. Стокгольм. 1995. (Ўзбек тилида).
5. Радугин А.А. Введение в религиоведение. –М., 1996.


## МУСТАҚИЛ ИШ

«Библия қиссалари» мавзусида эркин иншо ёзинг.

## ОЛТИНЧИ БОБ
## ИСЛОМ



Ислом б [illegible] жаҳоний йирик диндир. У дастлаб Арабистон Ярим Оролида VII аср ўрталарида пайдо бўлган. Ислом динининг асосчиси пайғамбаримиз Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (с.а.в.)дир. Исломгача арабистонда бутбарастлик, кўпхудолик ҳукм сурган. Бу ибтидоий-қабилачилик даврига хос эди. Ислом манбаларида бу давр **жоҳилия** даври деб тилга олинади.

«Жоҳилия» сўзи араб тилида «жоҳиллик», «билимсизлик», «нодонлик»ни англатади. Бу сўз Арабистоннинг исломдан олдинги даврига нисбатан ишлатилади. Чунки бу даврда араблар орасида ал-Васаниййа – кўпхудолик ҳукм суриб, улар яккахудолик эътиқодидан бехабар эди. Бундан ташқари, халқ орасида қизларни тириклайин кўмиш, майхўрлик ва бошқа ахлоқий бузуқликлар кенг ёйилган эди. Ислом дини пайдо бўлганидан кейин бундай жоҳилона одатларга чек қўйилди ва ундан олдинги давр «жоҳилия даври» деб атала бошланди. Баъзи тадқиқотчилар жоҳилия даври юз эллик – икки юз йил давом этган деган фикрни билдиради. Бироқ, ушбу даврнинг қанча муддат давом этганини аниқлаш жуда мушкул.

Муҳаммад (а.с.) 40 ёшга етганларида милоднинг 610 йили Рамазони шариф ойида Ҳирод тоғида ул зотга илк ваҳий келган.

Бу вақтда Макка мушрикларининг мусулмонларга тазйиқи ниҳоят даражада кучайиб кетади. Улар Расулуллоҳни ўлдиришга қарор қилади. Шундан сўнг Пайғамбар а.с. мусулмонларга Ясрибга (Мадина) ҳижрат қилишни буюрдилар. Улар кетидан ўзлари ҳам жўнадилар. Мана шу воқеа ҳижрат дейилиб, ислом тарихи шундан бошланади (622 й.).

Мадина даврида Муҳаммад пайғамбар етакчилигидаги ислом жамоаси яқин давлатлар орасида тузилажак кучли бир давлатнинг вазифаларини бажариб, турли араб қабилаларининг ва бир-биригақарам бўлган қабилалар иттифоқларининг ўзаро душманлигини йўқотишга, улар ўртасида яқин ва узоқ муддатли сулҳ шартномаларини тузишга киришган эди.

«Ислом» сўзи арабчада «Аллоҳга ўзини топшириш», «итоат этиш», «таслим бўлиш», «бўйсуниш» маъносини англатади. Исломнинг асосий манбаси бўлмиш Қуръони карим VII асрда нозил бўлган бўлса–да, ислом таълимотига кўра, бу дин ер юзида инсоният пайдо бўлибдики, бутун башариятга нозил қилинган. Муҳаммад (а.с.) аввалги пайғамбарлар ишини давом эттирган, улар динини қайта тиклаган, қиёмат олдидан юборилган охирги пайғамбар – Набий ва Расул деб тан олинади.

Ислом дунёда кенг тарқалган жаҳон динларидан бири. Осиё қитъасидаги Эрон, Покистон, Афғонистон, Туркия каби давлатлар, Арабистон ярим ороли, Иордания, Сурия, Африка қитъасидаги Марокаш, Жазоир, Тунис, Ливия, Миср Араб Республикаси, Сомали сингари мамлакатлар халқлари, Эфиопия, Судан, Малайзия, Индонезия халқлари, Ливан, Ҳиндистон, Хитой ҳамда Филиппин аҳолисининг маълум бир қисми, Европа қитъасида эса Болқон ярим оролида яшовчи халқларнинг бир бўлаги исломга эътиқод қилади. Ислом Марказий Осиё, Кавказорти ва Шимолий Кавказ, Волгабўйи, ғарбий Сибирь ва бошқа минтақаларда яшовчи аҳолининг муайян қисми онги, дунёқараши, эътиқоди ва ушбу халқлар турмуш тарзига таъсир этиб келмоқда. Ер юзида исломга эътиқод қилувчилар, яъни мусулмонлар қарийб 1,5 миллиардга етади.

XIX аср дастлабки йилларидан ислом дини тарқалган мамлакатлар иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётида катта тарихий ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу ўзгараётган янги шароитларга диний–фалсафий, ҳуқуқий меъёрларнинг XIX аср ярмидан бошланган мослашув фанда «Исломий ислоҳотлар» номини олди. Лекин бу жараён ҳаддан ташқари чўзилиб кетди ва кўпгина зиддиятли ҳолларни келтириб чиқарди. Мисол тариқасида панисламизм ва мусулмон жамоаларининг бошқа конфессиялардан ажратиш ғоясини келтириш мумкин.

XX асрга келиб дунёда ислом омилининг таъсири кучайди. Бу ҳол бир томондан, дунёда бу динга эътиқод қилувчилар сонининг кўпайиб бораётгани, иккинчи томондан, турли расмий ва норасмий исломий ташкилотлар фаолиятининг кучайиши билан изоҳланади. Ушбу жараён XIX аср охирларида ислом оламида фаоллашган диний ислоҳотчилик ҳаракатлари билан боғлиқдир. XX аср охири – XXI аср бошида бу ҳаракатларнинг турли кўринишда давом этишини ислом оламидаги энг йирик давлатлар:

Миср, Саудия Арабистони, Эрон ва Осиёдаги бошқа ислом дини кенг тарқалган мамлакатлардаги ҳолатлар мисолида кўриш мумкин.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Миср Араб Республикаси билан мамлакатимиз орасида дўстона алоқалар янада мустаҳкамланиб бормоқда. Юртимиз дунёга юз тутган бир пайтда бошқа давлатлар қатори Миср Араб Республикаси билан ҳам дипломатик алоқалар ўрнатилди. Тошкентда Миср элчихонаси очилди. 1995 йил 1 сентябри – Ўзбекистон мустақиллигининг 4 йиллик байрами нишонлаган куни Қоҳирада Ўзбекистон элчихонасининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Саудия Арабистони – ислом муқаддас ерларининг ватани бўлиб, мустақил ислом давлатидир. Давлат дини – ислом, мамлакат конституцияси – Аллоҳнинг китоби ва пайғамбар суннасидир. Мамлакатни бошқариш шакли монархия. Унинг негизида «адолат, тенглик ва кенгаш» деган сўзлар ётади. Давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий асосини хусусий мулк, бойлик (сармоя) ва меҳнат ташкил қилади. Давлат хусусий мулкнинг дахлсизлигига кафолат беради, ижтимоий таъминот тизимини қўллаб–қувватлайди ва хайрия ишларига катта эътибор беради.

*Исломнинг асосий шиори* – «Ла илаҳа, иллаллоҳ, Муҳаммадур Расулуллоҳ», яъни Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг расули, элчисидир, деган маънони англатади. Исломий китобларда айтилишича, Аллоҳ еттинчи осмондаги тахтида, ўзининг пок ва файзли фаришталари қуршовида ўтиради ва оламни бошқаради.

Муҳаммад пайғамбар – буюк диний, ахлоқий ва ижтимоий ислоҳотчи. Инсоният тарихи оддий бир саводсиз чўпон, савдогар тарихан бениҳоя қисқа муддат – 20 йил ичида мисли кўрилмаган буюк маънавий ўзгариш: муайян ҳудудга эга давлат тузган, тил ва адабиётини ҳамда, муҳими, қудратли динни шакллантирган шахсни билмайди (қиёсланг: яҳудийлик 6 аср давомида, насронийлик 300 йил давомида шаклланиб бўлди).

Ислом таълимотига кўра, инсон ўлимидан кейин ҳам унинг руҳи яшашда давом этади. Мусулмонлар қиёмат кунида марҳумларнинг руҳлари тирик одамлар руҳи билан баб–баравар ўз ҳаётлигида амалга оширган ишлари учун жавоб беришига ишонади. Мусулмонлар ҳар бир инсоннинг қисмати у дунёга келишидан олдин белгилаб қўйилганинига ҳам имон келтиради.

Мусулмонлар ўз умри давомида исломнинг беш устуни – ***5 та асосий бурч***ни адо этиши лозим. Булар:

*1. Иймон келтириш.*
*2. Кунда 5 марта намоз ўқиш.*

*3.Рамазон ойида рўза тутиш.*

*4. Йилда бир марта закот бериш.*

*5. Умрида бир марта Макка, Мадина ва Қуддусга ҳаж қилиб, Каабани 7 марта айланиши ва қора тошни ўпиши керак.*

Араблар, илгарилари яҳудийлар ва насронийлар каби кўп ва турли худоларга эътиқод қилиб келган. Муҳаммад Пайғамбар яҳудийлар ва насронийларнинг ягона Худосини якка ёлғиз ва ҳақиқий худо деб эълон қилади. Макка аҳлини кўп худолиликдан воз кечиб, ягона Аллоҳга эътиқод қилишлари учун кўп саъй–ҳаракатлар қилади. Унинг фикрича, халқ ягона худо ва мустаҳкам эътиқодга эга бўлсагина, қудратли ва улуғ бўлади. Араблар дастлаб янги худони тан олмай, унга қаршиликлар кўрсатади. Жангу жадаллар, қабилалар ўртасида нифоқлар бошланади. Муҳаммад с.а.в. шаҳарни тарк этишга мажбур бўлади, аммо маълум вақт ўтгач, катта куч тўплаб, қайтиб келади. Унинг шахсияти ҳамда ваъзларининг оламшумул аҳамияти шунда эдики, у ўзигача маълум бўлган динлардан VII аср бошларидаги айнан Арабистон шароитида жуда зарур бўлган – ягона худо байроғи остида бирлаштиришга муваффақ бўлади. У ўз саҳобалари ва янги мусулмонларни ҳар куни намоз ўқиш, Аллоҳ билан юзлашиш, рўза тутиш, камбағал, ночорларга ёрдам бериш учун закот тўлашга (умумий мол-мулкининг тахминан 2,5 фоизи ҳажмида) чақиради.

Унинг таълимотига кўра, Аллоҳ инсонлар олдида ўз пайғамбарлари орқали юз кўрсатади.

Муҳаммад пайғамбарнинг биринчи саҳобалари ва издошлари ҳам ниҳоятда унга садоқатли эди. Улар қаторида биринчи муслима аёллардан Хадича онамиз, пайғамбарнинг амакиваччаси ва куёви ҳазрат Али, яқин кишилари Абу Бакр, Умар, Зайд ва бошқа сафдошларини айтиш мумкин. Саҳобалар Муҳаммаднинг (с.а.в.) илоҳий қудратига қаттиқ ишонар ва ислом қонунларини мустаҳкамлашда унга кўмак берар эди.

Муҳаммад ўз издошлари билан бирга ислом дини асослари, низомлари, ташкилий шакл-шамойиллари, диний урф-одатлар ва маросимлар бўйича биринчи кўрсатмалар ва қонунлар ишлаб чиқади. Кўп худолилик кучайган бу даврда *ягона, туғмаган ва туғилмаган Аллоҳ*га ибодат қилиш қабиладошлари орасида кескин зиддиятларни келтириб чиқаргани бугун барчага аён. Шунга қарамасдан, Расулаллоҳ с.а.в. ислом аҳкомлари ва мусулмонларнинг бурчларини барқарорлаштиришга қатъий бел боғлайди. Ривоятларга кўра, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо с.а.в., Аллоҳ таоло даргоҳида муножот қилиб сўрайдиларким, бор худоё, сен Искандарга доно файласуфлар – Арасту, Афлотун, Суқрот, Буқрот ва бошқаларни ато қилдинг, улар унинг таълимоти ривожига ёрдам бердилар. У доно ҳакимларнинг таълимотидан фойдаланиб жаҳонгир бўлди. Менга ҳам шундай файласуфлар бергинким, ислом динимиз таълимотини ривожлантириб, умматларимизга

етказсин. Шунда Аллоҳ таолодан башорат бўлади. У деди: «Каъбанинг томига қаранглар гўдак турур, ул бола шоҳ Нуширавон авлодидандир. Сиз оғзингизда чайнаётган хурмо данагини шу болага беринг, у ҳам чайнаб шимисин». Шунда қарасалар Каъбатулло томида бир ёш гўдак турар эди. Болани пастга тушириб, ўша пайғамбар оғизидан чиқариб берган хурмони унга тутқазади.

Бу бола бўлғуси Имоми Аъзам эди. Улғайгач, у бутун умрини тоату ибодатда ўтказган, дини ислом шариатининг аҳкомини асослаб берган буюм ислом уламолари мақомига кўтарилади.

Арабларнинг маданий анъаналари оилавий ҳаёт меъёрларига таъсирини ўтказмай қолмади Бу ҳол қўшхотинлилик (кўп хотинлилик), аёлларнинг тобелиги, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги сустлигининг қонунлаштирилиши, озиқ-овқатлар ва ичимликлар ичишда, масалан, чўчқа гўшти емаслик, вино ичмасликнинг тақиқланишида намоён бўлади.

Муҳаммад пайғамбар VII асрда араблар энг кўп эҳтиёж сезган нарсани рўёбга чиқарди: у тарқоқ халқни бирлаштирди, уларнинг жипслигини мустаҳкамловчи ягона, яхлит, қудратли таълимот яратди. Пайғамбарнинг вафотидан кейин барча араб қабилалари исломни қабул қилади, кейинчалик у бутун Шарқ мамлакатларига, жумладан, Ўрта Осиёга ва Ғарбга, жумладан, Испаниягача тарқалади.



**Қуръони карим** – ислом динининг қалби. 114 боб – сурадан иборат. Қуръон «Фотиҳа» (очғич) сураси билан бошланиб, «Ан-Нос» (одамлар) сураси билан тугайди. Суралар оятлардан ташкил топган. «Оят» сўзи «аломат», «белги», «муқаддас калом» маъноларини англатади. Энг катта сура – «Бақара» (сигир) сураси 286 оятдан иборат. «Уммул-Китоб»нинг тўртдан бир қисми турли пайғамбарларнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Уларнинг деярли барчаси Инжилда қайд этилган: Мусо (Моисей), Нух (Ной), Иброҳим (Авраам), Исҳоқ (Исаак), Ёқуб (Иаков), Юсуф (Иосиф), Айюб (Иов), Довуд (Давид), Сулаймон (Соломон), Илёс (Илья), Исо (Иисус), Биби Марям (Мария).

Бошқа динлардаги (насронийлик, зардуштийлик) қиёмат куни, ҳур қизларга тўла жаннат ҳақидаги тасаввурлар, дўзах, шайтон, жинлар ва бошқалар тўғрисидаги бир қанча тасвирлар ислом ва унинг муқаддас китобида акс этган. Қуръон биринчи марта халифа Усмон томонидан китоб қилинган

Муқаддас китобда ислом таълимотига оид асосий мавзулар сифатида намоз, закот, садақа, рўза, ҳаж, ота-она ва қариндошларга яхшилик қилиш, оила ва никоҳ, мерос ва бошқа молиявий муносабатлар, адолатли ҳукм чиқариш, одоб, ахлоқ, насиҳат, шукроналик ва бошқа жуда кўп масалалар ягона Аллоҳ номидан баён қилинган. Шу жиҳатдан Қуръонни Илоҳий қомус деб аташ лозим.

Исломда Қуръони каримдан кейин Пайғамбаримизнинг сўзлари (ҳадислар), ул зот ҳақидаги ривоят ва хабарлар муҳим манба бўлиб ҳисобланади. Шариат қонунлари, диний рукн ва аҳкомлар шу икки манба асосида ишлаб чиқилган. Ҳадисларни йиғиш, «саҳиҳ»ларини (тўғри) аниқлаб жамлашда юртдошларимиз Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал Бухорий ва Имом Исо Термизийларнинг хизмати беқиёс бўлган. Бугун бутун ислом дунёси бу улуғ зотларни шарафлаб тилга олади.

Ҳозир Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган *баркамол авлодни шакллантириш* ва тарбиялаш дастурига кўра, ёшларни ақл–заковатли, маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш масаласи устувор аҳамиятга эга масалалардан саналади. Бу дастурни амалга оширишда бошқа жаҳоний динлар қаторида ислом динининг ҳам аҳамияти чексиз. У ўзининг муқаддас китобида инсонларни яхшиликлар қилишга, эзгуликка чорлайди. «Аллоҳга яна бир «илоҳ»ни қўша кўрманг! Акс ҳолда қораланувчи ва маҳрум бўлиб қолурсиз!» [17:22] деб ислом динини пок сақлаш, унга садоқатли бўлишга чиқириб, иккиюзламачилик, эътиқодини ўзгартириш, динини сотиш каби иллатларни қоралайди. Зикр этилган «Ал-Исро» сурасидан инсон ахлоқини тарбиялаш, уни маънавий юксалтиришга қаратилган яна бир неча оятни келтирамиз:

***Раббингиз, Унинг ўзигагина ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй, инсон,) агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга «уф!..» дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!***

***Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода): «Эй, Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, сен ҳам уларга раҳм қилгин»,– деб айт!***

***(Эй, инсонлар,) Раббингиз дилларингиздаги нарсаларингизни (сир) яхши билувчидир. Агар сизлар солиҳ бўлсангизлар, албатта, У тавба қилувчиларни мағфират этувчидир.***

***Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эҳсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақо йўл қўйманг!***

***Чунки исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса Парвардигорига ўта ношукр эди [17:23–27].***

Сир эмас, бугун «ипподромлар» ва «жаҳон» бозорлари сифатсиз моллар билан тўлиб кетган вақтда, *тадбиркорлар* фақат чўнтагини қаппайтирмай, онгига ва қалбига ҳам озиқ берса – муқаддас китобларни ўқиб турса, фойдадан ҳоли бўлмас эди. Қуръони каримда *ҳаридорларни алдамаган савдогарлар дўзах азобларидан халос этилади,* деб бежиз айтилмаган. Ўша тижоратчилар идоралари пештоқига, савдо расталарига қуйидаги илоҳий сўзлар ёзиб қўйилса, уни ўқиган ва амал қилганлар гуноҳдан қутилган бўлар эди.

***Мутаффинун*** сурасидан:

1. *(ўлчов ва тарозидан) уриб қолувчи кимсалар ҳолига вой!*

2. *Улар одамлардан (бирор нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса уриб қоладиган кимсалардир.*

3. *Улар қайта тирилувчи эканликларини ўйламайдиларми?*

4. *Улуғ кун (қиёматда) –*

5. *Одамлар (бутун) оламлар Парвардигори ҳузурида тик турадиган (ҳисоб-китоб берадиган) кунда?..*

16. Сўнгра, албатта, улар дўзахда тобланувчидирлар.

Айни мавзу ***«Шуаро»*** сурасида ҳам жуда тушунарли, лўнда ва ифодали баён этилган.

***Ўлчовни тўла ўлчанглар ва (одамларга) зиён етказувчилардан бўлманглар!***

***Шунингдек, тўғри тарози билан тортинглар!***

***Одамларга нарсаларни камайтириб берманглар ва ер юзида бузғунчилик тарқатиб юрманглар*** [26:181-183].

Шу соҳада Аллоҳдан қўрқадиган, диёнатли инсонлар тарихда кўп бўлган. Чунончи, ҳанафия мазҳабининг асосчиси Имом Аъзамни олайлик.

Имом Аъзам (702-772) – ислом оламидаги уламолар ичида Буюк Имом унвонига сазовор бўлган улуғ муҳаддис. У савдо-сотиқ ишлари билан ҳам шуғулланган. Бир куни у узоқ сафарга карвон ҳозирлайди. Туяларга энг сифатли ва ўртача – икки турдаги газлама юклайди ва одамларига уларни сифатига қараб, икки хил нархда сотишни буюради. Савдогарлар молларни яхши нарҳда – 30 минг кумуш тангага пуллаб, хурсанд ҳолда хўжайинининг олдига қайтиб келади. Имомнинг «Моллар сифатига яраша икки хил нархда сотилдими?» деган сўроғига савдогарлар газлама баланд нархда сотилгани ва бундан харидорлар рози бўлганини айтади. Одамларининг гапга кирмаганидан ҳафа бўлган имом 32 минг танганинг ҳаммасини Аллоҳ номига қурбон қилади ва савдогарларга

қарата шундай дейди: «Аммо бу яхшилик учун мен Аллоҳнинг марҳаматига эришиш ниятим йўқ. Сизлар газламаларни сотишда одамларни алдагансиз. Энди мен сизлар билан ишламайман».

Имомнинг қандай ҳаридор бўлгани ҳам эътиборга лойиқ. Бир куни имом келин сарпо ҳарид қилиш учун бозорга боради. Газламафуруш маҳсулот учун 100 танга сўрайди. Тижорат ишларида кўзи пишган имом Аъзам молнинг баҳоси анча қимматлигини биларди. Шунинг учун у агар мол эгаси газламани қимматроқ, ҳақиқий нархига сотса, ҳарид қилини айтади. Савдогар 200 танга сўрайди. Бу ҳам маҳсулот сифатига лойиқ баҳодан анча кам эди. Имом бозордаги нарх-наво бўйича назорат юритувчи оқсоқолни чақиртиради. У газламанинг ҳақиқий нархи 500 танга эканини айтади. Шундан кейингина имом газламани ҳарид қилиб олади.

Яна бир воқеа. Бир куни имом бозорда ўғирланган қўйларнинг гўшти сотилаётганини эшитиб қолади. Шу куниёқ бир чўпоннинг олдига бориб, «Битта қўй ўртача неча йил яшайди? деб сўраган. «Етти йил», деган жавобни эшитиб, шунча вақт мобайнида қўй гўшти емаган экан.

Ҳозир бутун дунёдаги 1 миллиард 500 миллионга яқин мусулмоннинг 90 фоизи эътиқод қиладиган мазҳаб асосчиси  буюк Имом Нўъмон  ибн Собит Абу Ҳанифа (699-767). Унинг 4000 та шогирди бўлган,улардан 560 нафари машҳур фақиҳ 40 таси мужтаҳид – йирик ислом уламоси даражасига етган.  Имом Аъзам, Кофуций ва Зардуштлар каби, шогирдларига шундай насиҳатлар қиларди. Бу панднома бугунги кунимизда ҳам комил инсонни шакллантиришда катта аҳамият касб этади:

Султоннинг ҳурматини ўрнига қўй.  Унинг мартабасини эъзозла. Унинг ҳузурида ёлғон гапиришдан, ўзи чақирмаса беҳжат олдига ҳар вақт киришдан ўзингни тий. Биринчи навбатда илм ол, ундан кейин ҳалол йўл билан молу давлат орттир. Одамларга беписанд бўлма. Ўзингни ҳам, бошқаларни ҳам ҳурмат қил. Ҳақиқатни айтишда ҳеч кимдан, ҳатто султондан ҳам тортинма. Фақат далилу ҳужжатларга асосланиб сўзла. Мунозара мажлисида қўрқиб гапирма. Чунки бу изоҳлашга ҳалал беради ва тилинг тутилиб қолишига сабабчи бўлади. Кўп хохолаб кулаверма. Зеро, бу қалбни ўлдиради. Сўзлаган вақтингда қичқириб гапирма ва овозингни баланд қилма, ўзингни босиқ тут, кам ҳаракат қил. Ўзингни назорат қил, илминг дунё ва охиратингга фойдали бўлиши учун ўзгаларга ғамхўрлик қил. Молу давлатингга ва мансабингга кўнгил қўяверма. Одамларнинг хатоларига эргашма. Қўшнингда кўрганингни сир сақла. Одамларнинг сирларини фош қилма. Ҳеч қачон бахил бўлма. Таъмагир ҳам, ёлғончи ҳам бўлма. Кийимларнинг доим оппоғини кий. Ҳимматли бўл, ҳимматсиз одам беобрў бўлади. Ақли норасолар билан

гаплашишдан ўзингни сақла. Шунингдек, баҳсу мунозара қилиш одобини билмайдиган ва далилу ҳужжатларни эътироф қилмайдиган ва фақатгина сохта обрў орттиришни мақсад қилиб олган баъзи бир аҳли илмлар билан гаплашиб ўтиришдан ўзингни тий. Одамлар орасида обрў-эътиборга эга бўлганлар ҳузурига кирганингда, ўзлари ўтказишмаса, улардан олдинга ўтма, токи улардан сенга озор етиб қолмасин. Ҳар бир одамнинг ҳурматини ўрнига қўй, аҳли илмни эъзозла, обрўли одамларнинг иззатини жойига қўй, қарияларни қадрла, ёшларга яхши муносабатда бўл, оммага яқинлаш, яхшилар билан юр. Сенга интилганларнинг бирортасидан нафратланма. Бадхулқ кишилардан ўзингни узоқроқ тут, ғаразли мақсад билан ташкил этиладиган зиёфатларгва борма. Одамлардан ҳадя ола кўрма. Кийим-кечакларингни янгилаб тур, хушбўй нарсаларни тез-тез истеъмол қил. Одамларга насиҳат қилишдан олдин, айтмоқчи бўлганларингга ўзинг риоя қил. Кечиримли бўл, эзгуликка даъват қил. Жафо қилганга вафо қил. Сенга ёмонлик қилганнинг гуноҳидан ўт. Биров сенинг тўғрингда ёмон сўзласа, сен унинг тўғрисида яхши сўзла. Кибр-ҳаволи бўлма, уни тарк эт. Ва ҳоказо [Эшбек. “Буюк имом Абу Ҳанифа” китобидан].

Қуръони каримнинг “Алақ” сурасидаги ўқиш ва илмга, ҳамма нарсани билишга даъватни англатувчи “икро”, яъни “ўқи” императив шакли билан бошланади. Сурани Раҳматуллоҳ қори Обидов қуйидагича шарҳлайди:

“Ўқи! Ҳамма нарсани ўқи! Аллоҳнинг китобини ўқи! Аллоҳнинг оятларини ўқи! Табиат китобини ўқи! Башарнинг бутун тарихини ўқи! Илмнинг ҳар саҳифасини ўқи! Ҳар бир ҳақиқатни ўқи! Ҳидоятга эришмоқ учун ўқи! Залолатдан қутилмоқ учун ўқи! Иймонингни мукаммаллаштириш учун ўқи! Ва бунинг учун Аллоҳ номи билан ўқи! Яратган Тангри номи билан ўқи! Ўрганмоқ учун ўқи! Қудрат қалами бу оламга ёзган ҳар бир сатрни ўқи! Инсонга билмаганини ўргатган Тангри номи билан ўқи!”.

Баркамолликка интилаётган авлод учун бундан бошқача даъват бўлиши мумкинми?

Муҳаммад с.а.в.нинг сифатлари ва ахлоқлари ҳақида ёзган олимларнинг фикрини умумлаштирадиган бўлсак, қуйидагиларни айтиш мақсадга мувофиқ:

- Набий с.а.в. одамларнинг энг гўзали, энг ҳалими, энг шижоатлиси, энг адолатлиси ва энг иффатлиси бўлганлар. Унинг қўллари номаҳрам аёл зотига тегмаган;
- У зот энг сахий бўлганлар. Чўнтагидаги пуллари ёки уйидаги ортиқча нарсасини эҳтиёжманд одамларга бермагунча ухламаганлар; саҳобалар айтардилар: сахий

Аллоҳга яқиндир, жаннатга яқиндир, одамларга яқиндир ва дўзахдан узоқдир. Бахил Аллоҳдан узоқдир, жаннатдан узоқдир, одамлардан узоқдир ва дўзахга яқиндир;

- У сўралган нарсани берар, унда "йўқ" деган сўзнинг ўзи бўлмаган. Аммо ўзида бўлмаса, муҳтожликда яшаганлар; ривоятларга кўра, Набий с.а.в., фақирликдан қўрқмай, қўйларини сўраган бир ғайридинга бериб юборади; мўъжиза юз бериб, ўша қавм исломни қабул қилади.
- Пойафзалу кийим-бошларини ўзлари ямар, ўчоқ бошида ҳам уй аҳли билан бирга уймаланардилар;
- У киши одамлар ичида энг ҳаёли бўлганликларидан бировнинг юзига тик боқмас эдилар; ҳадисларда баён қилинганидай, юзига парда тўсган мастура қиздан ҳам ҳаёлироқ эдилар;
- Фаришталарнинг ҳам, қулларнинг ҳам, чўриларнинг ҳам, мискинларнинг ҳам даъватларига бир хил муносабатда бўлганлар;
- Ўзларига ва саҳобаларининг зарарига бўлса ҳам, ҳақиқат томонида бўлганлар;
- Ўзлари ва мўминлар бирор нарсага муҳтожлик сезганларида ҳам мушриклардан ёрдам олмаганлар;
- Расулуллоҳ с.а.в. овқат танламаганлар. Фақат ҳалол таомни – борини тановул қилганлар; ҳадисларда айтилишича, ҳеч қачон бирор таомни айбламаганлар.
- Ҳеч қандай маросимлардан қолмас, беморларни (энг чекка жойларда бўлса ҳам) кўргани борар, жанозаларни канда қилмас, душманлари ичида ҳам қўриқчисиз пиёда юрар эдилар;
- Муҳаммад с.а.в. энг тавозели, энг камтар, манмансирашни билмайдиган, энг сокин, оғир-босиқ, энг мантиқли гапирадиган одам эдилар; унинг табиатида қабиҳ сўз айтиш бўлмаган;
- У зот кийим танламас, ўз даврида урф бўлган энг оддий,  аммо покиза кийимда, бошқалардан айрича юрмас эдилар; оёқ кийимини кийса, ўнгидан, ечса – чапидан бошларди; "Кийим кийсангиз ва таҳорат қилсангиз, ўнг томонингиздан бошланг", деганлар.
- Бирор жойга борадиган бўлсалар, уй ходимлари-ми ёки бошқа йўловчиларни-ми уловига мингаштириб оларди ёки пиёда яланг оёқ борарди;
- Хушбўй нарсани яхши кўрар ва бадбўй нарсани ёқтирмас, ёмон кўрар эдилар; унинг "ҳидларидан кўра хушбўйроқ нарсани: анбарни, мискни ҳам ва бошқа нарсани ҳидлаган эмасман", дейди саҳобалардан бири;

- Камбағаллар билан бирга овқатланар ва бирга суҳбатлар қурар эдилар; овқатланишда ва кийинишда ўзларини чўрилар ва қуллардан юқори қўймаганлар;
- Яхши хулқли кишиларни ардоқлар ва уларга яхшиликлар қилар ва улар билан дўст тутинардилар; ”одамларга ҳусни хулқ ила муомала қил”, дердилар;
- Қариндошларини улардан фазилатлироқ одамлардан устун қўймас эдилар;
- Муҳаммад с.а.в. энг покиза одам эдилар. Улар айтардилар: “Албатта Аллоҳ Хушҳолдир, хушҳолликни суядир, Озодадир, озодаликни суядир, Карамлидир, карамни суядир, Сахийдир, сахийликни суядир. Бас, ҳовлиларингизни озода тутинг!”
- Биродарига тасассум билан боқиш,  амру маъруф (яхшиликка ундаш) ва наҳйу мункар (ёмонликдан қайтариш) қилмоқлик, мусофирни йўқлаш, кўзи ожизга бирор нарсани кўрсатиб қўйиш, йўлдан тошни, тиконни ва суякни олиб ташлаш, ўзингнинг пақирингдан биродарингнинг пақирига қуйиб бермоқликни садақа деб билганлар;
- Таниган ва танимаган одамларга таом ва салом берардилар ва буни энг гўзал ва маъноли хулқ ҳисоблардилар; “Аввал салом, кейин калом”, деганлар Муҳаммад с.а.в.

Демак, динлар, жумладан, ислом ҳақиқат сабоғини беради, одамларни яхшиликни англаш ва яхшилик қилишга ундайди. Бу сабоқ нафақат тарихий шахслар ҳаёти мисолида, балки муқаддас китоблар орқали бизга етиб келган. Аллоҳ каломини тушуниш ва унга амал қилишга асосланади. Шунинг учун барчамиз маънавий бой ва баркамол бўлишимиз, Тангри таоло сўзларининг маъносини тўғри уқиб, уларни кундалик ҳаётимиз дастурига айлантиришимиз зарур.

Келинг, ***Бақара*** сурасидаги қуйидаги оятларни ўзимизга сингдиришга уриниб кўрайлик, шояд Аллоҳ қалбимизни эзгулик нури билан тўлғазса!

***148. Хайрли ишларда ўзиб кетингиз.***

***177. Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларга буриб, (ибодат қилишингизнинг ўзи тўла) яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга имон келтирган, ўзи яхши кўрган молдан қариндошларга, етимларга, мискинларга, йўловчига, тиланчи–ларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўкис адо этиб, закотни тўлаб юрадиган киши ва келишилган аҳдларига вафо қилувчилар, шунингдек, оғир–енгил кунларда ва жанг пайтида сабр қилувчилар яхши кишилардир. Айнан ўшалар (имонларида) содиқдирлар ва айнан ўшалар тақводордирлар.***

***195.*** [Эҳсон қилувчи саҳий кишиларнинг Аллоҳга маҳбублиги ҳақида] ***Аллоҳ йўлида (бойликларингиздан) сарфлангиз ва ўз қўлларингиз (бахиллик қилиш) билан***

***ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз! (Барча ишларни) чиройли қилингиз. Албатта, Аллоҳ чиройли (иш) қилувчиларни яхши кўради.***

***261 .Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайдики. У ҳар бир бошоғида юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга янада кўпайтириб (савоб) беради. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдондир.*** Ҳадиси шарифда: *«Бирни берганга юзни бераман, юзни берганга мингни берурман» деган Аллоҳнинг ваъдаси келтирилади.*

***262. Молларини Аллоҳ йўлида сарфлаб, кейинчалик берган нарсалари кетидан миннат ва озор етказмайдиган кишилар учун Парвардигорларидан мукофот бордир. Уларга ҳавф ҳам бўлмас ва улар ташвиш ҳам чекмаслар.***

Биз бу ўринда 114 та суранинг фақат биттасидан бир неча оятни келтирдик, холос. Бошқа динлар ва уларнинг муқаддас китобларини оладиган бўлсак, бундай маърифий ўгитларнинг саноқсиз эканига амин бўламиз.

Биз – бу беш кунлик дунё аҳли – кўпинча ўзимизнинг инсоний бурчимизни унутиб қўямиз. Аллоҳдан бизни ҳафа қилганларга жазо беришини сўраймиз. Шундай ҳолатларда сабр–тоқат қилиб, «***Раъд»*** сурасидаги қуйидаги оятларга эътибор қилайлик:

***22. Парвардигорларининг «юзини» истаб, (турли машаққатларга) сабр қилиб, намозларини тўкис адо этган ва биз ризқ қилиб берган нарсалардан хуфёна ва ошкора эҳсон қтлган ҳамда ёмонликка яхшилик қайтарадиган зотлар – айнан ўшалар учун охират диёри (бордир).***

***23. (У абадий) туриладиган жаннатлар бўлиб, (улар) у жойларга ота–боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётларидан иборат солиҳлар (банда) билан бирга кирурлар. Сўнг уларнинг ҳузурларига ҳар (бир) эшикдан фаришталар кириб (дерлар):***

***24. (Аллоҳ йўлида турли машаққатларга) сабр қилиб ўтганларингиз сабабли (энди бу ерда) сизларга тинчлик бўлгай. Охират диёри нақадар яхши!***

***25. ...Ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган кимсалар ҳам борки, улар учун (Аллоҳдан) лаънат бўлур ва улар учун нохуш диёр (жаҳаннам) бордир.***

Муқаддас китобларимизда донишмандликнинг бундай дурдоналари жуда кўп. Масалан, Қуръони каримнинг янги ўзбекча таржимасида *одоб, ахлоқ, насиҳат* мавзусига оид 250 га яқин оят борлиги фикримиз далилидир. Ота-она ва қариндошларга яхшилик қилиш ҳақида 20 дан ортиқ оятда муқаддас калима келтирилган.

Қуръондаги барча оятлар тўғри тушуниш ва ёдда сақлаш учун осон шаклда баён этилган. Шунинг учун уни рус тилига ўгирган таржимонлар оятларни *шеър* (стих) деб аташади. Америкалик исломшунос Пиксол Қуръони каримни қироат қилишга эътибор

бериб, ёзади: «Бу муқаддас китобни аслида ўқисангиз, унинг бу дунёда йўқ гўзаллигидан бениҳоя ҳузур қиласиз. Бу шундай ғаройиб симфония, мислсиз мусиқаки, у тингловчининг ҳам жазавасини қўзғаб, кўз ёшини селдай оқизади» (Pickthall. The Meaning of the Glorious Koran. –New York: Mentor).

## Оламшумул сабоқлар

Қуйида буюк ислом уламоларининг билим тўғрисидаги фикрларини келтирамиз. Сиз уларнинг мағзини чақиб, асл моҳиятини аниқлаб, талқин қилиб беришга ҳаракат қилинг.

Муҳаммад с.а.в. айтган эканлар:

– Бир олимнинг мажлисида қатнашиш минг ракаат намоз ўқишдан, мингта касални зиёрат қилишдан, мингта жанозада қатнашишдан афзал.

Шунда саҳобалар:

– Қуръон ўқишдан ҳамми, Расулуллоҳ? – деб сўрашибди.

– Қуръоннинг нафи ҳам фақат илм билан–ку! – деган эканлар Муҳаммад алайҳис–салом.

***Муҳаммад Ғаззолий*** (1059–1111)

*«Ихйау улуми-д-динф»*

Расули акрам яна айтган эканлар:

– Эй Абу Зарр, Аллоҳ Китобидан (Қуръон) эрталаб битта оятни ўқиб чиқиш юз ракаат намоздан афзал.

***Ўша ерда***

Афлотун бу хусусда шундай деган экан:

– ҳар ким ҳам инсон бўлавермайди. Инсон – илми ва одоби билан инсондир.

***Маҳмуд Замаҳшарий*** (1074-1144).

*«Рабийъу-л-аброр ва нусусу-л ахбор»*

Жони узилай деб турган Абу Бакр ал–Хоразмийдан:

–Кўнглингиз нима тусайди? – деб сўрасалар:

–Китобларнинг ҳошияларини бир кўриб чиқсам...– деган экан.

***Ўша ерда***

Одамлар 4 тоифага бўлинади:

1. Билишини билади. Булар олимлар. Уларга эргашинг.

2. Билишлари керак бўлган нарсани билмаслигини билади. У ҳозир уйқуда. Уни уйғотиб қўйинг.

3. Билмаслигини билади ва билмайди. Унга етакчи керак. Унга ҳақиқат йўлини кўрсатинг.

4. Билмайди ва билмаслигини ҳам билмайди. У нодон. Ундан нарироқ юрган маъқул.

***Ўша ерда***

Муҳаммад с.а.в. айтибдилар:

– Тунда бир соат илм ўрганиш туни билан тоат–ибодат қилишдан афзалроқдир.

***Абу Муҳаммад ад-Доримий.***

*«Сунан»*

Пайғамбар Довуд алайҳиссалом айтган экан:

– Илм истаган кишига айтинг, қўлига темирдан таёқ олиб, оёғига темирдан кавуш кийиб олсин–да, таёғи синиб, кавуши ейилиб кетгунча илм изласин.

***Ўша ерда***

Пайғамбар (с.а.в.) айтибдилар:

– Бир соат олинган билим жойнамоз устидаги бедорликдан афзал, бир кунда олинган билим эса уч ой тутилган рўзадан яхшироқдир.

***Ўша ерда***

Пайғамбари (с.а.в.) айтган эканлар:

– Илм олиш – Аллоҳ наздида намоз, рўза, ҳаж ва Аллоҳ таоло йўлида қилинган жиҳоддан афзалроқдир.

***Абу Бакр ас-Суютий***

Сулаймон алайҳиссаломга ваҳий келади***:***

– Тила тилагингни, – дебди Аллоҳ (барча пайғамбарларга уларнинг битта илтижосини бажаришга ваъда қилинган).

Шунда Пайғамбар а.с.в.

– Содда қулингга донолик, ақл-идрок берсанг, бандаларинг устидан одил ҳукм чиқарадиган, яхшилик билан ёмонликни фарқлайдиган бўлардим, – дейди.

Парвардигоримиз:

– Майли, сен ўзингга узоқ умр сўрамадинг, душманларинг–нинг жонини сўрамадинг, аммо одил ҳукм чиқариш учун ўзингга донолик сўрадинг. Сен етдинг тилагингга: донолик ҳам сенга, мол–дунё ва подшоҳлик тахти ҳам сенга — хоҳлаганингча ол, дебди.

***Қадимги Аҳд, 3-шоҳлик китоби, 3-боб.***



## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Муҳаммад с.а.в. қачон ва қандай оилада туғилган?
2. Бўлгуси пайғамбарнинг ёшлик йиллари қандай кечган?
3. Қуръон қандай китоб ва у?
4. Ислом таълимотининг асл моҳияти нимада?
5. Буюк Имом ким?
6. Қуръон сураларидаги оятлар ва “Сабоқлар”ни талқин қилинг.



## АДАБИЁТЛАР


1. Каримов И.А. Тўплам. 17 жилдлик. –Т., Ўзбекистон, 1995-2009.
2. Жўраев У., Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. –Т., Шарқ, – 1998.
3. Қуръони карим. Абдулазиз Мансур тарж., 2004.
4. Радугин А.А. Введение в религиоведение. –М., 1996.
5. Эргашев У. Юсуф Ҳамадоний ва Абдухолиқ Ғиждувоний – хожагон тариқати асосчилари. –Т., Адолат, 2003.


## МУСТАҚИЛ ИШ

Қуръони каримнинг қуйидаги оятлари асосида иншо ёзинг:

1) Раббингиз, Унинг ўзигагина ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй, инсон,) агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга «Уф!..» дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт! [17:23].

**Учинчи қисм**

# I БОБ

# ДИНЛАРДАГИ ЭЗГУ ҒОЯЛАР



Давлатнинг динга муносабати ва диний маданият масалалари Президент И.А.Каримов асарлари тўпламининг барча жилдларида жиддий эътибор берилган ҳамда атрофлича таҳлил этилган. Бу диннинг маънавий маданиятнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири эканини билдиради. Дин бошқа соҳалар, бошқа гуманитар фанлар сингари Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилиши, ҳаётга татбиқ этилишида амалий аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари Имом ал-Бухорий таваллуди билан боғлиқ анжуманда мазкур масала хусусида тўхталиб бундай эди: «Биз мусулмон дунёсининг узвий қисмимиз. Тарихимизнинг энг фожиали, энг оғир даврларида ҳам, мустабид тузум чангалида бўлган пайтимизда ҳам, бизни динимиздан айиришга, унга ҳиёнат этишга мажбур қилганларида ҳам халқимиз ҳеч қачон ўз исломий эътиқодидан қайтмаган. Бошига қилич келганида ҳам ота–боболарининг муқаддас дини бўлмиш мусулмончиликка ҳамиша содиқ қолган.

Биз, шиори эзгулик бўлган бутун дунёдаги аҳли ислом қатори динимизни доимо пок ва соф сақлашга интилиб келганмиз. Ва бу йўлдан асло қайтмаймиз. Шунинг учун ҳам динимиздан ҳар хил ғаразли ва нопок мақсадлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз.

Мен илоҳий динимизнинг олижаноб интилишларимизга хизмат қиладиган, хайрли ишларимизда бизга мадад берадиган битмас–туганмас куч-қудрат манбаи бўлиб қолишига ишонаман» [1,7:185].

Шундай қилиб, муқаддас китобларда ҳақ ва ҳақиқат ғоялари батафсил акс этганлигини кўрдик. Уларда одамлар олдига «яхшиликнинг моҳияти нимадан иборат ва қандай қилиб уни амалга ошириш мумкин?» деган савол қўйилади. Динлар ва уларнинг муқаддас манбалари – Авесто, Қадимги Аҳд, Янги Аҳд, Қуръон, Будда ва Конфуций таълимоти билан танишганимизда бу саволларга мукаммал жавоб олиш мумкинлигига амин бўламиз.

Чунончи, *яхшилик қилиш* ғояси минглаб йиллардан буён кун тартибидан тушмайди. Келинг, ушбу масаланинг моҳияти хусусида тўхталайлик.

Маълумки, «яхшилик» тушунчаси анча кенг маънога эга. Агар диний талқинларни назарда тутсак, унда раҳм–шафқат, хайр–саховат, беминнат ёрдам, илм–маърифат тарқатиш, савоб ишлар ва эҳсон қилиш каби эзгу амаллар ифодаланган. Масалан, ***эҳсон*** исломда жуда муҳим категория ҳисобланади. У иймондан кейин иккинчи ўринда турадиган мусулмонлик талаби. Эҳсон фақат хайру садақа эмас. Эҳсонли одам том маънодаги эзгуликка йўғрилган комил инсондир. У карами кенг, ўй-фикри, нияти ҳамиша яхшилик қилишга йўналтирилган ҳиммати баланд, сахий одамдир. “Одамларнинг энг яхшиси тили ва қўли билан бошқаларга зарар етказмайдигани” дейди Пайғамбаримиз. Демак, қўли билан бировга зарар етказиш, тилдан заҳар сочиб, дилларни оғритиш – ёвузлик, бадбахтликдир. Яна бир ҳадисда айтилишича, “Эҳсон қилмоқ, раҳму шафқат ҳар бир мусулмон бурчидир”. Эҳсон – бурч, мусулмонлик бурчи. Алишер Навоий “Маҳбуб ул қулуб” асарида ёзади: “Инсоният боғининг дилписандроқ шажари (дарахти) эҳсондир ва одамийлиқ конининг аржумандроқ (қимматлироқ) гавҳари ҳам эҳсондир” (14 жилд, 77 б.). Навоий ўз фикрини пайғамбар ҳадислари билан қўшиб, яна давом эттиради: “Ал инсону убайдул эҳсон анга дол ва ҳалли жазо ал эҳсон илал ал эҳсон анга гувоҳи ҳол”. Яъни “Инсон эҳсон бандаси экани бунга далил ва яхшиликнинг мукофоти яхшиликдир” ҳадиси бунга гувоҳ”.

Дарҳақиқат, яхшилик қилган яхшилик кўради. Бировнинг кўнглини кўтариш, қийин руҳий ҳолатдан чиқариш, тўғри йўл кўрсатиш, маънавий мадад бўлиш ҳам эҳсон – яхшиликдир. Ислом динида бу жиҳатлар пухта асослаб берилган. Аммо шу ўринда ҳазрат Навоийнинг мана бу муҳим фикрини ҳам келтириш жоиздир: “Жамиъ мазоҳибу милал аҳли қошида собитдурким, яхшилиқ жазоси йўқтур ба жуз яхшилиқ ва нубуввати лисон мўъжаз баёниға даги ишорат ўтубдурким аҳсин камо аҳсана Аллоҳу илайка” (Барча дину мазҳаб аҳли ва миллатлар наздида яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир, дейилган ва тили мўъжизалар сўзловчи Муҳаммад с.а.в. пайғамбаримиз ҳам “Аллоҳ сенга қандай яхшилик қилса, сен ҳам бошқаларга шундай яхшилик қилгин” деб айтибдирлар).

Бу ўринда Алишер Навоий нафақат исломда, балки барча динларда, миллату элатларда яхшилик улуғланганини таъкидлайди. Дарҳақиқат, хоҳ буддавийлик ёки ҳиндуизм бўлсин, хоҳ насронийлик ёки ислом ёҳуд яҳудийлик бўлсин, инсонлар жамиятида бир-биригаёрдам, яхши, савоб ишлар билан ном қозонишга даъват этилади, нохуш, ёмон ишлар, ёвузлик қораланади. Бировнинг молига кўз олайтирма, ўлдирма, ўғирлик қилма, зино қилма, ёлғон сўзлама, омонатга хиёнат қилма, ноҳақ қон тўкма, ёлғон гувоҳлик берма, яқинларингнинг (бу ерда нафақат оила аъзолари ва қариндош-уруғлар, балки Аллоҳнинг Одам алайхис-саломдан яратган барча умматлари, бутун инсоният назарда тутилади) дилини оғритма каби даъватлар Таврот, Инжил, Қуръоннинг асосий устувор ғояларидир.

Бу муқаддас китобларда покизалик, ҳақгўйлик, саховат улуғланади. Ҳазрат Навоий ҳам эҳсон кўнгли пок, нияти бутун одамда бўлади, деб қайта–қайта уқтиради.

Демак, “дин – бу ахлоқдир” деган ҳадиснинг маъноси ғоят кенг ва чуқур эканини англатади. Ахлоқан етук, фозил бўлмаган одам муҳсин – эҳсонли бўлиши қийин. Эҳсон, биринчи галда, қалб амри, фитратий хислат. Киши Аллоҳ ишқида собит бўлса, қалби эҳсонга, эзгуликка мойил бўлади. Хожа Аҳрор Валини биров мажбур қилгани йўқ, аммо ул зот умр бўйи одамлар хизматида бўлди, шоҳу гадо, дарвешу деҳқонга бирдек хизмат қилди. “Рашоҳат” китобида ул киши тилидан бундай дейилади:

“Зикр ва муроқаба шундай вақтда бўлсинким, бирор мусулмонға хизмат қилиб, роҳат етказиш вақти бўлмаса. Ва кўнгулларга роҳат бағишловчи хизмат зикру муроқабадин муқаддамдир. Ва баъзилар гумон қилибдурларким навофил (нафл–қўшимча намоз) ибодатға ишгтиғол этмак хизматдин авлотурур, аммо хизматнинг самараси муҳаббат ва кўнгилларда тамкиндурур... Кўнгиллар эҳсон этувчи кишининг муҳаббатиға ва они дўст тутмоқға мажбуртурур”. (“Рашоҳат”, 2003 й. 310–311 б.).

Яъни бировга хизмат қилиб, ҳожатини чиқариш, хурсанд қилиш қўшимча ибодат ва сўфиёна муроқабадан (тафаккур берилиш) афзал, чунки бунда одамларнинг муҳаббати қозонилади, яхшилик кўрган одам бошқаларга яхшиликлар қилади ва натижада, одамлар орасида меҳр-муҳаббат ортади, иноқ-иттифоқлик кучаяди. Бу эса Аллоҳ наздида, энг улуғ савоб ишлардан ҳисобланади.

Қуръони каримнинг «Бақара» сурасида шундай муқаддас оятлар бор:

148. Бас, хайрли ишларда ўзиб кетингиз!

177. Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларга буриб (ибодат қилишингизнинг ўзи тўла) яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга,

китобларга, пайғамбарларга имон келтирган, ўзи яхши кўрган молидан қариндошларига, етимларга, мискинларга, йўловчига, тиланчиларга... берадиганлар яхши кишилардир.

195. Аллоқ йўлида (бойликларингиздан) сарфлангиз ва ўз қўлларингиз (бахиллик қилиш) билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз! (Барча ишларни) чиройли қилингиз. Албатта, Аллоҳ чиройли (иш) қилувчиларни яхши кўради.

261. Аллоҳ йўлида молларини эҳсон қилувчилар (савобинин) мисоли гўё бир донга ўхшайдики, у ҳар бир бошоғидан юзтадан дони бўлган еттита бошоқни ундириб чиқаради. Аллоҳ хоҳлаган кишиларга янада кўпайтириб (савоб) беради. Аллоҳ (карами) кенг ва билимдондир.

262. Молларини Аллоҳ йўлида сарфлаб, берган нарсалари кетидан миннат ва озор етказмайдиган кишилар учун парварди–гордан мукофот бордир. Уларга хавф ҳам бўлмас ва улар ташвиш ҳам чекмаслар.

272. ...Неки қилган хайр-эҳсонларингиз бўлса, у ўзингиз учундир. Фақат Аллоҳнинг «юзи» учунгина эҳсон қилгайсиз. Қилган ҳар бир хайр-эҳсонларингиз (савоби) сизларга адолатсизлик қилмаган ҳолда мукаммал қайтарилур.

Халқда шундай ҳикмат бор. Одам яхшилик қилса, ўзини кўрсатиб қўйиш, бировлар унинг номини улуғлашлари учун қилмайди. Бу шундай олижаноб ҳиссиётки, у биров томонидан ундирилмайди, тайинланмайди. Илоҳий куч шундай қилиш кераклигини қалбимизга солади, қулоғимизга қуяди, шууримизга сингдиради. Биз беихтиёр эзгуликка қўл урамиз. Ҳожатманд одамнинг оғирини енгил қилиш учун сизда самимий иштиёқ пайдо бўлади. Тўғри, бу хоҳиш унда бирданига юз бермайди. Бирор юмушни бажаришга иштиёқ ўйғотувчи ёки шунга ишонтирувчи туйғуни ҳосил қиладиган шарт-шароит асос бўлган бўлиши мумкин. Эътибор берсангиз, ҳаётингизда рўй берган воқеа-ҳодисалар, учратган кишиларингиз ёки сиз орзу қилган нарсалар тушингизга киради. Худди шунингдек, одам ҳамма нарсага осонгина, дарҳол ишона қолмайди. Ҳозиргина айтиб ўтган асос – бу дидактик адабиёт, буюк файласуфларимизнинг пандномаю ўгитлари, ҳикматлар, ҳадислар, динлар тарихи, ажойиб одамлар ҳаёти – ишонч ҳосил қилувчи замин ҳисобланади. Ана шу асос ёки шарт-шароит дин, одоб-ахлоқ ва ҳуқуқ сингари бизни бошқаради. Тўғри юриш-туриш, яхши-ёмонни ажрата билиш ва ҳоказоларда бу *мумкин* ёки *мумкин эмас* деб эслатиб туради. Кўзи ожиз одам йўлдан ўта олмай турса, биз бировдан «шу кишини ўтказиб қўйсам бўладими?» деб сўраб ўтирмаймиз. Бир бечора садақа сўраб, қўл чўзиб турса, беихтиёр чўнтагингизни кавлай бошлайсиз. Кейин, эвазига ҳеч нарса сўрамайсиз, тама қилиш ҳаёлингизга ҳам келмайди.

Ўзбек халқ мақолида “яхшилик қил: сувга ташла – халқ билар, халқ билмаса, холиқ билар, холиқ билмаса, балиқ билар!”, – дейилган.

Демак, асосий вазифа шундаки, муқаддас ҳикматларни шунчаки, нутқни безаш учун ўқиш ёки улардан фойдаланиш мақсадидагина эмас, балки уларни теран таҳлил қилгач, мазмунини тўғри ифодалаш ва ўзлаштириб олиш зарур. Кейин эса бу ҳикмат дурдоналарини амалда қўллаш, яъни уларни ҳаётий дастуриламалга айлантириб олиш лозим. Баркамол шахсни шакллантиришнинг битта йўли шу.

Буюк сўфий уламоларнинг маънавий мероси, уларнинг доно фикрлари инсонлар қалбини ислом ва эзгулик нури билан тўлдиради. Қуръон, Инжил оятлари, Конфуций ҳикматлари ва Будда дҳармалари, бошқа конфессионал ва бадиий адабиётлардан парчалар маърузалар, суҳбатлар ва амалий машғулотларни қизиқарли ва таъсирчан ўтказишга хизмат қилади.

Аллоҳдан қўрқиш, Ундан қўрққанларни Тангри таоло севиши ҳақида Қуръони каримда юзлаб марта эслатилади ва шу билан У бандаларини гуноҳдан қайтариб туради. Бу илоҳий ҳақиқатни имом Аъзам уч яшарлик чоғидан биларди. Нуъмон ибн Собит болаликдан умрининг охиригача Аллоҳ каломига итоатсизлик қилиш гуноҳи азим эканини жуда яхши англаб олганди. Чунки Қуръони каримда айтилади: «Ер юзида ноҳақлик билан кибрланиб юрувчилар (онги)ни оятларимиз (идроки)дан четлатиб қўяжакмиз. (Улар) ҳар қандай мўъжизани кўрсалар ҳам унга имон келтирмайдилар. Агар тўғри йўлни кўрсалар ҳам уни (ўзларига) йўл қилиб олмайдилар. Мабодо нотўғри йўлни кўриб қолсалар, уни (ўзларига) йўл қилиб оладилар. Бу(нинг сабаби) оятларимизни ёлғонга чиқаришлари ва улардан ғофил бўлганларидир» [10,7:146]. Буни яхши билган имом Аъзам умр бўйи илоҳий каломга содиқ бўлиб ўтди.

Маълумки, инсон қанчалик солиҳ ва эзгу амаллар соҳиби бўлмасин, унинг рақиблари ва ҳасадгўйлари ҳам шунчалик кўп бўлади. Имоми Аъзамнинг ҳам ана шундай тилига зўр берадиган ғийбатчи маҳалладошлари бўлган.

Кунларнинг бирида Улуғ Имомимиз ўз уйлари билан банд кетаётганларида иккита бебош жангари, ҳақоратли сўзлар билан ул зотни калака қила бошлайди. Унинг ўрнида бошқа одам бўлса, бундай қўполлик, ноҳақ таҳқирлардан ғазаби қайнаб, ёмонликка ёмонлик билан жавоб берган бўларди. Лекин Имом уларга эътибор бермайди, ҳеч нарсани эшитмагандек, ўз йўлида давом этаверади. Йигитлар ҳам орқадан қолмай, ҳақорат қилаверади.

Имом ҳазратлари уйларига етгач, хиралик қилаётган жоҳилларга: «Мана, биродарлар, мен уйимга етиб келдим. Агар яна ҳақорат сўзларингиз қолган бўлса,

марҳамат, айта қолинглар, сўкиниб бўлгунларингча кутиб турайин. Майли, ундан кейин уйга кириб кетарман». Мана бу ҳақиқий хушфеъл, беозор мўмин–мусулмоннинг хислати. Агар у «Ҳап сеними?», деб жаҳолат бандаларидан қолишмасликка ҳаракат қилганида, Аллоҳга қарши борган бўларди, чунки Парвардигоримизнинг айтгани бор: «Улар учун дунё ҳаётида азоб бўлур. Охират азоби эса оғирроқдир. Уларни Аллоҳдан (азоби) сақловчи (куч) йўқдир» [10,13:34].

Буюк Имомнинг солиҳлиги шу даражада эди–ки, энг аччиқ бўҳтонларни эшитса ҳам, Аллоҳдан у жоҳил бандаларни кечиришини сўрарди. Ёмонликка яхшилик киларди. Ваҳоланки, бу хусусда ҳам кудратли Аллоҳнинг каромати бор: *«Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ёмонликни) гўзалроқ (муомала) билан даф қилинг! (Шунда) бирдан сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ (қалин) дўстдек бўлиб қолур»* [8, 41:34]. Чунки Аллоҳ кечиримли, доно ва раҳмдилдир.

Имоми Аъзамнинг яхшини ёмондан, оқни қорадан, ростни ёлғондан, ҳақни ноҳақликдан ажрата олмайдиган, жоиз ва ножоиз, инсоф ва диёнатсизликнинг фарқига бормайдиган бир жоҳил қўшниси бўлган. Ўзи жуда ночор, зўрға кун кечирар эди. Шунга қарамай, у ҳаддан ташқари такаббур ва қўрслиги билан машҳур бўлган. Бировни ҳақорат қилиб ҳузур топарди. Ичкиликка берилган. Маст ҳолатда ҳаммага баравар ташланар, қўшнисини ҳам тинч қўймасди. Имом шу даражада диёнатли инсон бўлганки, қўшнисининг бесабаб ўзининг шаънига айтилган сўкиш–ҳақоратларни эшитиб туриб, ғаламисликларини кўриб, билиб, ўзи синаб туриб ҳам Аллоҳдан унинг гуноҳларини кечиришини сўрайди. Ёмонликни яхшилик билан қайтарарди. Чунки у Аллоҳнинг сўзларидан бохабар эди: «Яхшилик билан ёмонлик баробар бўлмас. Сиз (ёмонликни) гўзалроқ (муомала) билан даф қилинг! (Шунда) бирдан сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ (қалин) дўстдек бўлиб қолур» [10,41:34].

Кунларнинг бирида ўша безори  қўшнининг уйидан ҳеч қандай сўкиш ҳам, ҳақорат ҳам, аччиқ пичинг ҳам, одатдаги бақириқ–чақириқ ҳам эшитилмай қолади. Имом ҳавотирланиб, уйдагилардан қўшнидан хабар олишларини сўрайди. Маълум бўлишича, у безорилиги учун зиндонга ташланган экан. Албатта, имом бундан «Аллоҳнинг қаҳрига учради», деб хурсанд бўлгани йўқ, асло. Аксинча, дарҳол амир олдига бориб, зиндондаги жиноятчи унинг қўшниси эканлиги, болажонлиги, турмуши оғирлигини айтиб, кафиллик билдириб, уни озод қилишларини сўрайди. Амир имоми Аъзамни яхши билар ва чуқур ҳурмат қилар эди. Шунинг учун ҳам нафақат безори қўшни, балки шу куни ҳибсга олинган бошқа жиноятчиларни ҳам зиндондан озод қилишга фармон беради. Шундан кейин қўшни эси–хушини йиғиб, имоми Аъзам ҳузурига келади, аввалги турмуш тарзига

пушаймон еб, тавба қилади ва шогирдликка олишни сўрайди. У имоми Аъзамга қўл бериб, муридликка ўтгач, маълум вақтдан кейин машҳур олим даражасига етишади.

Бу шундан далолат берадики, Аллоҳни севиш ва унинг қудратига тан бериш одамнинг мўъжизалар яратишига туртки беради. Муқаддас илоҳий сўз, Аллоҳнинг амри одамларга фақат тўғри йўл кўрсатади.

*Маданият* тушунчаси ижтимоий маданиятшуносликда одамларнинг фаолияти, хулқи ва ҳатти–ҳаракати, ижтимоий ҳодиса ва социал жараён сифатида таърифланади. У мураккаб тузилишга эга бўлиб, таълим–тарбия тизимининг барча кўринишлари: фан, санъат, мифология, халқ оғзаки ижоди, адабиёт, сиёсат, ахлоқ, ҳуқуқ ва динни қамраб олади. Буларнинг ҳаммаси бир-бир и билан узвий боғлиқ бўлган ва маданият деб аталган ноёб ҳодисанинг яхлит тизимини ташкил қилади.

Айтиш жоизки, маданият таснифида дин алоҳида ўрин эгаллайди. У ҳам ўша яхлит маданият тизими сингари ҳар қандай жамиятни инсонпарвар жамиятга айлантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Зеро, энг буюк, оламшумул илмий кашфиёт ҳам, ҳар қандай нодир илмий ютуқ ҳам, агар уларда инсонийлик бўлмаса, агар маданият баркамол инсонни шакллан–тириш ва тарбиялашни ўзининг бирдан бир вазифаси деб ҳисобламаса, мустақил равишда жамиятнинг маданий савиясини белгилай олмайди. Шунинг учун ҳам маданиятнинг асосан инсонпарварлик ғоясини тараннум этиши – бу унинг бош вазифасини ташкил қилади. Шу маънода, *дин* ва *маданият етакчи ўрин тутади, негаки* уларнинг ҳар иккиси ҳам инсонлар ижтимоий ҳамда маънавий фаолиятининг турли қирраларини белгилайди ва бошқариб боради.

Маданият ва дин меҳнат, турмуш соҳаларида ҳамда инсонлараро муносабатларда жамият аъзоларининг феъли, хулқ–атворига муайян даражада таъсир қилади, хулқи ва хатти-ҳаракатидаги салбий хусусиятларга барҳам бериб, гўзал фазилатларини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Одамлардаги димоғдорлик, ўта кетган мағрурлик, манмансираш каби иллатларнинг яхши тарбиядан эмаслиги ҳаммага маълум. Улар, асосан, одамларнинг билими, такаббурлиги, мумтоз маданий қадриятларни менсимасликда намоён бўлади.

Баъзида одамларнинг ўз мавқеи, эгаллаб турган лавозими, маълум бир миллат, ижтимоий гуруҳ, ирққа мансублигидан ўзига ортиқча бино қўйиш ҳолларини сезамиз. «Кеча қандай эдинг, бугун лавозиминг ўзгариб, қандай бўлиб қолдинг, юришларинг ҳам – ғоз юриш», деб баҳо беришади ундайларга. Бу тоифа одамлар босар–тусарини билмай қолади, ортиқча иззатталаб ва шуҳратпараст бўлади. Бундайлар бошқаларни «паст табақа» ёки «таги паст» ҳисоблаб, уларга нафрат билан қарайди. Масалан, Япониядаги *барекамин*

этник гуруҳининг бошқалардан жисмонан ҳеч қандай фарқи йўқ. Аммо юзлаб йиллар олдин феодал урушлар туфайли улар «радди маърака» номини олади, яшаб турган ерларидан қувғин қилинади. Яшаш учун уларга алоҳида ҳудуд ажратилади. Улар ҳақорат ҳисобланган «қора» иш билангина шуғулланар эди. Ҳозир ҳам улар ҳақида «эси паст, фаросатсиз, одамга ўхшаб, одоб-ахлоқ нима эканлигини билмайди, жангари, тажовузкор, махлуқ, озодалик ва тарбия ҳақида тарикча тушунчага эга эмас» деган таъналарни эшитиш мумкин. Ғарбда яҳудийлар 2000 йил давомида шундай камситилиб келинган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида немисларнинг миллатчилик мафкурасига кўра, миллионлаб яҳудийлар концлагерларда йўқ қилинди. Ҳозирги даврда ҳам бутун дунёда бир-бир ини камситувчи этник гуруҳлар анчагина. Буюк Британияда улар – ирландлар, осиёликлар, ғарбий ҳиндистонликлар, итальянлар, юнонлар ва бошқалардан иборат. АҚШда дунёнинг ҳамма бурчагидан келиб қолган иммигрант жамоалари бор. Қонун уларни бирдек ҳимоя қилса ҳам, онда-сонда ўзаро тўқнашувлар бўлиб туради. Қуръонда бундай ҳолатлар тўғрисида шундай дейилади: *«Эй, мўминлар, (сизлардан) бир қавм (бошқа) бир (мўмин) қавмни масхара қилмасин! Эҳтимолки, (масхара қилинган қавм) улардан яхшироқ бўлсалар» [10,49:11].*

Муқаддас китобларнинг қомусийлиги шундаки, уларда юқорида тавсифланган нуқсонлар минглаб йиллар олдин башорат қилинган ва уларни бартараф қилиш йўллари кўрсатилган. Масалан, Қуръони каримнинг «Луқмон» сурасида: *«Одамларга (кибрланиб) юзингни буриштирмагин ва ерда керилиб юрмагин. Чунки Аллоҳ барча кибрли, мақтанчоқ кимсаларни суймас»* [10,31:18]. Ёки мана бу жавоби ичидаги риторик саволга эътибор қилинг: *«Жаҳаннамда мутакаббир кимсалар учун жой йўқми?»* [10,39:60]. Яна бир дурдона: *«Ер юзида кибрланиб юрмагин! Чунки сен (оёқларинг билан) зинҳор ерни теша олмайсан ва узунликда тоғларга ета олмайсан»* [10,17:37].

Аллоҳ каломини тинглаган мутакаббир унга амал қилса, ўзининг марҳамати билан ҳаёт тарзини ўзгартира олади, ҳақиқат ва оқилона йўлни тан олади, хуш ахлоқ инсонга айланади. Манмансираш ва ўзига бино қўйиш диёнатли одамларгагина эмас, Яратганга ҳам ёқмайди.

Каломуллода мутакаббир кишиларнинг жойи жаҳаннам экани очиқ–ойдин ёзилиб қўйилибди. Болалар, ўқувчилар ва талабалар билан суҳбатларда бу ҳикматларнинг маъносини очиб, тафсир қилиб берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Янги педагогик технологияларда кўзда тутилганидек, биз тилга олган ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб оятлар саҳналаштирилиши, ўша воқеа–ҳодисаларни акс эттирувчи расмлар чизиб, мультипликацион клиплар яратиш ҳам мумкин.

Қуръоний, ёки умуман, конфессионал мавзуга боғлиқ суҳбатлар енгил, кўргазмали ва таъсирчан, шу билан бирга, аниқ мақсадга мувофиқ бўлиши учун ажойиб тақдир ва тарихга эга кишилар ҳаётига мурожаат қилиш мумкинлигини қайд этганмиз.

Чунончи, савдо–сотиқда ҳақгўйилиги, инсофлилиги жиҳатидан имом Аъзам тенги йўқ инсон бўлганлар. Парвардигоримиз унга битмас–туганмас бойлик берди ҳамда уни хушахлоқ ва камтар қилиб яратди. У қанчалик бой–бадавлат бўлмасин, ниҳоятда содда, хушмуомала, очиқ кўнгил, замонасининг энг ҳурматли кишиларидан бўлган.

Улуғ имом Аллоҳдан қўрқар эди. У билардики, Аллоҳ ҳар нарсага қодир, бандаларининг қилаётган амалларини кўриб турувчи, азоби шиддатли Зот, У ҳамма нарсани эшитувчи ва билувчи, барча сир–синоатлардан хабардор, билимдон ва ҳикмат соҳиби. Имом бу ҳақиқатни, юқорида айтганимиздек, болалик чоғидаёқ англаб етган. Шу даврдан бошлаб у итоатсизлик ва Аллоҳ ҳикматларига қулоқ солмасликни даҳшатли азоблардан бири деб билган. Мана ана шундай ҳикматлардан бири:

*«Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (У ҳамиша) тирик ва абадий турувчидир. Уни на мудроқ тутар ва на уйқу. Осмонлар ва Ердаги (барча) нарсалар Уникидир. Унинг ҳузурида ҳеч ким (ҳеч кимни) Унинг рухсатисиз шафоат қилмас. (У) улар (одамлардан) олдинги (бўлган) ва кейинги бўладиган нарсани билур. (Одамлар) унинг илмидан фақат (У) истаганича ўзлаштирурлар. Унинг Курсийси осмонлар ва Ердан ҳам кенглик қилур. У иккисининг ҳифзи (тутиб туриши) Уни толиқтирмас. У олий ва буюкдир»*

[10,2:255].

*Оятул-Курсий* - деб номланган бу муқаддас ва машҳур ояти кариманинг фазлу ҳислатлари ҳақида исломшунос олим Абдулазиз Мансур қуйидаги ҳадиси шарифни келтиради: «Кимки ҳар бир фарз намозидан кейин бу оятни ўқиб юрса, жаннатга кириши учун фақат ўлим тўсқинлик қилиб турган бўлади. Тунда ухлашдан олдин ўқиб ётса, Аллоҳ унинг ўзини ва қўшниларини бало-қазодан асрайди. Бу оят ўқилган уйда сеҳр-жоду таъсир этмайди» [10:42].

Ҳаётда баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўладики, одам қанчалик хушфеъл, ҳалол, имонли, юмшоқ кўнгил, хушмуомала бўлмасин, бари бир унинг атрофида жоҳил, ғийбатчи, бахил, ҳасадгўй кишилар ҳам ўралашиб юради. Бу табиий ҳол. Яхшилик бор

жойда ёмонлик ҳам ин қуради. Аллоҳ мана шундай меҳрибон, раҳмдил ва кечиримлилидир.

Барча асосий конфессияларда жаҳолат оғир гуноҳ сифатида қаралади, қасоскорлик эса қаттиқ қораланиб келинган. Матто баён қилган Инжилга мурожаат қилсак, унинг 5-бобида Исо Масиҳнинг ўз шогирдларига берган сабоқларида қуйидаги сўзларни ўқиймиз:



38. «Сизлар: «Кўз эвазига кўз, тиш эвазига тиш!», – эшитгансизлар.

39. Лекин мен сизга айтаман: ёмонга қарши чиқма. Ким сенинг ўнг чакканга урса, унга иккинчисини ҳам ўгир.

40. Ким сен билан даъволашиб, кўйлагингни олмоқчи бўлса, унга тўнингни ҳам бериб юбор!».

43. «Яна: «қардошингни севгин, душманингдан нафратланма», – деб айтилганини эшитгансизлар.

44. Лекин мен сизга айтаман: душманларингни севинглар. [Сизни лаънатлаганларни дуо қилинглар. Сиздан нафратланганларга яхшилик қилинг. Сизнинг номингизга иснод келтирганлар учун,] сизга жабр–зулм ўтказганлар учун ибодат қилинглар».

Келтирилган мисоллар ва ояти каримaлар шундан далолат берадики, Аллоҳнинг кудратини тан олиш, Ундан қўрқиш ва Уни севиш ҳар бир одамнинг мўъжизалар ярата олишига ёрдам беради. Аллоҳнинг каломи, унинг ҳикматлари одамларга доим тўғри йўл кўрсатади.

Кимнинг қалбида ва шуурида Аллоҳ номи ва каломи бўлса, ўша одам кам бўлмайди. Чунки у энг пок, диёнатли мўмин–мусулмонлардандир. Қадимги муқаддас китобларда айтилганидек, унинг фикри–зикри ҳам эзгу, сўзлари ҳам эзгу, амаллари ҳам эзгу бўлади.



## НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Динлардаги умумий эзгу ғоялар деганда нималарни тушунасиз?
2. Исломда эҳсон тушунчаси.
3. Имом Аъзам ҳаёти билан боғлиқ воқеаларни сўзлаб беринг.
4. Ҳадислардаги инсонпарварлик ғояларини тасниф этиб, шарҳланг.



## АДАБИЁТЛАР

1. Қуръони карим. Маъноларнинг таржимаси. Таржимон А.Мансур. ТИУ нашр., 2001.

2. И.Каримов. 12 жилдлик тўплам. 8–жилд. –Т., Ўзбекистон, 2003, 470–504–бетлар.

3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал–Бухорий. Жомиъус саҳиҳ. 4 жилдлик. Қомуслар, Бош таҳририяти, 3–жилд, 190–204–бетлар.

4. Алишер Навоий. “Маҳбуб ул қулуб”, 20 жилдлик. 15–жилд. –Т., Фан, 47–бет.

5. Йўлдошхўжаев А., Рахимжонов Д., Комилов М., Диншунос–лик. Маърузалар матни. –Т., 2000.

6. Мансур А.. Имоми Аъзам – буюк имомимиз. Бишкек, 1998.

## МУСТАҚИЛ ИШ

“Дин – ахлоқдир” мавзуида реферат ёзинг.

# II БОБ[1]

# МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ИСЛОМИЙ ИЛМЛАР РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

[1] Китобнинг бу боби тарих фанлари номзоди, доцент Музаффар Комилов томонидан ёзилган.



Бугунги кунда ўзлигимизни англаш учун ўтмиш маданиятимиз ва санъатимизни, ота-боболаримиз маънавий ўгитларини, уларнинг маданияти, диний дунёқараши, дунёвий тафаккурини билиш зарурати кучаймоқда. Бу эҳтиёжни эса тарихни илмий ўрганиш, англаш орқали қондириш мумкин. Биз ўтмишда яратилган илмий, маънавий-маданий, адабий меросни ҳозирги кунда бемалол ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш, уларни нашр этиш имкониятига эга бўлдик. Ваҳоланки, мустабид тузум даврида “миллий ўзликни англашга бўлган табиий интилиш жоҳилона инкор этилар, Наврўз, Рамазон, Қурбон Ҳайити каби кўплаб муқаддас миллий байрамлар тақиқланган эди. Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд аз-Замахшарий, Хожа Аҳрори Валий, Абдухолиқ Ғиждувоний каби буюк аждодларимизнинг номини халқимиз хотирасидан ўчириб ташлашга ҳаракат қилинар эди”.

Эндиликда эса тарихий асарларни янги шароитда янада чуқуррок ва янгича қарашлар асосида тадқиқ этишга зарурат пайдо бўлди. Ўтмишдаги адабий ва маданий меросни ўрганишда бу асарлар ўша давр маданий муҳитида ва ундан кейин қай даражада тадқиқ этилган, қабул қилинганига ҳам эътибор қаратилмоғи зарур.

Ҳозирги вақтда ўтмишимизни, Ватанимизнинг асл тарихини ёритишга бел боғланган экан, бунда сўзсиз асрлар давомида урф-одат ва қадриятларимизнинг асосини ташкил этиб келган ислом дини тарихи, унинг Мовароуннаҳр диёридаги тутган мавқеи, турли диний–ҳуқуқий мазҳаблар ва улар орасидаги фарқ илмий асосда чуқур ўрганилиши лозим.

Ислом динининг кўплаб ўлкаларга кенг тарқалиши турли халқлар маданиятининг бир-бир и билан қоришуви, уйғунлашувига имкон яратди. Шарқдан Ҳиндистонгача,

Ғарбдан Марокаш, Андалусиягача (Испания), шимолдан Туркистонгача ёйилган ислом минтақасида турли халқлар, яъни форсийлар, юнонлар, ҳиндулар, туркий халқлар билан арабларнинг чатишиб кетиши ва исломий илм бошқа илмлар билан бойиши натижасида янги–янги таълимот ва мактаблар пайдо бўла бошлади.

Бошқа илмлардан бохабар бўлган, мусулмон олимлар мўътабар манба Қуръонга суянган ҳолда бу илмларни талқин қила бошлади. Бу таълимот "ал-'Улум ан-нақлиййа" деб аталди. Айнан шу ўринда яна бир таълимот ҳам вужудга келди ва унга "ʿУлум ан-нақлиййа"га тафсир, ҳадис, фиқҳ, калом ва бошқалар киритилди.

## МУФАССИРЛАР

Ислом дини турли ўлкаларга, хусусан, араб бўлмаган халқларга етиб боргач, Қуръонни тушуниш, уни тўғри талқин қилиш масаласи кўндаланг бўлади. Қуръон оятларидаги носих ва мансух, муфассал ва мужмалий фарқлаш, уларнинг нозил бўлиш сабабларини изоҳлаш талаб қилингани сабабли тафсир илмига эҳтиёж туғилади. Муфассирлар томонидан ривожлантирилган Тафсир илми тараққиётида икки оқим асосий ўрин тутади.

Биринчи оқим вакиллари Пайғамбар (сав) ва ул зотнинг саҳобалари ривоятларига таяниб тафсир қилади. Бундай тафсирлар "Ма'сур" деб номланади. Бу йўналишда тафсир ёзган муфассирлардан асли хуросонлик бўлган Имом Ибн Жарир ат-Табарийнинг (224/838–310/923) "Қуръон тафсирида ифодалар мажмуаси" ("Жомиъ ал-байон фи тафсир ал-Қуръон") номли асарини мисол тариқасида келтириш мумкин. Шунингдек, бу йўналишда тафсирлар ёзиш анъанаси XI-XII асрларга келиб янада ривожланади. Мисол тариқасида Алоуддин ас-Самарқандий томонидан Абу Мансур ал–Мотуридийнинг "Таъвилот ал-Қуръон" асарига "Шарҳ таъвилот ал-Қуръон" деб аталган тафсирини айтиб ўтиш кифоя. Бундан ташқари, ўша даврда яшаб ўтган Абу Ҳафс Умар ан-Насафийнинг "Тафсир ан-Насафий" ("ат-Тайсир фи-т-тафсир") номли асарини ҳам келтириб ўтиш мумкин.

Иккинчи оқим муфассирлари "ра'й" билан тафсир қилувчилардир. Улар тафсир ма'сурга қарама-қарши бўлиб, нақлдан кўра ақлга кўпроқ таянар эди. Бу йўналишда тафсир ёзган муфассирлардан асосан мўътазила мазҳабига вакилларидан Абу Бакр Асамм (ваф. 240/855 й.), Абу Муслим Муҳаммад Исфаҳоний (ваф. 322/934 й.) ва абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий (467–538/1075–1144) каби муфассирларни тилга олиш мумкин.

Юқорида Қуръонга тафсир ёзган муфассирларнинг қайси шаклда тафсир қилганлари ҳамда уларнинг ақидалари тўғрисида қисқача намуна сифатида баён қилиб

ўтилди. Умуман олганда юқоридаги икки оқимдан ташқари "ўн иккилик" мазҳаби, зайдиййалар, хаворижлар, файласуфлар ва суфийлар таълимотига оид хилма-хил тафсирлар ёзилган.

Мамлакатимиз мустақил бўлганидан сўнг ўзбек тилига давлат мақоми берилди. Давлат иш қоғозлари, кўплаб дарслик ва қўлланмалар ўзбек тилида ёзила бошланди. Шу қатори Қуръони каримни ҳам ўзбек тилига таржима қилишга киришилди.

Мовароуннахр Диний бошқармаси вакиллари Қуръон ўзбек тилида нашр этишда бир қанча таржималар билан танишиб чиқиб, Алоуддин Мансур таржимасини мувофиқ топдилар. Шунингдек, "Звезда Востока" журнали Қуръон матнларини академик Ю.Крачковский таржимасида, марҳум фалсафа фанлари доктори, профессор, исломшунос олим М.Усмоновнинг тузатиши ва қисқа шарҳи билан "Адабиётнинг қадимги мероси" – "Древний памятник литературы" туркуми остида 1990 йилдан бошлаб бериб борди. 1992 йилда Қуръон ўзбек тилига таржима қилинди ва "Чўлпон" нашриётида кўп нусхада чоп этилди.

Қуръонга ўзбек тилида тафсир ёзиш ишлари шу билан тўхтаб қолмади. 2001 йилда илк бор, 2004 йилда эса қайта ишланган ҳолда таниқли олим Абдулазиз Мансур томонидан Қуръони карим маъноларининг изоҳли таржимаси тайёрланди. Исломнинг илк давридан то шу кунга қадар Қуръони каримга турли тилларда, ҳар хил йўналишларда (ақида, фиқҳ, тасаввуф, тарих, грамматика ва ҳ.к.) минглаб тафсирлар битилган. Бироқ, ушбу тафсирлар Қуръоннинг мазмунини тўлиқ қамраб олмаган. Бинобарин, вақт ўтиши билан Қуръоннинг янгидан–янги маънолари кашф этила боради. Шунинг баробарида янги–янги тафсирларнинг пайдо бўлиши ҳам табиийдир.

## ҲАДИС ОЛИМЛАРИ




Ҳадис – Муҳаммад алайҳис саломнинг айтган сўзлари, қилган ишлари тақрирлари (кўриб қайтармаган ишлари) ёки у кишига берилган сифатларни ўзида мужассам қилган хабар ва ривоятлардир. "Ҳадис" сўзининг луғавий маъноси – "сўз", "хабар", "ҳикоя", "янги", истилоҳда эса у "ал–ҳадис ан–набавий", яъни, "Пайғамбар сўзлари" дея талқин этилади.

Ҳадис кўпинча "сунна" сўзи билан ҳам ёнма–ён келади. "Сунна" сўзининг луғавий маъноси – "одат",

“тариқат” – “йўл” бўлиб, Исломдаги истилоҳда Пайғамбар одатлари, тутган йўллари, тақрир (кўриб қайтармаган) ва буюрган ишларига нисбатан ишлатилади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки,  ҳадисларнинг замирида сунна ётади. Ислом таълимотида эътиқод мезонларини белгилаш ва фиқҳий масалаларни ҳал этишда Қуръондан кейин суннага асосланилади.

Тафсир илми билан бир қаторда ҳадис илмида муснадлар ёзила бошлади. Исломда дастлаб фақатгина оятлар ёзма ҳолида сақлаб келинган бўлса, кейинчалик турли сохта ҳадислар ҳам мусулмонлар орасига сингиб кетди. Бу эса олимлар олдига катта масъулиятли вазифани, яъни тўқима ва “саҳиҳ” (ишончли) ҳадисларни ажратиб бериш вазифасини қўйди. Улар “Сиҳоҳ”, “Ҳасан”, “Зу’оф” каби уч қисмга бўлиб ўрганила бошланди. “Сиҳоҳ ас–ситта” (олти ишончли тўплам) номли ҳадислар мажмуаси пайдо бўлди. Уларнинг мусаннифлари:

“Саҳиҳ ал–Бухорий” (“ал-Жоми‘ ас-саҳиҳ”) номли асар муаллифи имом Абу ‘Абд Аллоҳ Муҳаммад ибн Имсо’ил ибн Иброҳим ибн ал-Муғира ибн Бардазбеҳ ал-Бухорий (194/810 йилда Бухорода туғилган, 256/870 йили Самарқанднинг Хартанг қишлоғида вафот этган).

“Саҳиҳ муслим” асари муаллифи имом Абу-л-Ҳусайн Муслим ибн Ҳажжож ал–Қушайрий ан–Нишопурий (202–261/817–875).

“Суннан Аби Довуд” асари муаллифи имом Абу Довуд Сулаймон ибн Жоруд ибн Аш‘ас Сижистоний (202–275/817–889).

“Сунан ан-Насо‘ий” асари муаллифи имом Абу ‘Абд ар-раҳмон ибн ‘Али ибн Ша‘бий Насо‘ий (215–303/830–915).

“Сунан Ибн Можа” асари муаллифи имом Абу ‘Абд Аллоҳ Муҳаммад ибн Йусуф ибн Можа (209–273/825–887).

“Жомит‘ ат-Термизий” асари муаллифи имом Абу ‘Исо ат-Термизий (ваф. 279/893 й.).

Бу муҳаддислар қаторида“Сунан ад–Доримий” асари муаллифи ‘Абд Аллоҳ ибн‘ Абд ар-Раҳмон ад-Доримий ас–Самарқандийни (181/798–255/869) ҳам айтиб ўтиш лозим. Имом ад-Доримий Самарқандда ҳадис илми ривожига катта ҳиссасини қўшган.

Ҳадис соҳасида кейинчалик компилятив (кўчирма) ишлар ҳам амалга оширилди. Улар мазкур олти тўплам даражасига кўтарилмаса-да, асосий манба сифатида фойдаланилади. Улардан ад-Доримий, ад-Дорақутний ва ал–Байҳақийларнинг асарларини зикр этиш мумкин. Ҳадис китобларига шарҳлар ёзилди. “Арба‘ун” (“қирқлик”) жанридаги ҳадис тўпламлари тузиш халқ орасида шарафли ва севимли ишга айланди. Мисол

тариқасида ҳазрат Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийлар ҳам Пайғамбар ҳадисларини шеърий усулда таржима қилиб, ўз “Арбаʻин”ларини ёзганлар.

Турли манбалардан ҳадислар жамланиб, янги тўпламлар яратилди. Улардан ал–Бағавийнинг “Мисбоҳ ас-сунна” ва халқ орасида оммалашиб кетган Валий ад–диннинг “Мишкот ал-масобиҳ” асарларидир.

Ҳадис илми тараққиётида аёлларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Ҳадисларни ривоят қилган ровийлар ҳақида хабар берувчи илм илм ар–рижол (кишилар ҳақидаги илм) деб аталса-да, бу соҳада зикр этилган ҳадис ривоятларида кўплаб аёллар учрайди.

Ҳадисларни танқидий ўрганиш давомида бир қатор махсус истилоҳлар вужудга келди, алоҳида тадқиқ усуллари шаклланди. Имом ат–Термизий бу соҳада салмоқли ишларни амалга оширди. У ҳадисларни тўплаш билангина чекланиб қолмасдан, уларнинг таҳлилига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Имом ат-Термизий биринчилардан бўлиб ҳадисларни саҳиҳ, ҳасан ва заиф гуруҳларга ажратган олимдир. Вақт ўтиши билан ҳадис илмига оид тушунчалар мазмун–моҳияти батафсил таҳлил этилди, бойитилди ва анчагина мукаммал бир шаклга келди.

XI–XII асрларга келиб, Мовароуннаҳрда ҳадис илми соҳасида анча ютуқлар қўлга киритилди. Бу даврда яшаган олимлар фақатгина маълум бир чегараланган доирада ижод қилиш билан кифояланмай, балки ҳадисларни имкон қадар тўлиқроқ талқин, таҳлил ва тафсир этишга интилган. Шу боис, фақиҳ олимлар фақатгина муфассир эмас, балки бир вақтнинг ўзида муҳаддим ҳам бўлгани бежиз эмас. Чунки бу даврда юқорида таъкидланганидек, диний ихтилофлар кучайгани сабабли уламолар уларнинг олдини олиш, бартараф этиш учун мукаммал билимга эга бўлиши талаб этилган.

Ватанимиз истиқлолга эришгандан кейинги давр мобайнида маданий, маънавий ва диний тарихни, чуқур тадқиқ этишга кенг йўл очилганидан сўнг мамлакатимизда ҳадисларни ўрганиш орасида талай салмоқли ишлар амалга оширилди. “Ахлоқ–одобга оид ҳадис намуналари”, “Ал-адаб ал-муфрад”, “Минг бир ҳадис”, IV жилддан иборат “ал–Жомиʻ ас–саҳиҳ”нинг таржимаси нашр этилди. Хусусан, т.ф.д., доц. У.Уватов, т.ф.д. Б.Эшонжонов, Н.Пирмақсудов сингари тадқиқотчи–олимларимиз томонидан Имом ал–Бухорий, Имом ат–Термизий,  Имом муслим каби бир қатор муҳаддис уламолар ҳаёти, илмий фаолиятини ва меросини ўрганиш борасида жиддий илмий изланишлар олиб борилди, кўплаб мақола, рисола ва китоблар нашр этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг буюк муҳаддис Имом ал–Бухорий илмий-диний меросининг халқимиз маънавий руҳий ҳаётидаги беқиёс ўрнини ҳисобга олиб,  жамиятнинг баркамол кишиларини тарбиялашда ундан оқилона

фойдаланишга шарт-шароит яратиш мақсадида 1997 йил 29 апрелида “1998 йилда Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини мамлакатимизда кенг нишонланиши ҳақида” қарор қабул қилди. Бу қарор асосида буюк муҳаддиснинг юбилей тўйи юртимиз миқёсида нишонланди.

1998 йили мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан “Имом ал-Бухорий” халқаро жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарма томонидан қисқа муддат ичида салмоқли ишлар амалга оширилди, 2000 йилдан эса “Имом ал–Бухорий сабоқлари” номли журнал нашр этиб келинмоқда.

## КАЛОМ ИЛМИ

Аббосийлар халифалиги (750–1258) даврида шаклланган ва ривожланган, мантиқ ва фалсафа борасидаги баҳсларда дин ақидасини ҳимоя қилиш йўлида калом илми билан шуғулланган олимлар мутакаллимлар деб аталади. Мутакаллимлар аҳли бидъат билан доимий мунозаралар олиб борган. XIII асргача бу соҳада ижод этган кўзга кўринган мутакаллимлардан Восил ибн ‘ Ато (80–131/700–749), Абул-л-Ҳузайл ‘Аллоф (135–235/753–850), Абул-л–Ҳасан ал-Аш‘арий (221–324/836–939), Абу Мансур ал-Мотуридий (ваф. 333/944–45 й.), Абу Ҳомид ал–Ғаззолий (450–505/1059–1111) ва бошқа кўплаб алломаларни тилга олиш мумкин.

Марказий Осиёда қарор топган маърифий, мўътадил сунний ислом ҳар қандай ташқи ихтилофий фикрларга бардош бериб, ақида ва иймонда мустаҳкам арконларни сақлаб келмоқда. Абу Ҳанифа фиқҳий мазҳабининг кўп назарий жиҳатлари ишлаб чиқилиб, қадария, мўътазила, жабария, муржия каби оқимлар орасидаги ихтилофларга барҳам берди. Бун жараёнда Абу Мансур Мотуридий фаолияти ва у яратган мактаб аҳамият касб этади.

Абу Мансур Мотуридий (870–944).

У Самарқанд шаҳри яқинидаги Мотурид қишлоғида туғилган. Бутун умри давомида шу ерда яшаб, Самарқанд мадрасаларида таҳсил олиб, улуғ олим бўлиб етишган инсондир. Қабри Самарқанд шаҳрининг Чокардиз қабристонида. У ўнлаб фундаментал тадқиқотлар яратган олим. Калом илмида ўзига хос мотуридия мактабига асос солди. У, бир томондан, муътазилийлар қарашлари, иккинчи томондан, анъанавий исломшуносликни чуқур ўрганиб, ақлий ва нақлий йўналишларни бир-бир и билан уйғунлаштирди.

Абу Мансур ал–Мотуридий бир неча калом илмига оид асарлар муаллифидир. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги

Шарқшунослик институти фондида унинг «Таъвилот аҳли ас-сунна» асарининг икки нусхаси (инв №5126 ва 5127) сақланади.

Мотуридий Абу Ҳанифанинг ақидавий таълимотига таяниб, замон талаблари асосида унинг таълимотини ривожлантрди ва ислом фалсафасини ишлаб чиқди Мотуридий таълимоти мўътазилийлар каби фақат ақлгагина таянмайди, балки уни нақл билан муштарак ҳолда қўллаш зарур деб билади. Ақида борасидаги унинг қўшган яна бир улкан ҳиссаси шундан иборатки, ўша даврларда кўплаб фирқалар эътиқод борасида ўз фикрлари билан мусулмон аҳлини турли йўлларга бошлар эди. Мотуридий бу ҳолларга чек қўйиб ўлкада ягона ақида (яъни ҳанафиййа мазҳабидаги) тизимини ўрнатишга беқиёс ҳисса қўшди. У ақида борасидаги барча баҳсли мавзуларни ҳар бир фирқага далиллар асосида исботлаб берди. Бунинг натижасида турли майда оқимлар кўпайишининг олди олинди. Юқорида таъкидланганидек, буларнинг барчаси унинг шоҳ асари бўлмиш «Тавҳид»да ўз аксини топган.

Мотуридий ўз таълимоти ва илмий асарлари билан Мовароннаҳр илоҳиёт мактабининг ривожига катта улуш қўшди. У Илоҳиёт илмининг асосларини шакллантирди, мукаммал даражада ишлаб чиқди, уни маълум тизимга (система) солиб, ҳанафиййа таълимотининг Ўрта Осиё халқлари урф-одатлари билан узвий боғлиқлигини исботлаб берди. У яратган таълимот ислом динининг буюк ақидавий оқимларидан бири сифатида танилди. Ҳозирги кунда ҳам Мотуридийнинг ҳамда Мотуридиййа оқимидаги олимларнинг асарлари ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Абу Мансур ал-Мотуридий бизнинг ватандошимиз эканидан фахрланамиз. У яратган калом мактаби бутун дунёда эътироф этилади ва жуда катта қизиқиш билан ўрганилади. Айниқса Европа шарқшунослари бу борада катта ютуқларга эришаётгани диққатга сазовордир. Мовароуннаҳрда диний илмлар, жумладан, Мотуридиййа калом мактаби тарихи ва ғояларини ўрганиш долзарб мавзулардан биридир.

Мотуридий замонида муътазила оқими тарафдорлари билан бирга карромийлар, рофизийлар, муржийлар, қадарийлар, жабарийлар каби оқимлар ҳам фаолият олиб борган. Булар ақоиднинг турли масалалари устида баҳс–мунозара олиб борганлар. Чунончи, Қуръон махлуқ (яратилган)ми ёки қадим (азалий)ми, қиёматда Худони кўриш мумкинми ёки мумкин эмасми, Худонинг исмлари ҳақиқийми ёки одамлар қўйган номларми, қазову қадар инсоннинг барча ҳаракатларини қамраб олганми ёки инсоннинг танлаш ихтиёр–эрки борми, имон фақат сўздами ёки амал билан уни исботлаш мумкинми сингари масалалар юзасидан тортишувлар бўлган.

Мотуридий қарашлари Абул Ҳасан Ашъарий (873–935) қарашлари билан яқин. Ҳар икки мактабда ҳам калом илмини, бир томондан, соф нақлий билим тарафдорлари, иккинчи томондан, соф ақлий билим тарафдорларидан ҳимоя қилиб, ўрталик (мўътадиллик) йўлини асослаб берилган. Бундай қараш, қисқача баён этсак, қуйидаги тамойилларда кўринади:

1) Худо исмларидан *олим, қодир, ҳайй, қайюм, сонеъ, қадим, раҳмон* каби исмларнинг азалий ва ҳақиқийлигини тан олиш;

2) Қуръон маъноси бўйича қадим, тил ва ҳарфлари нуқтаи назаридан махлуқ, муайян замон ва маконга тегишли;

3) Худо сиддиқларга охиратда ўз жамолини кўрсатади.

4) Инсоннинг тақдири ҳаракатлари қазодан, аммо одам қобилиятига қараб уни ўзлаштириб олади («касб»), бунда ихтиёр (эрки) ўз қўлида;

5) Иймон фақат тил билан иқрор бўлмасдан, дилда ҳам иқрор бўлиб, амалда исбот этилса, мустаҳкам ва бутун бўлади.

Шу зайлда Мотуридий калом илмида янги, муътадил йўлга асос солади.

## ТАСАВВУФ АЛЛОМАЛАРИ

Манбаларда келтирилишича, баъзи мусулмонлар калом ва мантиқ имларидаги турли тортишувлардан, қуруқ баҳслардан ўз қалбларини сақлаб, Аллоҳ таолонинг муҳаббати йўлида зуҳд ва тақвони ўзларига касб қилиб олади. Бу каби кишиларга “суфий” деб ном берилади. Ислом динида биринчи суфий номини олганлардан Абу Ҳошим Шомий (ваф. 160/776–77 й.), тасаввуф усулига биринчи бўлиб шарҳ берган Имом Моликнинг шогирди бўлмиш Зуннун ал–Мисрий (ваф. 256/869–70 й.), минбардан туриб илк бор тасаввуфга чақирган зот аш–Шиблий (ваф.0334/945–46 й.), тасаввуф усулини кенгайтириб, тартибга солган аллома Жунайд ал–Бағдодийларни (ваф. 398/1007–08 й.) айтиб ўтиш мумкин. Аёллардан биринчи сўйфий Роби‘а ал–‘Адавиййадир (ваф. 135/752–53 й.). Умуман олганда тасаввуфнинг ривожланиш йўли ислом тарихининг ажралмас бир бўлагидир.

Мовароуннаҳрга сўфийлик Эрон орқали кириб келган. Ўлкамизда жуда кенг тарқалган суфийлик оқими ақоид олими Шайх Абу **Йа‘қуб Йусуф** ал–Ҳамадоний (ваф. 535/1140 й.) мактабидан бошланган. **Йусуф** Ҳамадонийнинг мактаби икки тармоққа ажралган эди.

Биринчиси, шаҳар ва шаҳар атрофларида ривожланган ва халқ орасида кенг тарақалган. Бу оқимга Хожа Йусуф ал–Ҳамадонийнинг машҳур шогирди Хожа ‘Абд ал–Холиқ ал–Ғиждувоний (ваф. 1179 й.) муршидлик қилган. Кейинчалик бу оқимга Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд (1318–1389 муршидлик қилган ва бу даврда нақшбандиййа тариқати бутун ислом оламига тарқалган.

Иккинчиси, шайх Аҳмад Яссавий (ваф. 1166–67 й.) ва унинг шогирдлари номи билан боғлиқ. Аҳмад Яссавий сўфийлик тариқатининг тарғиботчиси бўлиш билан бирга шоир ҳам эди. У қадимий ўзбек (турк) тилида ижод қилган. Яссавий асарлари мажмуаси 1878 йили нашр этилган “Девони ҳикмат” номи билан маълум. Бу асар ислом мафкурасининг содда ифодаси бўлиб, суфийлик асосларини тарғиб қилади. Унинг фикрича, дунёнинг ноз–неъматларини сўраган киши суфий эмас, балки зуҳд ва тақвони ихтиёр этиб, умрини тоат–ибодат ҳамда йиғи билан ўтказган кишигина сўфийдир. Унинг ҳикматилар халқ орасида ғоят машҳурдир. Бу тариқат тариқати XII асрда Мовароуннаҳрда пайдо бўлган ва Эронга ҳам кенг ёйилган. Яссавийлик руҳий ососйишталикка, сўфийлик йўлига киришга, пирнинг раҳбарлигида камолот сари боришга даъват этган. Яссавиййа кейинчалик нақшбандиййа тариқати билан бирлашиб кетган.

## ФАҚИҲЛАР

X–XII асрларга келиб фиқҳ илми ўз ривожланиши тарихида кейинги босқичга, яъни “тақлид даври”га ўтади. Бу давр фиқҳ илми аввалги даврлар анъанаси таъсири остида ривожланиб, юксак бир мақомга эришган вақтга тўғри келади. Юқоридаги даврлардан маълум бўлгани каби, буюк мужтаҳидлар оқими ва уларнинг тарафдорлари пайдо бўлади. Турли мазмундаги асарлар ёзилада ва шарҳланади. Бу давр фақиҳларида тақлид руҳи кучли бўлган. Улар асосан ўзларидан олдинги мужтаҳидларнинг фикрларини “шар‘ий нас” (шаръий ҳужжат) сифатида қабул қилган эди. Шундай бўлса–да, бу давр фақиҳлари орасида илмий–амалий фаолияти натижасида мислсиз, бебаҳо асарлар яратган алломалар етишиб чиқади. Уларнинг бу асарлари узоқ давр мобайнида муҳим манба бўлиб хизмат қилиш билан бирга, ҳозирги кунда ҳам ўз мавқеини ва қадр–қимматини йўқотгани йўқ.

VIII асрнинг охири – IX асрнинг бошларида Мовароуннаҳрда исломдаги аҳл–ас–суннанинг ҳанафиййа мазҳаби тарқала бошлади. Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида шу мазҳаб таълимоти асосида Мовароуннаҳр фиқҳ мактаби таркиб топади. Мовароуннаҳрлик фақиҳлар теран билими, қимматли асарлари билан ислом дунёсида катта шуҳрат қозонади. Фақиҳларнинг ҳукмрон давлат доираларига, халқ оммасига таъсири жуда кучли

эди. Диний ва  ижтимоий ҳаётда учрайдиган барча муаммоли масалалар фақиҳлар орқали ечилган. Фиқҳ шахс, оила ва жамият ҳаётнинг турли шохобчалари масалаларини қамраб олганги туфайли Мовароуннаҳр мактаби намояндалари бу ўлка халқлари анъаналари, урф-одатларини умумислом мавқеидан туриб таҳлил қилиш вазифани бажарганлар. Мовароуннаҳрлик фақиҳларнинг бир неча авлодлари фаолияти орқали маҳаллий халқларнинг тарихий, ҳуқуқий анъаналари ислом маданиятида ўз аксини топди. Исломшунос олим А.Мўминов Мовароуннахр фиқҳ мактаби тарихини характерли жиҳатларига қараб, уч асосий даврга бўлади:

1) шаклланиш даври (VIII–X асрлар);

2) жўшқин ривожланиш даври (XI–XIII аср боши);

3) аста-секин заифлашув даври (XIII арс боши –XIV аср).

Фиқҳ мактаби шаклланиш даврида  Мовароуннаҳрнинг айрим шаҳарларида ҳанафийликка асосланган илмий марказлар пайдо бўлади. Бунда Ироқ ва Хуросон мактабларининг таъсири катта бўлган. Бухоро мактабига Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс ал–Кабир ал–Бухорий (ваф. 832 й.) асос солган. Самарқанд илмий марказининг шаклла–нишида Абу Сулаймон ал–Жузжоний, Ибн Само‘а ва шаддод ибн Ҳукайм каби Балх фақиҳларининг хизмати беқиёс бўлган. Бухоро фақиҳлари бу даврда асосан фиқҳнинг амалий масалалари (фуру‘ ал–фиқҳ) билан, самарақандликлар эса ўз илмий фаолиятини илоҳиёт (усул ад–дин) масалаларига қаратган эди.

XI–XIII асрларга келиб, фиқҳ илми ўзининг юксак тараққиётига етишади. Қорахонийлар даври фақиҳлари ҳақида илмий тадқиқот олиб борган туркиялик олим Ю.З.Кавакжи бу даврда уч юзга яқин фақиҳлар етишиб чиққани, йигирмадан ортиқ фатволар мажмуаси, уч юз элликдан ортиқ фиқҳий асарлар яратилгани ва улардан 98 фоизки ҳанафий фиқҳига оид эканини таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам Мовароуннаҳр ҳанафий мазҳабининг “қалъаси” эди десак адашмаймиз. Ҳанафийлик шарққа ёйилар экан, у Хуросон ва Мовароуннаҳрда ўзига мустаҳкам макон топади. Тариқатнинг бир гуруҳ машҳур вакиллари ҳам шу ўлкада яшаб ижод этганлар. Ҳанафий фақиҳлари сулолаларидан: Бухоро садрлари – V/XI асрдан то мўғуллар дарвига (1102–1207) қадар Ибн Моза Маҳмуд (ваф. 570/1174 й.) оиласининг ҳанафий фақиҳлари мерос тариқасида келаётган “Садр” унвони билан мамлакат сиёсий идораларида ва турли ҳокимликларида юқори мансаб соҳиблари эди, ар–Риғдамуний, аз–Заранжарий, ал–Маҳбубий, ас–Саффор, ал–Паздавий, Самарқанд саййидлари, ал–Хайзохазий, ал–Ақилий, ал–Марғиноний оилалари илм ва ижтимоий ҳаётда кучли мавқега эга бўлган. Бу даврда илм–фан ривожланди, кўплаб йирик олимлар етишиб чиқди, йирик фақиҳлар сулолалари пайдо

бўлди. Бир неча авлоддан авлодга уланиб давом этган фақиҳлар сулолалари нафақат Мовароуннаҳр, балки бутун ислом оламида катта нуфузга эга бўлади.

Дарҳақиқат, VIII–XII асрлар бутун мусулмон жамиятида фан ва маданият, илм ва тафаккур ривожланган бир давр бўлди. Бу даврда диний билимлар билан бир қаторда дунёвий илмлар юксак даражада ривожланди. Ислом дини Арабистон ярим ороли доирасидан чиқиб, тараққий этган жаҳон динига айланди. Исломнинг дин сифатида шаклланиб, ривожланиши айнан шу даврларга тўғри келади. Албатта бунга турли минтақалардаги цивилизациялар ўз таъсирини кўрсатди. Хусусан, Мовароуннаҳр–нинг ислом маданияти ва фанининг алгебра, астрономия, фалсафа, тарих, ҳадис, калом ва бошқа соҳаларига кўрсатган таъсири жуда каттадир. Айниқса, фиқҳ илми соҳасида Мовароуннаҳрнинг тутган ўрни беқиёсдир.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ



1. Улуғ уламоларимизнинг ҳадисшунослик, тафсир, калом, тасаввуф илмлари ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида нималар биласиз?
2. Бухоро, Хоразм, Самарқанд илм–фан марказлари ҳақида сўзлаб беринг.
3. Алоҳида мактабларнинг шаклланиши қандай кечган?
4. И.Каримов улуғ алломаларимизнинг жаҳоншумул хизматига қандай баҳо берган ҳақида.



## АДАБИЁТЛАР


1. Êàðèìîâ È. Òàðèõèé õîòèðàñèç êåëàæàê éўқ. –Ò., Øàðқ, 1998.
2. Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т., Ўзбекистон, 2000, 489–504–бетлар.
3. Àáó Íàñð Ôîðîáèé. Ôîçèë îäàìëàð øàҳðè. –Ò., 1994.
4. Àëèøåð Íàâîèé. Ñàääè Èñêàíäàðèé. –Ò., 1993.
5. Èñëàì. Ýíöèêëîïåäè÷åñêèé ñëîâàðü. –Ì., Íàóêà, 1991.
6. Êîìèëîâ Í. Òàñàââóô. Áèðèí÷è êèòîá. –Ò., Øàðқ, 1996; Èêêèí÷è êèòîá. –Ò., Ўзбекистон, 1999.
7. Êîëëåêòèâ. Èñëàì: ðåëèãèÿ, îáùåñòâî, ãîñóäàðñòâî. –Ì., Íàóêà, 1984.
8. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. –Т., 1993.


## МУСТАҚИЛ ИШ

“Абу Мансур Мотурудийнинг калом илмига қўшган ҳиссаси” мавсуида ёзма иш бажаринг.

## III БОБ
## ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ КОНФЕССИЯЛАР ФАОЛИЯТИ ВА ДИНЛАРАРО БАҒРИКЕНГЛИК



Виждон эркинлигининг қонун асосида мустаҳкамланганлиги фуқаролик жамиятининг муҳим талаби экан, демак турли динга эътиқод қўйган одамларнинг баҳамжиҳат яшаши, биргаликда меҳнат қилиши, бир-биригахалақит бермай, ўзаро ҳурмат–эҳтиромда бўлиши шу жамиятнинг хусусиятига айланиши керак. Бунда фуқаролик туйғуси барча қолган туйғулардан баланд бўлиб, у аҳолининг турли–туман қатламлари, турли қарашдаги кишиларни бирлаштиради. Бошқача айтганда, давлатнинг демократия тамойилларга асосланганлиги, дунёвийлиги диний бағрикенглик

(толерантлик) учун имконият яратади, динлараро сабр–тоқатлилик, баҳамжиҳатлик учун шарт-шароит вужудга келтиради. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласида таъкидланишича, “Динлараро бағрикенглик хилма–хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади”[1].

Бу ҳол диний бағрикенглик миллий ғоянинг асосий тамойилларидан бири эканини англатади. Шўролар тузуми даврида ҳам “виждон” эркинлиги ҳақида гапирилар, ҳатто собиқ СССР Конституциясида алоҳида модда билан белгилаб ҳам қўйилган эди. Аммо мустабид мафкура ҳеч қандай эркинликни тан олмагани боис зўр бериб даҳрийона тарғибот олиб борилар, диндорларнинг ўз ибодат маросимларини ўтказишга турли йўллар билан тўсқинлик қилинар, таъқиб–тазйиқ авжида эди.




Ўзбекистон истиқлолга эришгач, бу ҳаракатга барҳам берилди, барча дин вакиллари ўзлари хоҳлаганча тоат–ибодатларини эмин–эркин адо этиш имконига эга бўлди. Айни вақтда динлараро низолар, бир-бир ини камситиш, тарафкашлик, мутаассибларча мазҳабпарастликка ҳам йўл қўйилмайди. Шу боис Ватанимизда турли диний конфессиялар бемалол фаолият олиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ўн олтита диний конфессия фаолият юритмоқда. Жами 2104 та диний ташкилот, жумладан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархияси, Евангел христиан баптистлар черковлари иттифоқи, Рим католик черкови, Тўлиқ инжил христианлар маркази, Ўзбекистон Библия жамияти, 2000 га яқин масжид, 163 та христиан черкови, 7 та яҳудийлар жамоаси, 7 та баҳойилар жамоаси, 2 та Кришнани англаш жамияти ва 13 та диний ўқув юрти (1 та ислом маҳади, 10 та мадраса, 1 та православ ва 1 та тўлиқ Инжил христианлари семинарияси) давлат рўйхатидан ўтган.

Динлараро бағрикенглик билан бирга, ҳар бир дин ичидаги оқим ва мазҳаблар орасидаги бағрикенглик ҳам муҳим аҳамиятга эга.

[1] Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000, 60-бет.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги (янги таҳрир) Қонуннинг 5-моддасида диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувлик қўллаб–қувватланиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроса ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама–қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти–ҳаракатларга йўл қўйилмайди.

Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб–қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти–ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қоиданинг бузилишига айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Жаҳон динлари ичида кўплаб оқимлар, йўналишлар бор. Масалан, исломнинг ўзида 73 та ҳар хил мазҳаб ва оқимлар фаолият юритади. Чунончи, суннийлик, шиалик, рофизия, исмоилия, жабария, хорижия, қадария, жаҳимия, муржия ва ҳоказо. Булар орасида, айниқса, сунний мазҳаблар кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, Ўзбекистон мусулмонларининг аксарият қисми “аҳли сунна ва жамоа” мазҳабига мансуб. Ироқ, Эрон, Иордания, қисман Марказий Осиё мамлакатларида суннийлар билан бирга, шиалар ҳам истиқомат қилади. Бу икки оқим тарафдорлари орасида тарихда бир неча бор қонли тўқнашувлар бўлган. Аммо бу низолар замирида сиёсий мақсадлар, тахт талашиш ва ер–мулкка эгалик қилиш иддаолари ётганини унутмаслик керак.

Суннийлар пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) суннати, ислом шариати талабларини бажарувчи кишилардир. Улар Пайғамбардан кейин ҳукмронлик қилган халифалар Абубакр, Умар, Усмон ва Алини бирдек тан олади, уларни пайғамбарнинг “чор ёри”, “хулафои рошидин” (тўғри йўлдан юрган ўринбосарлар) деб эъзозлайди. Аммо шиалар пайғамбардан кейин келган уч халифа – Абубакр, Умар ва Усмонни тан олмайди. Уларнинг фикрича, халифа пайғамбар хонадонидан, яъни Ҳазрат Али бўлиши керак эди, чунки у Муҳаммадга (с.а.в) ҳам куёв ва ҳам амакивачча эди. Шунга кўра, шиалар Али тарафдорлари сифатида майдонга чиқади. Алининг тахтдан маҳрум қилиниши, кейин ўлдирилиши, унинг икки ўғли Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайннинг Карбало урушида қатл этилиши Али тарафдорларини ғазаблантиради. Улар тахтни эгаллаган Умавийларга

(суннийлар) қарши бир неча бор урушиб кўрган бўлса–да, аммо натижага эриша олмаган. Кейинчалик шиаларнинг (шиа – гуруҳ, партия дегани) мазҳаби турли оқимларга бўлиниб кетади.

**Исломдаги оқим ва мазҳаблар**




Сунни[illegible]й масалалар ечими юзасид[illegible] Абу Ҳанифа ([illegible]), [illegible]бн Анас (713–795), Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (780–855), Имом Муҳаммад Шофеъийга эргашади (ваф. 820). Ўзбекистонда Имом Абу Ҳанифа (Имоми Аъзам) асослаган ҳанафия мазҳаби кенг тарқалган. Аммо юртимизда бошқа мазҳабларга эргашувчилар, шунингдек, оз сонли бўлса–да, шиалар ҳам яшаб келади.

Христианлик ҳам ўз тараққиёти даврида католик, православ, протестантизм йўналишларига, шунингдек, баптистлар адвентистлар, иеговистлар каби оқимларга, ҳамда молоканлик, староверлик (эски удумчилик) духоборлар, мормонлар сингари мазҳаб ва фирқаларга бўлиниб кетган.

Христианликнинг йўналишларидан биринчиси католик (католицизм) (юнонча маъноси – "умумжаҳон", "умумий", "асосий") христианликда православ ва протестантизм каби кенг тарқалган асосий йўналишлардан биридир.

Православлик – бу диндаги уч асосий мазҳабдан иккинчиси.

Ғарбий Рим империяси қулаганидан кейин 1054 йилда христиан дини икки асосий черковга – католик (ғарбий) черковига ва православие (шарқий) черковига бўлиниб

кетади. Православие дастлаб Византия империясининг давлат дини бўлган. Константинополь патриархи Рим папасидан ўрнак олиб, бутун православие черковининг раҳбари бўлиб олиш учун курашган. Православие черковидан бири бўлган Русь черкови дастлабки вақтларда Константинополь патриархи томонидан тайинланган. Аммо 1598 йилда Русь митрополитлиги Русь патриархлигига айлантирил–ган. Москва ва Бутун Русь патриархи деган унвон берилиб, Русь черкови Константинополь черкови билан тенглаштирилган.

Христианликдаги уч асосий мазҳаблардан яна бири протестантизм XVI асрда пайдо бўлган.

1526 йилда Шпейер рейхстаги немис лютеранчи (Лютер–протестантизм назариётчиси) князлари талаби билан ҳар бир немис князи ўзи ва фуқароси учун хоҳлаган динни танлаш ҳуқуқига эга экани тўғрисида қарор қабул қилади. Аммо 1529 йилда II Шпейер рейхстаги бу қарорни бекор қилади. Бунга қарши империянинг бир қанча шаҳарлари ва беш нафар князь "протест" – норозилик билдиради. "Протестантизм" атамаси шу сўздан келиб чиққан.

Протестантизм христианликни анча енгиллаштирилган кўринишидир, чунки унда бир қанча расм–русумлар бекор қилиниб, диндорга эркин ибодат қилиш ҳуқуқи берилган.

Баптизм (юнонча) "сув билан чўқинтириш" деган маънони англатади. Баптизм протестантликнинг муҳим оқимларидан бири бўлиб, дастлаб англикан черкови таъқибидан Голландияга қочиб борган инглиз муҳожирлари орасида 1609 йилда Голландияда вужудга келган. Баптизм 1612 йилда Англияда, 1639 йилда Шимолий Америкада пайдо бўлди.

1611 йилда – Амстердам ва Голландияда яшаб турган инглизларнинг диний баённомасида ана шу янги таълимот таърифлаб берилган.

**Староверлар, старообрядчество** (эски удумлар, эски диний удум, маросим ва урф-одатларга амал қилувчилар) – Рус православ черковининг 17–асрнинг иккинчи ярмида патриарх Никон ўтказган черков ислоҳотини қабул қилишдан бош тортган диний оқим вакиллари.

XIX асрнинг 70–йиллари Ўрта Осиё минтақасига, православие билан бир қаторда, бошқа оқимларнинг тарафдорлари ҳам кириб кела бошлади. Улар ортидан турли секталарга мансуб диндорлар, масалан, баптистлар, адвентистлар, католиклар ва бошқалар ҳам пайдо бўлди. 1879 йил 27 мартда Россия императорининг махсус қонуни эълон қилингач, бу жараён янада фаоллашади. Россия армияси томонидан Биринчи жаҳон урушида асир олинган немис, поляк, эстон, швед, литвалик, латиш ва бошқа ғарбий

европалик аскарларнинг Туркистон ўлкасига сургун қилиниши улар эътиқод қиладиган дин ёки оқимнинг кириб келишига сабаб бўлди. Бу, ўз навбатида, европалик асирлар орасида диний жамоалар тузиш ҳамда черковлар пайдо бўлишига олиб келди. Хорижликларнинг бундай фаолияти асримизнинг тахминан 20–30–йилларига қадар давом этди. XX аср бошларига келиб Туркистон генерал–губернаторлигида 6,03 миллион мусулмонга 391 минг православ ёки 5340 масжидга 306 черков тўғри келган. Бундан ташқари, эътиқод жиҳатидан 10,1 минг православ оқимига мансуб старообрядчилар, 8,2 минг лютеранлар, 7,8 минг католиклар, 26 минг яҳудий динига ва 17,1 мингга яқин бошқа оқимларга мансуб диндорлар бўлган.

Православ йўналиши Ўзбекистон ҳудудига Россия орқали кириб келган. 1871 йил 4 майда Россия императори томонидан Тошкентда Туркистон (ҳозирги вақтда Ўрта Осиё ва Тошкент) епархиясини очиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Христианликнинг Ўзбекистонда тарқалган оқимларидан бири католицизмдир. Айрим маълумотларга кўра, XIX аср охирларида Тошкентда 2300га яқин католик истиқомат қилган. Ўша вақтда рим католиклари жамоаларига Юстин Пранайтис раҳбарлик қилган. Тошкентда биринчи католик черкови 1917 йилда қуриб битказилган. Ҳозирги вақтда бу бино тарихий обида сифатида қайта таъмирланди.

Ватикан давлати Ўзбекистоннинг мустақиллигини 1992 йил 1 февралда тан олиб, шу йилнинг 17 октябр куни дипломатик алоқалар ўрнатди. 1994 йил 31 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ватикан давлатининг нунций элчиси Мариан Олесдан Иоанн–Павел Иккинчининг ишонч ёрлиғини қабул қилди. Шундан сўнг Ватиканнинг Тошкентдаги элчихонаси расман ўз ишини бошлади. М.Олеснинг қароргоҳи Қозоғистоннинг собиқ пойтахти Алматида бўлгани сабабли Тошкентдаги элчихона раҳбарлигини ҳозирги вақтга қадар К.Кукулка бажариб келмокда.

Юртимизда фаолият олиб бораётган Арман апостол черкови энг қадимий христиан черковларидан бири бўлиб, унинг «Эчмиадзин» журнали ҳамда махсус диний ўқув юрти мавжуд. Киликия католикосати, Қуддус ва Константинополь патриархат–ликлари, АҚШ, Жанубий Америка, Европа, Яқин, Ўрта ва Узоқ Шарқдаги епархия бошқармалари Эчмиадзин католикосатига бўйсунади.

Кейинги ўн йилликда маҳаллий корейс миллатига мансуб шахслар орасида протестантизм йўналишига қизиқиш ортди. Бунга, бир томондан корейсларнинг ўз қариндош–уруғлари билан дийдор кўришиш ва бошқа мақсадларда Жанубий Корея, АҚШ ва бошқа ривожланган давлатларга бориб келиши омил бўлди. Хорижда улар маълум бир диний оқим таъсирига тушиб, Ўзбекистондаги яқинларига ҳам мазкур оқим

таълимотларини тарғиб қила бошлади. Шунингдек, Жанубий Корея ва АҚШлик корейс миллатига мансуб кишилар ҳам катта моддий маблағга эга бўлган протестантизм йўналиши марказлари ҳисобига маҳаллий корейс миллати вакиллари орасида миссионерлик фаолиятини олиб бормоқда.

Ўзбекистондаги корейс протестант черковларининг деярли барчасини пятидесятниклик йўналишидагилар ташкил этади. Ибодат тарзлари протестантизмдаги йўналишларда бажариладиган амаллар кабидир.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Тўлиқ Инжил христиан–ларининг (пятидесятниклик) илк жамоалари XX аср 20–йиллари охирида Тошкент шаҳрида тузилди.

Евангелчи–лютеранлар Ўзбекистон ҳудудида 1877 йилдан буён фаолият юритиб, 1884 йилдан ибодатларини расман амалга ошириб келган. 1890 йилда меъмор А.Л.Бенуа раҳбарлигида бошланган черков қурилиши 1896 йилнинг декабрь ойига келиб ниҳояланди.

Ўзбекистонда яна бир черков Новоапостоллик черкови бўлиб, у христиан динининг протестантлик йўналишига мансуб оқимдир. Новоапостол черкови Ўзбекистондаги фаолиятини 1992 йилдан бошлаб, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Навоий шаҳарларида рўйхатдан ўтган. Ўзбекистондаги Новоапостол черковлари Берлин–Бранденбург округи тасарруфидадир. Унинг апостол–президенти Фриц Шредер.

Ўзбекистонда «Иегова шоҳидлари» протестант йўналишидаги диний ташкилот ҳам фаолият юритмоқда. Мазкур диний сектага 1870 йилда америкалик ишбилармон Ч.Т.Рассель асос солган. Сектанинг маркази Бруклин шаҳри Ақиода жойлашган ва 15 аъзодан иборат бўлган «Раҳбар корпорация»га бўйсунади.

Айрим манбалар Ўрта Осиёда Иегова шоҳидларининг XX асрнинг 40–йилларида пайдо бўлгани ҳақида маълумот беради. Ўша даврда улар ўзларини «*каналистлар*» деб атаб келган.

Староверлар икки асосий йўналишга: **попчилик** ва **попчилик** мухолифларига бўлинади. Уларнинг ҳар бири яна кўпгина оқимлар, секталар ва уюшмалардан таркиб топган.

**Духоборлар** (Духоборы, духоборцы) – руҳга эътиқод қилувчи христианлар, руҳ учун курашувчилар – эски рус сектантчилиги йўналишларидан бири.

Адвентислар (лотинча: воқеа бўлиш) протестантизм оқимларидан бири сифатида, 19–асрнинг бошларида АҚШда вужудга келган. Асосчиси Уильям Миллер (1782–1849).

Иегова шоҳидлари – христианликнинг протестант йўналишидаги диний ташкилот аъзолари. 1931 йилдан унга "Иегова шоҳидлари ташкилоти" деган расмий ном берилган. Ташкилотга Бруклин маркази раҳбарлик қилади.

Шу тариқа, мана шундай турли дин ва мазҳабларга эътиқод қилувчи, турли миллатга мансуб аҳоли Ўзбекистон биргаликда яшаб, Ватан озодлиги, тараққиёти ва ободлиги учун ижод ва яратувчи меҳнат билан бандлар. Улар орасида чуқур низоларга олиб келиши мумкин бўлган тортишувлар, тарафкашлик ҳолларини кўрмаймиз. Аксинча, турли дин арбобларининг ўзаро мулоқоти, учрашувлари, ҳаммаси учун умумий бўлган масалаларни муҳокама этишда иштирок этиш динлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу, бир жиҳатдан, давлатимизнинг одилона, тинчликсевар сиёсатининг натижаси бўлса, иккинчи тарафдан, халқимизнинг олижаноблиги, табиатан бағрикенглиги туфайли юзага келган ижобий ҳодисадир. Ўзбек халқи фитратида асрлар давомида шаклланган вазминлик, меҳр–оқибат, умуминсо–нийлик қадриятларни айирмачиликдан устун қўйиш хислати кўп халқлар вакилларининг Ўзбекистон деб аталган муқаддас диёрда эмин–эркин умргузаронлик қилиб келишига шароит яратган.

Сирасини айтганда, ислом динининг мазмун–моҳиятида бағрикенглик ғояси ётади. Бир томондан, соф ислом шариатига тобеълик, мусулмонлик ақидаларини мустаҳкам тутишга чақирилса, иккинчи томондан, ўзга дин кишиларига нисбатан бадниятда бўлмаслик, уларнинг эътиқодини ҳурмат қилиш, улар мол–мулки, саломатлигига тажовуз қилмаслик ҳақида Қуръон ва Ҳадиси шарифда кўплаб ўгитлар бор. Маълумки, исломда “аҳли китоб” деган тушунча бор. Бу яҳудийлар ва насронийларга нисбатан айтиладиган сўз. Яъни яҳудийлар ва насронийлар осмоний китоблар ҳисобланган Таврот, Забур ва Инжил эгасидирлар. Бу ҳақда Қуръонда кўп оятлар келтирилган. Чунончи, “Бақара” сурасининг 109–оятидан 151–оятигача яҳудийлар ва насронийлар ҳақида сўз боради. Аллоҳ таоло уларнинг манманлиги, ўз динларини афзал деб билиб, исломни тан олмаганларини мазаммат этади. Агар бу оятлар маъносини чуқур мулоҳаза этсак, гап Таврот ёки Инжилнинг нотўғрилиги ёки ислоҳга муҳтожлиги ҳақида эмас, балки улар билан бирга янги ҳақ дин – ислом зуҳур этиши ва бу динни, унинг Пайғамбарини тан олиш тўғрисида боради. Зеро, Аллоҳ – ягона, у ҳаммага баробар бинобарин, “Машриқ ҳам, Мағриб ҳам Аллоҳникидир. Бас, қайси тарафга юзингизни қаратсангиз, ўша томонда аллоҳнинг “юзи” мавжуддир. Албатта Аллоҳнинг фазли кенг, доно зотдир” (Абдулазиз Мансур таржимаси, 115–оят). Одамлар қавмлар, миллатлар мазҳабларга ажратилган бўлсалар–да, аммо уларнинг ҳаммасини ҳам Аллоҳ яратган, Аллоҳнинг бандаларидирлар ва албатта Аллоҳга қайтурлар. Шу учун тарафкашлик, айирмачилик эмас, Аллоҳ йўлида

бирлашиш – энг мақбул ва энг тўғри йўлдир. Мана бу ояти каримага эътибор қилинг: “Яҳудийлар: “Насронийлар ҳеч нарсада йўқ” десалар, насронийлар: “Яҳудийлар ҳеч нарсада йўқ” дейдилар (изоҳ: яъни ҳар икки томон бир-бир ининг динини инкор этади), ваҳоланки, улар (ҳар икки тоифа) китоб ўқийдиган (саводхон) эди. Шунингдек, ўқишни билмайдиганлар уларнинг гапига ўхшаш гапни айтадилар. Уларнинг (бу каби) келиша олмаган нарсалари хусусида Қиёмат куни Аллоҳ ҳукм қилур” (ўша таржима, 2–113).

Диндорларнинг беҳуда, асоссиз тарафкашлиги, бир-бир ини камситиши Қуръонда мана шундай танқид қилинган. Бу оятда қўйидаги маънолар мужассам: 1) яҳудийлар ва насронийлар бир-бир ининг динини кўр–кўрона инкор этмоқда; 2) бу билан бир-бир ини таҳқирламоқда; 3) ҳолбуки, улар орасида саводхон, китоб ўқий оладиган, Таврот ва Инжилдан хабардор одамлар бор; 4) осмоний китобларнинг борлигини била туриб, нега улар бир-бир ининг динини инкор этади? 5) саводхонлар шундай қилгандан кейин, табиийки, саводи йўқлар уларга эргашиб гапларини қайтаради; 6) натижада жаҳолат, ноҳақлик оқибатида қавмлар, халқлар орасида адоватга кучаяди.

Аллоҳ таоло ўз бандаларини ана шундай адоватдан огоҳлан–тиради, ақлсизларча тортишувлар гирдобига тушишдан асрайди.

Исломда эса, юқорида айтганимиздек, Таврот, Забур, Инжил осмоний китоблар сифатида эътироф этилишидан ташқари, Тавротдаги қатор тарихий қисса ва ривоятлар Қуръонда ҳам тилга олинади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ислом дини ғалабаси учун курашган ва бунга раҳнамолик қилган инсон. Аммо ул зот ҳеч қачон  ўзга дин кишиларини таҳқирлаган эмаслар. Аксинча, турли эътиқоддаги барча одамлар билан хушмуомалада бўлиб, саҳобалардан ҳам шуни талаб қилганлар. Масалан, саҳоба Усомадан (р.а.) шундай ривоят қилинади: “Расули акрам (с.а.в.) бир кун бир мажлис (ўтирган) жамоа қошидин ўтдиларки, анда ҳар қисм одамлар, яъни мусулмонлар ва мушриклар ва бутпарастлар ва яҳудлар бор эрдилар. Жаноб пайғамбар аларға салом бердилар)”[1].

Шу боис ислом ғалаба қилгандан кейин ҳам  мусулмон мамлакатларида турли дин вакиллари истиқомат қилиб келган, улар савдо–сотиқ, ҳунармандчилик, меъморчилик билан шуғулланган, ҳар бир диннинг ўз ибодатхонаси бўлган, диний маросимларни ўтказишга халақит берилмаган. Христианлар, яҳудийлар орасидан ислом маданиятига ҳисса қўшган олимлар, табиблар, таржимонлар етишиб чиққан (чунончи, машҳур файласуф Монсе бен Майманид каби). Мусулмонлар орасида эса Таврот ва Инжилни

[1] Риёзус Солиҳин. Муҳиддин аби Зикриё Яхё ибн Шариф ан Навоий асари. Саййид Тарозий таржимаси, 2–жузв. 319-бет.

ўрганган кишилар кўп бўлган. Масалан 12–аср сўфийси Абу Адён (динларнинг отаси демак) бир неча динни ўрганиб, турли дин вакиллари билан мунозара қилар экан[1]. Бағдод халифаси Ал Маъмун ал–Муътасим ҳузурида мусулмон уламолари билан бирга зардуштий, насроний руҳонийлар суҳбатларда иштирок этган. Бу тажрибани Мирзо Бобурнинг невараси Акбар (XVI а.) Ҳиндистонда давом эттириб, ажойиб натижаларга эришгани маълум.

Айниқса, ориф сўфийлар зоҳирий расм–русумларга салбий муносабатда бўлгани учун динларнинг умуминсоний моҳияти, инсонийликни биринчи ўринга қўйиган ва динлараро бағрикенгликнинг амалдаги тарғиботчиларига айланган. Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Имомиддин Насимий, Юнус Эмро, Бобораҳим Машраб диний, ирқий, миллий айирмачиликдан ўзларини юқори тутган. Улар учун Аллоҳга бўлган муҳаббат ҳамма нарсадан устун, мазҳаблар, динларнинг ҳар бири Худога олиб борадиган бир йўл эди. Илоҳий моҳиятни англаган одам оламни ягоналикда тасаввур этади ва унинг Ягона ижодкори Парвардигорга интилади. Ж.Румий фикрича, дунё динлари моҳиятан бирдир. Чунки уларнинг ҳаммасида ҳам тавҳид ғояси мавжуд. Барчасида Халлоқи оламга сиғиниш, ҳад айтиш, ундан мадад сўраш, муножот қилиш бор. Масалан, унинг "Ичингдаги ичингдадир" асарида бундай ҳикоя бор: "Бир кун бир йиғинда вазъ ўқиларди. Мусулмон кофир–ҳамма йиғлар, турли аҳволга тушарди. Биров: "Кофирлар неча йиғлашади, устига устак, тилни билишмайди. Мусулмонларнинг ҳам мингдан бири аранг тушунган вазъдан улар нимани англаяптики, бу қадар йиғлаб сиқташади?" деди. Мавлоно буюрадики, "сўзнинг ўзини тушунишга ҳожат йўқ. Улар моҳиятни–мақсадни англашмоқда. Улар ҳам Аллоҳнинг бирлигини эътироф этишади. Унинг Яратувчи, Раззоқ, ҳамма нарсани ўз тасарруфида тутувчи эканини, ниҳоят, ҳамма унга қайтажагини, авфу жазо ундан бўлажагини англашади" ("Ичингдаги ичингдадир", Ғ.Ғулом нашр., 1995, 17–б.).

Румий Куняда кўпгина насронийлар билан дўстлашган эди, улар орасида руҳонийлар ҳам бўлган. Бир сафарда Румийга қора либос кийган христиан руҳонийлари ҳамроҳ бўлади. Айрим мусулмонлар уларга қараб: "Бу қадар қопқора кийган булар, дилингни сиёҳ қилади" деганда, Румий уларни жеркиб: "Сизлар қаердан биласизлар, бу одамлардай саҳий ва раҳмдил одамлар дунёда кам топилади" дейди (Абдулбоқи Гулпинарли. Мавлоно Жалолиддин. Теҳрон нашри, 333–б.).

---

[1] Абдураҳмон Жомий. Нафаҳотул унс. Тошкент, 1913 й. 208-бет.

Мавлононинг уйига бир печкачи уста келиб ишлаганда, муридлар уни ўртага олиб: “Мусулмон бўлсанг бўлмайдими, ислом дини афзал” дея ташвиқ этаётганди, Мавлоно дейди: “Имоннинг боши Худодан қўрқишдир, бу одам Худодан қўрқар экан, демак у мусулмондир, агарчи тасо бўлса ҳам” (ўша китоб, 334–б.).

Мавлоно Румий насроний дўстлари, ихлосмандлари уйига борар, таомларидан тановул қилар, улар касал бўлса хол сурарди. Улар ҳам Мавлоно ҳузурига ташриф буюради. Мавлоно вафот этганда мусулмонлар билан бирга юзлаб насронийлар ва бошқа дин вакиллари таъзиясида иштирок этган (ўша китоб, 334–335–б.).

Умуминсоний ғоялар Таврот ва Инжилда ҳам ўз ифодасини топган, улар ҳаётий ўгит сифатида хизмат қиладиган гаплар ёзилган.

Шундай экан, ҳеч бир дин, конфессия ўртасида сунъий тўсиқ ўрнатиш ва Инжилни мусулмонлар, Қуръонни насронийлар ўрганиши – оғир гуноҳ, деб қатъий даъво қилиш мантиққа тўғри келмайди. Кўпинча, ҳаётда унинг тескарисига дуч келамиз. Таврот ҳам, Инжил ҳам, Қуръони карим каби, Аллоҳ томонидан нозил қилинганини унутиб қўямиз. Шуни ёддан чиқармаслигимиз лозимки, ҳамма динлар биргаликда яхлит тирик организмни эслатади ва уларнинг барчасида **умуминсоний қадриятлар** – одамларни инсофли, бахт–саодатли, камтар, диёнатли, олижаноб, эзгу амаллар соҳибига айлантириш васф этилади.

Олампаноҳ Тангримиз табиат ҳодисалари ўртасида ўзаро боғлиқликни ўрнатди. Ёруғликдан зулматни ажратди. Тупроқ ва сувни яратди. Осмон ва Ерни яратган ҳам ўша Зот. Бири тун, иккинчиси кунни бошқарсин учун иккита улуғвор ёритқич – қуёш билан Ойни яратди. Судралиб юрувчилар, балиқлар, ҳайвонлар, қушлар ва инсонни яратди. Инсон ва табиат ҳамда одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрнатди. Масала шу йўсинда кўриладиган ҳолатларда барча умуминсоний маънавий қадриятлар–нинг яхлитлигини унутмаслик лозим.

Инсон эзгулик шайдоси, одамлар бир-биригаяхшилик қилсин, оғир дақиқаларда бир-бир ини қўллаб–қувватласин, деган ғояни илгари сурганимизда, бизда шундай фикр туғилади: мен ҳам ана шулар билан ҳамдам ва ҳамнафас бўла оламанми? Ахир мен ҳам умумийликнинг бир қисми бўлганидек, ана шу тушунчанинг бир бўлагиман–ку! Шоду–хуррамлик, қайғу–аламлик кунларда улар ҳам биз билан–ку! Мана шундай. Бизни севишларини хоҳласак, демак, биз ҳам уларни ардоқлашимиз керак. Зеро, ҳурмат икки томонлама. Худбинликка ўрин йўқ.

Тавротнинг (ёки Эски Аҳд, рус тилида *Тора*) энг қадимги (милоддан аввалги 11–6–асрлар) муқаддас китобларидан бўлган Товит китобида юқорида келтирилган

ҳикматнинг бир варианти бор: *«Нимани ўзинг ёмон кўрсанг, ўшани бошқаларга ҳам тилама»* [11, 3:15]. Тиллардан тилларга ўгирилиб, оғиздан оғизга ўтиб юрган умуминсоний ҳикматлардан энг муҳими бу. Ҳозир уни ўша қадимги яҳудий қабилалари ёки бир оз кейинги насронийлар ҳикмат хазинасигагина мансуб дейиш мантиқдан эмас.

Таврот ҳам Аллоҳ таоло ҳикматининг маҳсули. Фарқ шундаки, Қуръони карим Унинг расули Муҳаммад Мустафога с.а.в. ваҳий қилинган бўлса, Таврот Парвардигоримиздан яҳудо динининг асосчиси Мусо алайхиссаломга, Янги аҳд эса насронийлар динининг асосчиси Исо Масиҳга нозил қилинган. Бу ҳақда Яратганнинг ўзи «Бақара» сурасининг 87–оятида шундай дейди: *«ҳақиқатан, биз Мусога китоб (Таврот) ни бериб, унинг ортидан (бир неча) пайғамбарлар юбордик. Исо ибн Марямга* (насронийлар уни Аллоҳнинг ўғли деб унга худо сифатида сиғинадилар. – муал.) *ҳам ҳужжатларни бердик...».* Забур (рус тилида *псалтирь*), диний манбаларда таъкидланишича, Аллоҳ томонидан милоддан аввалги XI асрда яшаган Довуд алайхиссаломга берилган. Бу ҳақда ҳам «Бақара» сурасининг 251–оятида айтилишича, *«Аллоҳ унга (Довудга) подшоҳлик ва пайғамбарлик ҳамда ўзи хоҳлаган нарсаларни ўргатди».* Довуд а.с.нинг ўғли Сулаймон алайҳиссалом унга нозил қилинган ва Эски Аҳддан жой олган «Сулаймон а.с. ҳикматлар китоби» ва «Сулаймон қўшиқлари» билан машҳур. Бу ерда номлари зикр этилган қадимги манбалар, улардаги ғоя ва ривоятлар маълум даражада Қуръони каримда ҳам акс этган.

Шунга асосан қайд этиш лозимки, масалан, мусулмонлар Эски ва Янги Аҳдларни ўқиганларида уларга нисбатан з и ё л и л и к нуқтаи назаридан ҳурмат билан ёндашмоғи лозим. Чунки бу муқаддас китоблардаги ҳикмат дурдоналари уларга сидқи дилдан амал қилаётган шахсни ҳар томонлама камол топдиришдай шарафли ишга ундайди. Шуни эътибордан соқит қилмаслигимиз керак: бу китобларнинг барчасида, энг аввало, илоҳий, қолаверса, энг оддий, ҳаётий ҳикмат – ИНСОНИЙЛИК ва ИНСОН бўлиш ҳақидаги масала очиқ–ойдин тавсифланган.

Шуни ҳам айтиш жоизки, диний бағрикенглик миллатлараро дўстлик, маданиятлараро мулоқотликка ҳам ёрдам беради. Чунки дин миллий урф-одатларга таъсир ўтказиб келгани боис баъзан миллийлик билан динийликни бир-бир идан ажратиш қийин. Шунингдек адабиёт ва санъатнинг асрлар давомида диний асотирлар, ғоялар, тушунчалар билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланганини эътиборга олиш лозим. Масалан, ўрта аср Европа тасвирий санъатида асосан Таврот ва Инжил сюжетлари акс эттирилган ёки бизнинг миннатюра санъатимиз сўфиёна ақида ва тушунчаларни ифодалаган.

Шунинг учун маданиятлараро мулоқот, ўзаро ҳамкорлик қилиш, идрок ва завқ халқларни бир-биригаяқинлаштирганидан ташқари диний чегараларни ҳам ҳатлаб ўтишга ёрдам беради. Шундай қилиб, диний бағрикенгликнинг пойдевори **маърифат** ва **маънавиятдир**. Маданий, маърифий диндорлик динлараро яқинлашишга йўл очса, жаҳолат таассубга, тарафкашликка тортади. Шу боис ақидапараст экстремистлар айнан маърифатга ва ундан ҳосил бўладиган бағрикенгликка қарши бўлгани бежиз эмас. Маърифий диндор одам фалсафа, тиббиёт, адабиётни севади, тафаккури кенг, нигоҳи очиқ бўлади. Ақидапараст эса фикри тор, зоҳирий нарсаларга ўч, илм–фан ютуқларини ҳазм қилолмайдиган одамдир. Шу боис киши маърифати ортган сари инсоният яратган жамики қадриятларни ҳурмат қиладиган бўлиб бораверади. Биз ёшларимизни ана шу руҳда тарбиялашимиз лозим. Республикамиз аҳолисининг миллий қиёфаси фақат Шарқ эмас, балки Ғарб цивилизациясига мос умуминсоний тамойиллар, ислом, христианлик ва бошқа динларга хос эътиқод, анъана ва урф-одатлар, рангба–ранг турмуш тарзидан иборат анъанавий мезонларни ўзида акс эттиради. Бунда юртимизда яшаётган халқларнинг ўтмиши, бугунги ҳаёти, келажак билан боғлиқ орзу–умидлари асрлар оша ёнма–ён яшаш жараёнида шаклланган ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, қардошлик туйғулари уйғунлашган тарзда намоён бўлади. Бу эса юртимизда осойишталик, тинч–тотув турмуш тарзини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Умуман олганда, инсоният тобора бирлашиб, ўзаро иқтисодий, ижтимоий–сиёсий масалалар ҳам мураккаблашиб, глобаллашиб бораётган экан, динлараро мулоқот, сабр–тоқат, толерантликни кучайтириш ҳар жиҳатдан долзарб ва фойдалидир.



## НАЗОРАТ УЧУН САВОЛЛАР

1. Ўзбекистонда диний конфессиялар фаолияти – фуқаролик жамиятининг муҳим принципи эканини тушунтиринг.
2. Исломдаги йўналиш ва мазҳаблар қайсилар, христанликда–чи?
3. Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва миллий–маданий алоқаларга мисол келтиринг.
4. Ўзбекистоннинг дунё бўйлаб диний алоқаларини таҳлил қилинг.



## АДАБИЁТЛАР

1. И.Каримов. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т., Ўзбекистон, 2000. 462–515–бетлар.
2. Миллий истиқлол ғояси. Дасрлик. –Т., Академия, 2005, 270–275–бетлар.
3. Рой М. История индийской философии. I–жилд, –М., 1958..
4. Ислом. Қомусий луғат. –Т., Мовароуннаҳр, 2003.
5. Ҳусниддинов Зухриддин. Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. –Т., Мовароуннаҳр, 2000.
6. Н.Комилов. Румийни англаш иштиёқи. Жалолиддин Румий. Маснавий Маънавий. Куллиёт. I–жилд. Таржима шарҳи билан. –Т., Шарқ., 1999, 6–11–бетлар.
7. Авесто. А.Маҳкам таржимаси. –Т., Шарқ, 2005.
8. Ислом – христиан мулоқоти. –Т., Академия, 2003.

**МУСТАҚИЛ ИШ**

"Диний бағрикенглик – замон талаби" мавзуида реферат ёзиш.

## ХУЛОСА

Диншунослик бўйича яратилган мазкур дарслик барча ижтимоий фанлар қатори ўзбекистон Республикаси аҳолиси, айниқса, ёш авлодни маънавий–ахлоқий, ҳар томонлама камол топган шахсни тарбиялашни кўзда тутади. Давлат, маориф, таълим муассасаларида тарбиявий ва маърифий фаолиятни жонлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун бой миллий маданий–тарихий анъаналар ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланган ташкилий ва педагогик–дидактик воситалардан фойдаланилади.

Дарсликда баён этилган динлар ҳақида назарий билимлар билан бирга уларда акс этган ахлоқий меъёрларни оммалаштириш, китобхон ва тингловчи онгига эзгулик, савоб, фойда, диёнат, меҳр–мурувват, андиша, орият, ибо, ҳаё ва мулозамат каби хислатларни сингдириш давлатимиз сиёсатига тўлиқ мос келади. Шу мақсадда қўлланмада барча жаҳоний динлар, Мовароуннахр заминида яратилган зардуштийлик, Будда ва Конфуций таълимотидаги ахлоқий меъёрларга ҳам мурожаат қилинган. Инжил ва Қуръони каримдан олинган васият ва оятлар, сўфийлик адабиётидан намуналарни мустақил шарҳлаб бериш тавсия этилади. «Тўғриликнинг саккиз йўли нимадан иборат?», «Зардуштийликнинг уч тамойилига менинг муносабатим», «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!» каби ҳақиқий ахлоқий меъёрларни мустақил ёритиш йўли билан тингловчиларда эркин фикрлай олиш кўникмаси шакллантирилади.

Китобда Президенти И.А.Каримовнинг диний қадриятлар, буюк дин арбоблари, экстремизм ва фундаментализм ҳақидаги нутқ ва интервьюлари, Ўзбекистон Коституцияси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги, Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилди.

Дарслик Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида тайёрланган дастур ҳамда Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш Концепцияси талабларига мос равишда ёзилди.

***ИЛОВА***

## ДИНИЙ АТАМАЛАР ЛУҒАТИ[1]

*Аббат* – 1. Ғарбий Европада монастир бошлиғи; 2. Католик черкови руҳонийси.

*Ажр* – тўланадиган ҳақ. Мукофот ёки жазо.

[1] Ушбу луғат мавжуд ўзбекча ва русча қомуслар асосида тузилди.

*Азон* – намозга чақириш. Масжидда муаззин мусулмонларни намозга чақириб азон айтади.

*Азроил* – исломда тўрт бош фаришталарнинг тўртинчиси.

*Акобир* – бирлиги “акбар”; энг улуғ, энг катта.

*Ақиқа* – мусулмонликда янги туғилган боланинг сочига қайчи уриш ва бирор жонзот сўйиб зиёфат ўтказиш одати. Ақиқа одатда бола саккиз кунлигида қилинади.

*Ал–мисоқ* – Қуръон тафсирчиларининг уқтиришича, Тангри таоло ўзининг қудрати илоҳийси билан Одам алайҳиссаломнинг пушти камаридан тарқайдиган барча зурриётларини пайдо қилиб, уларга Ўзининг мўъжизаларини кўрсатгач: “Аласту би Раббикум?” (Мен сизларнинг Раббингиз эмасманми?”) деганда улар: “Қолу бало!” (“Парвардигорим, Ўзинг барчамизнинг раббимизсан!”) деб гувоҳлик бериб, Тангри таолога аҳду паймон, яъни мисоқ берган эканлар.

*Амри маъруф* – Аллоҳ таоло амрларига амал қилмоқ. Диний панд–насиҳат қилиш, яхшиликларга ундаш, диний–ахлоқий маърифат тарқатиш.

*Ансорлар* – Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб кучиб келган мусулмонларга ёрдам қилган мадиналик мусулмонлар.

*Апостоллар (ҳаворийлар)* – Исо алайҳиссаломнинг дастлабки 12 шогирди, муриди. Насронийлик динини кенг ёювчилар.

*Архиепископ* – христиан черковининг митрополитдан кейинги олий мартабали мансабдори; епископлар фаолиятини назорат қилади; бош черков назоратчиси.

*Архимандрит* – монахларнинг олий диний унвони; православие черковининг эркаклар монастри бошлиғи, диний ўқув юрти ректори; епископдан кейинги поғонада туради.

*Ассалому алайкум* – (Арабча. –Сизга саломатлик, тинчлик–омонлик тилайман!) дегани.

*Асфаласофилин* – энг пастки еттинчи чуқурда жойлашган дўзах.

*Асҳоби Каҳф* – ғор соҳиблари. Улар беш биродар бўлиб, Ҳақ таолога кучли эътиқод қўйган. Рим императори золим Диоклатианнинг (Даққиюнус) зулмидан безиб, бир ғорга яширинишади. Йўлда уларга Кафиттинус исмли бир чўпоннинг Қитмир лақабли ити ҳам биродарларга садоқат билдириб қўшилган. Улар Тангри таолонинг қудрати билан ғорда 309 йил у 9 ой ухлаб қолган. Ит эса уларни садоқат билан мижжа қоқмай қўриқлаган. Уларнинг номлари: Тамлихо, Игсиг Мино, Мартолус, Сарриниус, Зу Анас.

*Аҳком* – ҳукмлар, қарорлар, қонунлар, фармонлар; шариат ҳукмлари, кўрсатмалари жамулжами.

*Аҳли китоб* – ўз диний, илоҳий китобларига (Таврот,Забур,Инжил) эга бўлган яҳудийлар ва насронийлар аҳли китоб дейилади.

*Аълам (арабча)* – “билгич”, “билағон” маъноларини англатади; уламолар ичида шариат қонун–қоидаларини яхши билган киши.

*Аъроф* – жаннат билан дузах ўртасидаги водий. Қиёмат куни жаннатга ҳам, дузахга ҳам тушмай, савоб ва гуноҳ ишлари тенг бўлиб қолган одамлар жойи. Улар жаннатдагилар ва дуззахдагиларни кўриб туради.

*Байт ул–Маъмур* – маъноси: “обод уй”. Ривоятга кўра, Каъбанинг қаршисида тўртинчи қават осмонда осилиб турувчи Одам Ато қурган ибодатхона;

*Байт ул–мол* – мол–мулк хазинаси. Давлат хазинаси.

*Байт ул–Муқаддас* – Фаластиндаги бу машҳур шаҳар Қуддуси шариф (Иерусалим) деб аталади; яҳудийлар, насронийлар ва мусулмонлар ибодатхоналари мавжуд, шунинг учун ҳам учала динга эътиқод қилувчилар учун бирдек муқаддас шаҳардир.

*Банда* – Худонинг итоаткор қули дегани.

*Бидъат* – янгилик, янгидан расмийлаштирилган. 1. Динни “яхшилаш” мақсадида унга ўзгартиришлар, ислоҳотлар киритиш ниқоби остида динни бузишга ҳаракат қилиш, бузғунчилик қилишга уриниш; 2. Диндорларни чалғитиш, тўғри йўлдан адаштириш; 3. Рисолатдан кейин пайдо бўлган янгилик, динга киритилган тескари, зид ислоҳ; 4. Эскиликдан қолган урф-одат, расм–русум.

*Браҳман* – мажусийлар коҳини, руҳонийси; Ҳиндистонда олий руҳонийлар тоифасига (кастаси) мансуб шахс.

*Буроқ* – “барқ”, яъни чақмоқ, яшин сўзидан олинган. Жаннатдан Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассаллам учун келтирилган учар от. Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи вассалам Жаброил алайҳиссалом билан бирга бурокда Маккадан қуддусга ва у ердан осмоннинг еттинчи қавати – Аллоҳ ҳузурига саёҳат қилганлар.

*Бутпарастлик* – бут, санам, хоч, ҳайкал, сурат ва бошқа нарсаларга сиғиниш, топиниш, эътиқод қилиш.

*Вақф* – хайрия учун ажратилган мол–мулк. Масжид, мадраса, хонақоҳ ва мозорларга фойдаланиш учун давлат ва хусусий кишилар томонидан ажратилиб берилган.

*Ваҳий* – Тангри таолонинг набийлар ва расуллар орқали инсонларга юборган хабар, диний ҳукмлари ва амрларининг етказилиши.

*Вожиб* – мажбурият, бурч. Шариатда ҳар бир мусулмон бажариши бурч ҳисобланган ҳукмлар.

*Ғулув* – чуқур кетиш. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бандаларини “Динда ғулув кетмаганлар ва ифротга йўл қўймаганлар, сизлардан олдин бундай ишларга йўл қўйиган қавмлар ҳалок бўлганлар”, деб огоҳлантиради.

*Гуноҳ* – савобнинг зидди. Яратганга ёқмайдиган ишлар.

*Дақёнус (Даққиюнус)* – Рим императори Диоклатиан (245–313).

*Далай–лама* – ламаизм (буддавийликнинг бир тури) черковининг олий бошлиғи; Тибетда диний ва дунёвий ҳукмдор; Хитой ҳукумати томонидан тасдиқланади.

*Даҳрий* – худосиз. Атеист. Худонинг борлигини тан олмайдиган, ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиган шахс.

*Диёнат* – 1. Софлик, тўғрилик. 2. Диндорлик.

*Домла* – 1. Диний мактаблар, мадрасаларда талабаларга дарс берувчи муаллим, дин ва шариат пешвоси;

*Доруссалом* – “ислом, тинчлик уйи” маъносини англатади; бир неча аср араб халифалиги пойтахти бўлган Бағдод шаҳрига берилган шарафли нисбат.

*Дўзах(тамуғ)* – арабчада “нор”, “жаҳаннам”, “жаҳим”, “сақар”; эски ўзбекчада “тамуғ” дейилади. Гуноҳлари савобларидан кўп бўлган гуноҳкорлар охиратда, нариги дунёда жазоланадиган жой.

*Дуо* – Худога ёлвориб, ўзи ёки бошқалар учун тилак тилаш.

*Дуохон (форсча)* – дуо ўқиб, дам соладиган руҳоний; дуохон деб номи чиққан мусулмон;

*Дьякон* – праволав черковида кичик руҳоний.

*Епископ* – христиан черковининг олий диний мартабаларидан бири; мустақил ҳудудлар диний бошқармасининг бошлиғига берилувчи руҳонийлик унвони; епископни ҳудуд раҳбари тайинлагач, патриарх тасдиқлайди.

*Жаброил* – исломда тўрт бош фариштанинг биринчиси.

*Жаннат(ужмоҳ)* – бу дунёда қилган яхши амаллари, савоб ишлари ёмон амаллари, гуноҳ ишларидан кўп бўлган, яъни жами савоб ишлари гуноҳ ишларидан ортиқ бўлган Алооҳнинг бандалари нариги дунёда абадий роҳат–фароғатда яшайдиган жой, макон. Эски ўзбекчада “ужмоҳ” дейилади.

*Жаноза* – умуман дафн маросими. Исломда ўликни кўмишдан олдин тик туриб ўқиладиган жаноза намози;

*Жоиз* – ижозат берилган, йўл берилган ишлар

*Жума* – жамлик, жам бўлиш. Исломда ҳафтанинг дам олиш куни, улуғ кун. Шу куни мусулмонлар масжидда тўпланиб, жам бўлиб, пешин намозини ўқийди ва диний хутба – ваъз, панд–насиҳат эшитади.

*Закот* – тозаланиш, садақа бериш. Ислом динида фарз қилинган тўртинчи рукн. Ортиқча тўпланган мол–мулкнинг қирқдан бирини, яъни 25% миқдорида йилда бир марта қилинадиган хайр–эҳсон.

*Замзам* – Маккада Каъба яқинидаги муқаддас булоқ.

*Зиммий* – мусулмонлар мамлакатида яшовчи бошқа диндаги киши.

*Зиндиқ* – динга ишонмайдиган, динга қарши, худосиз, даҳрий.

*Зино* – бузуқлик, фаҳш. Шаръий никоҳда бўлмаган эркак ва аёлнинг жинсий алоқада бўлиши.

*Зулфиқор* – ҳазрат Алига Муҳаммад алайҳиссалом тортиқ қилган икки томони кесадиган жуда кескир қилич.

*Зуннор* – 1.Ғайриддинлар: насронийлар, яҳудийлар, зардуштийлар белига боғлаб юрадиган ип, чилвир, тимсолий белбоғ;

*Ибодат* – Парвардигорнинг яратиб қўйганига шукрона билдириб ҳамда Аллоҳ жамолини кўриш ва жаннатга кириш мақсадида қилинадиган маълум бир амал, ҳаракат. Худога сиғиниш, масалан, мусулмонларда намоз ўқиш, насронийларда бутга чўқиниш ва ҳоказолар.

*Ибодатхона* – диний ибодатлар ўтказиладиган биноларнинг умумий номи; исломда – масжид, хонақоҳ, мадраса; яҳудийларда – синагога, маъбад, скиния, синендрион, каниса; насронийларда – черков, синод, собор, костел, савмаа; кирха; буддавийларда – тэра, вихара, дацан ва ҳоказолар.

*Идда* – маълум вақт; аёллар учун белгиланган муҳлат. Шариат бўйича эри ўлган ёки эридан ажрашган хотин бошқа эрга чиқиши учун ўташи шарт бўлган муҳлат.

*Ижмоъ* – якдиллик билан қабул қилинган қарор; жамоатнинг ягона фикри. Шариат манбаларининг Қуръонга, Сунна, қиёсдан кейинги тўртинчиси.

*Ижтиҳод* – фиқҳда олий мартабага эришиш.

*Ийд* – байрам. Ўзбекча – “ҳайит” деб ҳам юритилади. Мусулмонларнинг диний байрами.

*Иймон* – ишонч, эътиқод. Аллоҳнинг борлигига, яккаю ягоналигига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига ишониб, тил билан тасдиқлаш.

*Илоҳиёт* – Худованд тўғрисидаги таълимот, билим. Бутун оламни, коинотни, борлиқни, барча махлуқотларни яратган, уларни инсон билолмайдиган қонунлар билан бошқарадиган Аллоҳнинг сифатлари, зоти белгилари тўғрисидаги диний таълимот.

*Илоҳий китоблар* – инсонларга Аллоҳ томонидан ваҳий тариқасида юборилган муқаддас илоҳий китоблар: “Таврот”, “Забур”, Инжил, “Қуръон”.

*Имом (арабча)* – “олдинда турувчи” маъносини англатади; ислом динида мусулмонларнинг раҳбари; Бу сўз тўрт хил мазмунга эга: 1. Суннийликда барча мусулмонларнинг олий раҳбари, буюк имом (ал–Имом ал–кабир), яъни – халифа; 2. Суннийликдаги тўртала шариат мазбаҳларининг асосчилари: Имом Аъзам, (ҳанафия), Имом молик (моликия), Имом Шофиъий (шофиъя) ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбал (ҳанбалия); 3. Шиъаликда энг юксак раҳнамо ҳазрат Али ва унинг авлодлари; 4. Шиъаликда ҳам, суннийликда ҳам масжидда намозни бошқариб борувчи масжид имоми.

*Иноят* – одамлар савоб ишлари билан эришолмайдиган, фақат Парвардигорнинг меҳри туфайли келадиган илоҳий марҳамат.

*Ислом* – Худовандга ўзини топшириш, итоат этиш ва бўйсуниш.

*Исроил* – ҳазрат Иброҳим алайҳиссаломнинг набираси, яъни Исҳоқ алайҳиссаломнинг ўғли Яъқуб алайҳиссаломга берилган янги ном, лақаб. Яъқуб алайҳиссаломнинг ўғлидан тарқаб кетган қабилалар иттифоқи ва улар яшаган ўлканинг номи. Бани Исроил авлодлари бўлмиш яҳудийлар.

*Исрофил* – исломда тўрт бош фариштанинг учинчиси.

*Ифрот* – ошириш, ҳаддан, меъёрдан ошиш, чегарадан ташқари чиқиш.

*Кавсар* – жаннатдаги жуда тиниқ дарё, чашма, булоқ.

*Каниса* – яҳудийлар ибодатхонасининг ички қисми, махсус бўлими.

*Кардинал (лотинча)* – “катта”, “бош” маъносини англатади; католик черковида Рим Папасидан кейинги олий руҳонийлик мартабаси; папанинг маслаҳатчиси; Ғарбий Европа мамлакатлари тарихида диний ва дунёвий ҳокимиятга таъсири бениҳоя кучли бўлган.

*Карма (санскритча)* – “ҳаракат, бурч, фаолият”. Карма – хулқ–атвор қонуни, яъни инсоннинг ва барча тирик жонзотларнинг қилмишлари, ниятлари, интилишлари ҳаммаси бир бўлиб, унинг тақдирига ҳал этувчи таъсирга эга қасос қонунидир.

*Каъба (арабча)* – “тўрт бурчак” маъносини билдиради; мусулмонларнинг Арабистон яриморолининг Ҳижоз ўлкасидаги Макка шаҳрида жойлашган энг муқаддас ибодатхонаси; араблар шаклига қараб “каъба” (куб) деб аташган; кулранг тошдан

қурилган; “Байтуллоҳ” (Аллоҳнинг уйи), “Байт ул–Ҳаром” (Муқаддас уй), “Байт ул–Отиқ” (Қадимий уй) деб сифатланади;

*Костел* – рим католик черкови ибодатхонаси.

*Куфр (кофирлик)* – беркитиш, инкор этиш. Аллоҳнинг борлигини ва бирлигини инкор этиш.

*Қадар (тақдири азал)* – олдиндан белгилаб қўймоқ, аниқламоқ дегани. Инсон ҳаёти ва фаолиятининг ҳамда оламдаги барча ходисаларнинг Тангри таоло иродаси билан бўлмоғи. Пешонага ёзилган кўргилик; ёзмиш, қисмат.

*Қаъда* – ўтириш. 1. Ўтирган ҳолда дуо, ибодат қилиш ҳолати;

*Қибла* – мусулмонлар намоз ўқийдиган ва сажда қиладиган томон. Дастлаб мусулмонлар осмонга, кейинчалик Қуддус томонга қараб намоз ўқиган. Милодий 623 йилдан улар Каъбага қараб намоз ўқийдиган бўлган.

*Қиёмат* – ёруғ дунё, яъни бу дунёнинг тугаши билан охират кунининг бошланиши.

*Қиёс* – таққослаш, солиштириш. Фиқҳий ҳукм чиқариш усулларидан бири.

*Қироат* – Қуръони каримни маълум бир оҳангда ўқиш.

*Қози (арабча)* – “ҳал этувчи”, “ҳукм чиқарувчи” маъноларини англатади; мусулмонлар судьяси; шариат қонунлари бўйича судлаб, ҳукм чиқаради; қозиюлқуззот – мамлакат бош қозиси.

*Қори* – Қуръони каримнинг барча сураларини ёд олган ва қироат билан ўқийдиган ўткир хотиралик муслим.

*Қорун* – Мусо алайҳиссалом замонида яшаб ўтган фиръавннинг бош вазири. Умр бўйи бойлик йиққан, аммо сарфламаган. Натижада шоҳ хазинасидан ҳам катта бойлик тўплаган. Ниҳоятда золимлиги ва беҳад бойлиги билан донг чиқарган.

*Қоҳин* – мажусийлар руҳонийси; авлиё, ғойибдан хабар бера оладиган, ғайритабиий кучлар ва одамлар ўртасида воситачилик ҳамда сеҳр–жоду ишларига қодир, жониворлар овозига қараб фол очиш қобилиятига эга бўлган руҳоний.

*Қудсий* – “поклик, софлик” маъноларини англатади; масалан, қудсий калима – муқаддас пок сўз.

*Қурбонлик* – яқинлик, худога яқинлашув. Қурбонлик қилиш одати мусулмонларга қадимги сомийлар, яҳудийлар, зардуштийлар ва араб қабилаларидан ўтган.

*Лавҳ ул–Маҳфуз* – 1. Аллоҳ томонидан ҳали одам яратилмай туриб то қиёматга қадар бўладиган барча ишлар, дунёвий ходисалар, воқеалар шунингдек, ҳар бир

